


ЗАМОНГА ЕНГИЛМА

Хамс Карадеми



ҲАЛИС КАРАБЕНЛИ

ЗАМОНГА ЕҢГИЛМА



«Factor press» нашриёти
Тошкент – 2021

УҮК 821.512.161-31
КБК 84(5Туц)
К 24

Қарабенли, Ҳалис

Замонга енгилма [адабий-бадиий нашр] / Ҳалис
Қарабенли. -Тошкент: "FACTOR PRESS", 2021.-184 б

Таниқли турк ёзувчиси Ҳалис Қарабенли бугунги ўзбек китобхонларига ҳозирча "Баъзилар олисдан севарлар" асари орқалигина таниш. Кўлингиздаги "Замонга енгилма" китоби ҳам муаллифнинг ўткир қалами ила битилган бўлиб, асарда инсон қалбининг турли эврилишлари ёрқин бўёқлар ва нозик дид билан тасвиранган. Ҳалис Қарабенлининг қаҳрамонлари, гарчи турли феъл-авторли кишилар бўлса-да, эркка интиладилар, ўз бурч ва мажбуриятларини ҳар хил шароитларда синаб кўрадилар, ҳаёт мashaq'atларида тобланадилар. Ёзувчи мазкур асарида инсон энг оғир шароитларда ҳам ожиз эмаслигини исботлайди. Барчаси инсоннинг руҳияти, маънавий дунёси ҳамда иродасига боғлиқ эканини кўрсатмоқчи бўлади.

Асар кенг китобхонлар аудиториясига мўлжалланган.

Турк тилидан

Нодирабегим Жамшид қизи таржимаси

УҮК 821.512.161-31
КБК 84(5Туц)

ISBN 978-9943-7253-5-5



© "FACTOR PRESS" НАШРИЁТИ
© ҲАЛИС ҚАРАБЕНЛИ

SHIRIN SHAHAR
AXBOROT-KUTUBXONA
MARKAZI

INV № 2022/1-2248



Отамга...

Ҳамма нарсадан аввал инсоннинг сояси чарчайди. Шу сабабли энг биринчи соялар ўлади. Қачонки бир ота ўриндиққа ёлғиз ўзи ўтиридими, демак, унинг кўзлари киртая бошлабди...

Оҳ, ота! Бир куни овозим ўтакаларни ёради, дея қўрқаман. Агар ҳозир сўзлайдиганларим сизга ёқадиган бўлса, демак, борган сайин сизга ўхшаб бораётган эканман. Чунки мен болалигимда қалбимни сиз билан тўлдирган эдим. Эрта тонгда уйдан чиқиб кетаётганингизда, елкангиздан оҳиста ўпиб қўйган вақтим, ўзим билмаган ҳолда, сизни лабларим билан кузатиб қўйган эканман. Онамнинг ҳам яrim бўлаги сиз эдингиз. Ўтинаман, фақат мендан ранжиманг сизга ҳеч қачон «Сизни яхши қўраман, ота», дея олмаганим учун.

Ҳамма нарсадан аввал инсоннинг сояси чарчайди. Шу сабабли энг биринчи соялар ўлади. Қачонки бир ота ўриндиққа ёлғиз ўзи ўтиридими, демак, унинг кўзлари киртая бошлабди...

Эҳ, ота! Энди бутун борлиқдаги сувлар мен учун ҳаромдир. Дарёлардан тошиб келганлари ҳам, ариқлардан оқиб келганлари ҳам, кўқдан қуйилганлари ҳам, ердан чиққанлари ҳам, барчаси гуноҳкор, барчаси айбдор. Қачонки отангиз сўнгги бор ювилганида, ўша ҳайбатли инсоннинг чўкиб қолган елкаларига бокқанингизда, ўзингизнинг ҳам елкангизни оғир

бир юк босиб қолганини ҳис қилганингизда, энди бу оламда йўқлигига кўнишишга мажбур бўлганингизда...

Эй, виждонсиз сувлар! Қўрқаманки, бир куни овомиз ўтакаларни ёради, дея. Ота деб ҳайқирар эканман, ҳатто оддий бир сувни ўзимга душман қиласман, деб сира ўйламас эдим.



*Яңги тонгнинг салқин бир ҳавосида, япроқлар яшил рангидан билинар-билинмас сариқ тусга кираётганда,
қуёш эринчоғлик билан тоғларнинг ортидан бошини
күтараётганда ва қўкда оппоқ булутлар тез-тез
қўзга ташланаётганда сен ёнимда уйғон, севгилим.*

Сен ҳар доим гўзалсан.



Ҳалис Карабенли

Ўзининг ўттиз ёшига тўққиз соат олдин қадам қўйган аёл

Суд ижрочиси: «Даъвогар Эдип Ўзкая ва судланувчи Ногаҳон Ўзкая!» деб бақирди. Эркакнинг хона деворларига урилган баланд овози ёқимсиз эди. Унинг боши деярли елкалари билан бирлашиб кетган, икки томонга қараган ғилай кўзлари эса қошларининг ортидан ғазаб билан қараб турар, соқоллари ёноқларининг устигача чиққан ва куни кеча қиртишланган бўлса-да, худди қора кўмир каби яна бўй кўрсата бошлаган, ҳеч нарсадан мамнун эмаслигини яширмаган юзидаги норозилик ифодаси билан бақирган вақтлари ҳеч ким унинг устидан арз қилмайдиган бир ишда ишлаши эса, шубҳасиз, эркак учун тақдирнинг энг буюк совфаси эди. Чунки шу ҳоли билан бошқа бирор ишда одамлар уни қабул қилиши иложсиз эди. Бамайлихотир ҳаракатларидан эса кўлидаги қоғоздан ўқиётган исмлари ва ҳикоялари уни заррача ҳам қизиқтирмаслиги кўриниб турарди. Бу иш у учун шунчаки ҳар куни бажариладиган одатий ишлардан бирига айланганди, холос.

Даҳлизда жаранглаганида ҳамманинг диққатини тортган, аммо фақат икки кишигагина тааллукли чорловни эшитганида: «Бу фамилияни исмим билан қўшиб айтилаётганини охирги бор эшитаётган бўлай», дея қўнглидан ўтказди аёл.



Бироз вақтдан кейин у билан бирга ўша чорловга эътиборини қаратганлар яна ўз юмушларига қайтишди. Даҳлиздаги шовқин, кулгилар, жанжаллар ва саросима яна ўша ҳолда давом этди. У яна ёлғиз ўзи эди. Ёлғизлигини ортиқ баҳам кўришни истамаган инсондан узоқлашишни истар экан, яна ёлғиз эди. Бу унинг ёлғизлиги устига ёлғизлик қўшаётганди. Даҳлизда бошқа суд ижрочиларининг овозлари янгради. Бошқа исмлар, бошқа кишилар чақирилди. Ҳамма бирдан чақирилган юзларга қаради. Сўнг яна ҳамма ўз ҳаётига қайтди. Ногаҳон деворга суяниб турар, аммо деворнинг на иссиқ, на совуқлигини заррача ҳам ҳис этмасди. Унинг ўттиз ёшга қадам қўйганига тўққиз соат бўлган эди. Аммо қўл телефони кеча кечқурундан бери ўчиқ эди. У ҳаётида биринчи марта туғилган кунида телефонини учириб қўйиши эди. Чунки ҳеч кимнинг овозини эшитишни истамасди. У девордан сал нари кетар экан, яна шу ҳақида ўйлади: «Тўққиз соат олдин ўттиз ёшга кирдим»

Суви қуриган бир қудуқнинг тубига тушган тошдан чиқадиган товуш каби унинг ичидаги овоз ҳам сира жим бўлмасди. Ҳаётда ёлғиз қолганини англаган ҳар қандай инсон каби у ҳам даҳшатга тушди. Яна ўша сўзни минғирлаганча такрорлади. Қаердадир «Дард деганлари бироз вақтдан сўнг дардмандга таъсир қилмайди, ҳаттоқи бора-бора у дарддан завқлана бошлайди», деб эшифтганди.



Унга бу гапда жон бордек туюлди. Гүё буни исботлашга уринаётганга ўхшарди. Лекин агарда ўйлашда давом этадиган бўлса, ҳозиргача оёқда тик туриш учун қилган ҳаракатлари ҳавога совуриларди. Барча уринишлари бир нафасда йўққа чиқарди. У нимани ненинг йўлида фидо қилганини ўйлашдан кўрқди. Ҳақиқат баъзан қорасонга ўхшайди. Аслини олганда, ҳаётдаги ҳамма нарсани қорасонга қиёслаш мумкин. Мавжуд бўлган жамики нарса борки, бу имкониятдан охиригача фойдаланишни истайди. Бу касаллик бошланган вақтидан бошлаб беморни еб битирмагунича тўхтамайди. Ёлғонлар ҳам худди шундай, инсонлар ҳам... Эҳтимол, ҳамма нарсанинг кесишадиган нуқтаси ҳам шудир.

У ёнидаги ўриндиқда турган сумкасидан паспортини чиқариб чўнтағига солди. Сумкасини эса елкасига осди. У ҳануз ҳиссиз эди. Бир қадам наридан деворни ушлади. Девор ҳам ҳиссиз эди. На совуқ, на иссиқ сезилмасди. Болалигида уйининг ёнидаги баландликдан пастга юмалаб кетаётган тошларни гоҳ бирор текис ерда тўхтаб, гоҳ ўзидан ҳам каттароқ тошларга урилганча йўлини ўзгартириб қўздан ғойиб бўлишини томоша қилганида ҳам, айни ҳиссизликни туяр, бироқ пастгача юмалаб тушишга жасорати етмагани учун бироз аввал юмалаб кетган тошнинг ортидан дарров бошқа бир тош ҳам юмалаб етганча, бояги тошнинг ёлғиз қолмаслиги учун унга ҳамроҳлик қиласарди. Гүё шу йўл билан адолат ўрнатилгандек бўларди.



Ёки бу дегани бир жойдан қулаганларнинг қисмати ҳам бир хил бўлади, деганими? Энг муҳими, бир жойдан қулаганларнинг ҳаммаси ҳам ёнма-ён тура оладими? Ўша дамларда булар ҳақида фикр юритиш кичик қизалоқ учун оғирлик қиласарди. Бир куни бувиси ёғоч қошиқ билан овқатни қўзғаётib: «Қизалофим, агар қошиқни қозоннинг тагигача теккизib кавламасанг, овқат куяди. Овқатнинг таги озгина куйса, балки сенга сезилмас, аммо шуям таомингнинг мазасини бузади. Нимаики ишга қўл урма, эътибор ва масъулият билан ёндош. Сен ҳар доим қилиб юрган ва осон иш, дея у қадар муҳим санамайдиган овқат тайёрлашда ҳам, агар хато қилсанг, юзага чиқади. Ҳаёт ҳам шундай, қарофим. Ҳеч кимга сир бой берма. Эҳтиёткор бўл, қаттиқ ишонма. Шунинг учун ҳам қошиқ ҳар доим қозоннинг тагигача етиб бориши лозим», деган кунидан бошлаб ҳаётидаги ҳамма нарса остин-устун бўлган эди. Аввалбошда фақат овқат тагига олмаслиги учун хавотирланар экан, бора-бора буни ҳаётидаги ҳар жабҳа учун ўйлашни бошлади. Бошқалар томонидан сира аҳамиятли саналмайдиган ва кўз юмиб ўтиладиган барча ҳодисаларнинг туб моҳиятидан, то ақлини таниганидан буён учраган ҳар мағлубиятидан, айрилиқдан, ўлимдан, бетартибликтан ўзига дарс олди. Миясидаги ўзи тўқиб чиққан нарсалар уни туғилганидан буён айбдор санашга етарли эди. Ўзининг кундан кунга сўлиб бораётганига эътибор бермади. Бир кун келиб ўтиб кетади, деб ўйлади.

Бир дарахтга ҳаёт берган тупроқ айни вақтда дарахтни ўзига маҳкум этганини, дарахтнинг жойидан қимирлай олиш имконияти ҳеч қачон бўлмаслигини, ўлса ҳам шу ерда ўлишини, ўсиш ва янада мустаҳкамроқ томир ёйиш учун ерга илдизлари билан янада чуқурроқ кириб бориш дарахт учун яшашнинг бир тури эмас, мажбурият эканини билган ҳолда, Ногаҳон ҳам ҳар доим томир отган ерида яшашни танлади. У киндик қони тўкилган ердан узоқ жойда яшашдан қўрқарди. Чунки унинг бошқа бир имкони ҳам йўқ эди. Отаси билан онаси ажрашганидан сўнг, Ногаҳон бувиси ва бобосининг қарамоғида қолди. Унинг ҳеч қачон опа-синглиси, ака-укаси, алмаштириб кийишга кийими ва янги пойабзали бўлмади. Бор-йўғи кимгадир чин дилдан ишонишни истади. Аслида, бир инсон якка ўзи ҳам ҳаётда яшашни давом эттириши мумкин, аммо муҳим бўлган нарса шуки, сенга берилган умрни муносиб бандаси билан баҳам кўришинг ва ўша инсон сенинг дардингга дард қўшмаслигидир. Акс ҳолда, ҳаётингни бирор билан боғлашнинг нима маъноси бор?

Хўш, у чиндан ҳам ҳозир мутлақо ҳиссизмиди? Ёки эри билан бирга қилган қарорлари ҳаётини қанчалик ўзгартириб юборишини тахмин ҳам қилолмаётганмиди? Унинг ишончи комил эмасди. Аслида, болалигидан бери деярли ҳеч нарсага ишончи комил бўлмаган. «Тўққиз соат олдин ўттиз ёшга қадам қўйган аёл», дея такрорлаганча яна ўй-хаёлларга берилар экан, бирдан икки қўли билан оғзини ёпди.



У суд бошланишини кутаётганида, суд ижрочиси турли хил исм эгаларини чорлаганида очилган ушбу эшик, аслида, бошқа эшиклардан анча фарқ қилишини англаган эди. Ўша ондан буён ичида пайдо бўлган, аммо ўзи ҳам номини билмаган бу туйғуни бошқаришга уринарди. Кўзининг олдига ўз уйининг ташқи эшигини кёлтирди. На ошхонанинг, на ётоқхонанинг эшиги бу ердаги эшикка ўхшамасди. Ҳатто у ҳозиргача кўрган бирорта эшик бу эшикка ўхшамасди. Унинг безовталигини оширган нарса, албатта, биргина шу оддий эшик эмас. Даҳлиздаги барча чироқлар чараклаб туришига қарамай, эшик очилар-очилмас йўлакка тушаётган қуёш нури унга киноларда ўлим арафасида турган bemорларнинг бу дунё билан нариги дунё орасида тушиб қоладиган аросатнинг қўркувини эслатди. Бу нур уни борса келмас манзил томон чорлар, лекин Ногаҳон қаерга кетишини ва нималарга дуч келишини чиндан ҳам билмасди. Эрига разм солди. Бир неча йиллар аввал «ҳар доим ёнингда бўламан» деган одамга қаради. Тўғри, у ҳозир ҳам ёнида эди. Аммо нима учун? Эркакнинг қатъий ва бехавотир туриши аёлнинг янада кучлироқ даҳшатга тушишига сабаб бўлди. У довдирап, бутун вужуди дағ-дағ титрарди. Кейин суд ижрочисининг юзига бокди. Унинг куни кеча қиртишланган бўлса-да, худди қора қўмир қаби яна бўй кўрсата бошлаган юзидаги соқоллари яна бироз ўсгандек туюлди. Ўша ерда йигилганлар бу ерга нима учун келганини яхши биларди.



Эри ҳеч кутилмаганда эшиқдан ичкарига кирди. У ичкарига кирап экан, эркакнинг сояси янада катталашди ва Ногаҳонга тушиб турган нур кичрайди. Аёл эркакнинг улкан қора соясидан сира ётсирамади, чунки бунга ўрганган эди, бироқ худди қуриган дарахтларнинг ғичирлашига ўхшаган қора соядан чиқаётган қўрқинчли бир товушни гўё болдириларида ҳис қилгандек бўлди. Бир қабристоннинг ўртасида қолиб кетганини англади. Дарҳол бу ерлардан чиқиб кетишни истади...

Суд раиси даъво аризаси билан танишиб чиқди. У ора-сирада кўз остидан эркак ва аёлга қараб қўярди. Кейин эса ўзи учун ёд бўлиб кетган бир нечта моддани Ногаҳонга қараб ўқиди ва:

– Шуларга розимисиз? Ҳеч қандай талабингиз йўқми? – деди ўта майин бир овоз билан.

Унинг овозидаги майинлик гўё бегона шаҳарда учрашиб қолган ҳамشاҳарларнинг бир-бирига очган иссиқ бағирлари каби ёқимли эди. Гўёки уйининг бир хонасини, машинасининг ён томондаги ўриндиғини, совутгичидаги сабзавотларини, жавонидаги икки токчасини, иссиқ ҳаммомини, қиши кунларига атаб ертўласида асраб' қўйган анорини, ёз келса, ҳовлисидаги гилосини, хуллас, бисотида нима бўлса, ҳаммасини Ногаҳон билан бўлишадигандек, майин ва юмшоқ эди унинг овози... Чунки иккиси ҳам бир томонда эдилар. Табиийки, эллик ўшлардаги бир аёл ўзининг ўттиз ёшига тўққиз соат олдин қадам қўйган бошқа бир аёлни жуда яхши тушунарди.



У қарорни ўқимасдан олдин: «Туғилган кунинг муборак бўлсин, қизим. Биласанми, инсон бир марта туғилади. Аммо минг бор ўлиши мумкин», деди елкасига ҳам етмаган калта соchlарини тузата туриб.

Суд раиси кўзойнагини ечиб, столнинг устига қўйди. Ажрашиш ҳақидаги аризага яна бир бор кўз югуртирди.

«Аммо бу ердаги аҳамиятли томони шундаки, неча бор ўлган бўлсанг ҳам, ҳатто бир нарса учун бир неча бор ўлган бўлсанг ҳам, ҳеч қачон пушаймон бўлмаслигингдир. Айни дамда нима учун бу ердалигингни ва сени бу ерга қандай сабаблар етаклаб келганини зинҳор унутма!»

«Менинг ҳеч бир сўзим, тавба-тазаррум ёки ўзимни оқлашим сенинг қалбинг синиши олдида ҳеч нарса эмас. Анчадан бери нималар дейишим кераклиги ҳақида ўйлайман. Сўзлар билан қанчалик яқин ўртоқ бўлмай, муносиб бирорта сўзни тополмадим. Орамизда видолашув они бўлиши керакми ёки йўқми, буниям билмайман. Чунки видолашув онлари бир-бирини таниган инсонлар орасида бўлади. Бизчи, бир-биrimизни қанчалик таниймиз? Хўш, бир-биrimизни танишимизни баралла айта оламизми? Бу борада қанчалик холисмиз? Сен турган ерингдан узоққа кетишни ёқтирмасдинг. Мен бўлсам, аксинча, ҳар доим ўзимдан ҳам олисроққа кетишни истардим. Иттифоқо, сени шундай кунларнинг бирида қайтадан топдим. Ўзинг мавжуд бўлган жойда муқимлигингни ва мавжуд бўлган ерингда йўқолиб қолишингни севдим.



Сен менга нисбатан омадлироқ әдинг. Ўзи мавжуд бўлган ерида йўқолиб қолган ва ўз чегараларини кесиб ўтолмаган инсонлар бошқа инсонларга қараганда ўзлигига олиб борадиган йўлни осонлик билан топади. Тўғри, бу ҳам инсонга азоб беради, бироқ лоақал азоб берган ва азоб чектирган нарсанинг нималиги ҳар доим маълум. Ҳеч бўлмаса, ўзингни айблайсан... Айтмоқчиманки, сен ҳар доим мен қилган ишнинг тескарисини қиласдинг. Жуда узоқ йўл юрганимдан ва кўплаб одамлар билан танишганимдан кейин адашиб қолишим мумкин эди. Аслида, турли одамлар билан танишганча, уларга ўхшаш қанчалар янгиш иш ҳисобланса, мен ҳам худди шундай адашишим мумкин эди. Мен худди сен каби тўхтаган жойимда қолишим мумкин, деб ўйладим. Худди сен каби бунинг уддасидан чиқаман, деб ўйладим. Бу йўлда сендеқ ўзимни койитмайман ва ҳеч кимга ҳеч нарсамни фидо қилмайман, дедим. Эҳтимол, худбин бўлгандирман... Аммо буниям эплолмадим. Худбинлигимни деб эплолмадим. Аммо ҳаракат қилдим, ишон. Бироқ нимаики бўлмасин, алалоқибат, инсон ўзи ўрганган нарсага қайтар экан. Сенинг умрингни еганимдан афсусдаман. Сени ўзинг беркиниб юрган ерингдан тортиб олдим ва сенга мутлақо нотаниш бўлган дунёда ёлғиз қолдирдим. Кетиб қоласан, деб ўйлаган вақтларим йўлингни тўсдим-у, бироқ сен билан ҳам бирга қололмадим. Барча эшикларни занжирладим. Ичимдаги кетишга бўлган истак ҳеч қачон менга тинчлик бермади ва буни сендан яширяпман, деб ўйладим. Сен бўлса ҳамма нарсадан хабардор әдинг, шундайми?



Аммо нима сабабдан ҳамма нарсаны билиб туриб менга яхши муносабатда бўлдинг? Нима учун ҳамма нарсаны юзимга солмадинг? Нега ўзимни алдашимга қўйиб бердинг? Йўқ! Асло сени айбламоқчи эмасман! Аксинча, ўйлаб қарашингни истайман. Чунки ҳеч қачон бутунлай ёнингда бўлмаганимни билардинг, сезардинг буни. Ёки ҳамма тапларим ёлғонми? Сен ўз чегарангнинг ичидаги сиқилиб қолмаганмидинг? Бирпасдан сўнг иккимиз ҳам бошқа-бошқа томонга кетамиз, сен осонликча ўз йўлингни топиб кетасан. Ана ўшанда йўқотган мен бўламанми? Ҳақиқатдан ҳам энди, ким кимни йўқотганинг аҳамияти бормикан? Эҳтимол, ҳозир гўё ақлини йўқотган одамдек гапираётгандирман? Ёки нима сабабдан ўз чегаранг ичидаги қолганингга ўзинг иқрор бўлишни хоҳлайсанми? Ё ўзим сабабини айтайми? Сен ўзинг йўқотган ёки мени йўқотди, деб ўйлаган ўша нарсанинг ошкор бўлишини кутаётган эдинг. Бир кун келиб, сен иқрор бўлмасанг-да, ўша нарсанинг ўзи сени топиб боришини хоҳладинг. Кўряпсанми, ҳеч биримиз холис эмасмиз! Ўзимни ёки сени айбдор кўрсатиш билан иккимиздан биримизни оқлаш ниятим йўқ. Аммо лоақал менинг ҳам қўздан қочирмаган айрим ҳақиқатларим борлигини билишингни истайман. Мана, ўттиз ёшингга ҳам тўйқиз соат олдин қадам қўйдинг. Сен билан бирга ўтказган шу уч йил ичидаги ўзимизни аслида мавжуд бўлмаган турмушга ишонтиришни истадик. Ҳар кўклам келганида янгиланадиган умидларимиз бир-бирамизга алоқадор эмасди...»




Эркакушбусўзларни кутиш залидан чиқишганидан сўнг даҳлизнинг охирида жойлашган лифтнинг ёнида туриб гапирди. Ногаҳон эса чурқ этмади. У эркакни лифтнинг ёнида қолдириб, ўзини пиллапояларга урди. Чўнтағида қизлик даврида олган паспорти бор эди. Уни чўнтағининг устидан маҳкам ушлаб ғижимлади. Шу йўл билан ҳаётида илк бор нимагадир нисбатан ёмон муносабатда бўлган эди...

Суд биносини ҳар тарафдан ўраб олган қуёш нури борган сари қиздирив борар ва даҳлизнинг иккала томонидаги панжаралардан ичкарига киради. Бошқа бир нур эса Ногаҳонни ўзи ҳам билмаган ҳаёт сари чорлар эди. Ташқарига чиққанидан сўнг то оёқлари оғриқдан шишиб кетгунича пиёда юрди. У, аслида, ўттиз ёшига тўққиз соат олдин эмас, айни лаҳзада қадам қўйган эди...



Инсоннинг кўнгли синган вақт – шиша каби овоз чиқаролмайди, худди сув йиглаганида оқим билинар-билинмас қучайганидек.



Ҳалис Карабенли

SHIRIN SHAHAR
AXBOROT-KUTUBXONA
MARKAZI

INV № 2022/1-2248



Ҳамма нарса остин-устун бўлган. Гап бизнинг вайроналар остида қолиб кетганимизда эмас, буни ким амалга оширганида...

Бугун ҳаво қанақа экан, дея дeraзадан қарайман. Чунки бу мени, бироз бўлса-да, тинчлантиради. Ҳаво очиқ ва қуёшли, кўчадан эса ўтган-қайтганларнинг овозлари эшитилади. Ўтмишнинг ҳам овози келади. Нақадар қўрқинчли ва ғалати, шундай эмасми? Сен юрган ҳар қандай йўлда изинг қолади. Сен яшаган ҳар ерда ва ҳаттохи сен яшашни истаб яшолмаган ҳар ерда, ҳар йўлда ҳикоялар бор. Ўз ҳикояларинг, бошқаларнинг ҳикоялари ва ҳатто мушукларнинг ҳам ҳикоялари бор.

Негадир менга вақтнинг ич-ичидан гўё хотиралар ҳар он вулқон каби отилиб турадигандек туюлади. Хўш, агар ўша вулқон одамнинг ичидан отилганида, нима бўлар эди? Унинг ич-ичидан нималар отилиб чиқсан бўларди? Қанча айрилиқ, қанча кўз ёш, қанча зулмат, қанча пойабзал, қанча лаб бўёғи, телевизор, сигарет, қораланган қофозлар, қайдлар, мусиқа но-талари, кўшиқлар, чивинлар, қуртлар, капалаклар, тезюарар поездлар, бекатлар, ilk бўса, ilk араз, ilk қарғиш, ilk хиёнат, ilk айрилиқ... Ер ютсин, буларни қанча санасанг ҳам тугамайди. Ўйлаб қарасам, не-неларни бошимдан ўtkазибман, не-неларни қўлдан бой берибман.



Жуда кўп нарсани топишни истайман. Метрода тушиб, то сўнгги бекатгача югуриб машинистдан олдин етиб борсам ва метро келган томонга ҳеч кимнинг ҳамроҳлигисиз худди шу йўсинда қайтиб кетсам. Нима бўлади? Бир бекатга келиб, сени учратсан ва худди девона каби сенга боқсам. Бирпас ўтиб нигоҳимни илғаб қолсанг. Сўнгра кулсанг. Кулаётиб юрагимни суғуриб олганча қўлларингда тутсанг. Оғриқдан тўлғонсанм. Зора ўпсанг. Ўлишдан қўрқадиган ногирон бир от каби «Тўхтанг, уни ўлдирманг!» дея йиғласанг...

Буларнинг бари хомхаёл эканини ва ҳеч қачон содир бўлмаслигини биламан. Мен аллақачон уй эгаси бўлишнинг афзаллигини йўқотдим. Ҳар сафар эшиккача келганимдан сўнг, ташқарига чиқишдан воз кечаман. Роппа-роса ўн икки кун бўлди. Ўн икки кун олдин соат ўн иккита кетдинг. Бу умуман хаёлдан чиқмайдиган, ғоятда гўзал айрилиқ бўлди. Сен «Айни дам иккимизнинг ҳам бироз танаффусга эҳтиёжимиз бор. Мени кут. Озроқ бир-биримиздан дам олайлик, ҳаммаси ҳақида ўйлаб кўрайлик. Қолганини кейин гаплашамиз», деб кетмадинг. Эрталаб уйқудан уйғондинг, кўзимнинг ўнгида чамадонингни йиғиширдинг, сигарета тутатдинг. Кейин уйимга илк бор келган кунингда олган таассуротларинг тўғрисида узоқ гапирдинг: йиғладинг, кулдинг, бақирдинг, менга лаънатлар айтдинг, ўзингни қарғадинг. Кейин диваннинг чойшабини тўғирладинг. Яна сигарета тутатдинг. Кетидан яна битта.



Яна йигладинг, кучли бўлиб кўринишга уринмадинг,
қалбинг оғриётганини яширмадинг, ғазабингни то
сўнгги дақиқагача сочдинг.



Ичимга ўт қўйишни истадинг. Ва буни эпладинг. Кейин дори кутидан оғриқ қолдирувчи дори олиб ичдинг. Тишларингни ғичирлатдинг. Кўз қиринг билан мени изладинг: мени соғиндинг. Кетма, дейишимни кутдинг: мендан садо чиқмаганини кўрдинг ва умидинг бутунлай сўнди. Кейин эса мен сен учун ясаттирган эшик калитини оёқ кийимлар туродиган жавончанинг устидаги илгичга осдинг ва кетдинг...

Ташқарига чиққанингдан кейин йиғладингми? Таксига миндингми ёки орқамдан келади, деб озроқ пиёда юрдингми? Чамадонинг оғирмиди? Нима қилганингни билмайман... Ортингдан бормадим. Эшикка суюниб йиғладим. Чунки кетишингни истадим...

«Инсонлар неча турга бўлинади, билмайман. Аммо бир жойга тегишли эмаслигини билганлар ва бир жойга тегишли эмаслигини билмай яшаганлар бор. Мен соғ эмасман», деб сенга айтгандим. Эсингдами?

«Руҳим ҳеч қаерга сиғмайди. Гўё даҳшатли бир бўшлиқ бордек, не қиларимни билмайман. Менинг ёнимда қола оласанми? Мен доим кетишини хоҳлайман. Бу борадиган бошқа бир жойим борлигидан эмас. Нима қилмай, бу нарсанинг олдини ололмайман. Айтипман-ку, менинг руҳим хаста. Бундан кутулиб бўлмайди, аммо лоақал бу нарсани бошқаришим лозим. Хасталигим янада кучаймаслиги керак. Бунга тўсқинлик қилишим учун менга ёрдам бер.



Нимадир қил! Масалан, қаршимга келиб соchlaringни йиғишитир. Бу менга жудаям ёқади, шу онда ҳамма нарсаны унутаман», дея давом этгандим...

Гүё бу дунёга бор-буудидан айрилган бир шүрпешона керак эди ва ўша мен эдим, севгилим. Тан оламан, яхши инсон эмасдим. Ҳамма нарса ҳақида обдон ўйлаб кўриб, бир холосага келган эдим. Сен ҳаётимга кириб келмасингдан аввал ўзгаришни истамасдим. Ёнимда бўлган инсонлар қисқа фурсатда мени ўзларидан бездиришарди. Ҳамма нарсадан жуда тез кўнглим совирди. Мен изн берган вақтга қадар ёнимда қолишларини истардим. Фақат бир ўзимга тааллуқли ҳаётим бўлсин, дердим. Ўзимни ожиз ҳис қилган пайтларим фақат шу йўл билан тинчланардим. Кейин эса ҳаётимга сен кириб келдинг. Яхшиямки, келдинг. Тузалишимга мени ишонтиридинг. Ҳамма нарсаны унудим. Бироқ ўтмиш билан юзлашмай туриб унутиш неъматига эришиб бўлмас экан. Аслида, мен ҳақиқатлардан қочган эканман. Сен сира сўроқламаган ўтмишим қайтадан уйғониш учун қулай фурсатни кутган экан. Назаримда, буни қўздан қочирган қўринамиз. Мен сенда кўриб ошиқ бўлган кичик бир нарса яна менга шуни эслатиб юборди. Соchlaringни йиғиширишингни жуда ёқтирадим. Аммо ўзганинг ҳам соchlарини йиғиширишига термулганман. Эрта тонглари уни томоша қилардим. У эса ўзини томоша қилаётганимни билгани учун ўзини дунёдаги энг жиддий, энг муҳим, энг диққатни тортадиган ва воз кечиб бўлмайдиган ишини амалга ошираётгандек тутарди.



У ҳақ эди. Бу чиндан ҳам дунёдаги энг жиддий, энг муҳим, энг диққатни тортадиган ва воз кечиб бўлмайдиган бир иш эди. Қолган нарсалар мени қизиқтирмайди. Кунлардан бир куни ҳар кунги каби гўзал бир тонг отди. Биз ётоқхонамизда эдик. У ўрнидан туриб, соchlарини йиғиштирди. Сўнг нигоҳини менга қаратганча: «Мен бутунлай кетяпман», деди. У соchlарини йиғиштирди-ю, аммо мени ва уйни тўзитиб кетди...

Орtingдан боролмаганим учун узр сўрайман. Сабаби, ўтмишимни унугомадим. Аслида, кўринганим каби эмаслигимни англаганимдан бери ўзимга бегонаман. Бир бегона билан ухлайман. Бир бегона билан юраман, тамадди қиласман, ишлайман, сукут сақлайман, гаплашаман, севаман ва у билан жанжаллашаман. Аммо асло бу бегона билан бир-биримизни бирлаштиришга уринмаймиз. Аксинча, иккимизни ҳам ҳаяжонга соглан ва яшашга бўлган истагимизни кучайтирган бу фарқнинг кўп нарсани йўқотишнинг эвазига бўлса-да, бизни бир жойда ушлаб турганини англадик. Кимнидир қуча олишнинг қийматини, кимгадир ҳайрат билан термулишни... Азоб чекишининг уяладиган томони йўқлигини... Бизни пайқамасликлари ва яширинган тубсизлигимиз ифлосланишининг олдини олиш учун маълум фурсатга юзага чиқамиз. Аслини олганда, буни тўйиб нафас олишнинг бир тури, десак ҳам бўлади. Чунки агар шундай қилмасак, одамлар борлигимизни йўқлигимизнинг соясида кашф қилишини биламиз.



Бундай бўлишини эса ҳеч биримиз истамаймиз. Бир инсоннинг борлигини билиш учун йўқлигини тотиб кўришнинг ёки буни алдамчи бир қизиқувчанликнинг шеригига айлантиришнинг нима маъноси бор?

Аслида, муҳим аҳамиятга эга бўлган нарса яшаётган ҳар лаҳзамиз эмасми? Агар сен ўтмишни қабул қилмасанг, бугунингда яшолмайсан ва келажагингни барбод қиласан. Минг афсуски, мен ҳеч қачон бугунимда ва айни лаҳзамда яшашни эплолмадим. Нимагаки вақт деганлари ўта кучли ва айни дамда ниҳоятда тез ҳаракатланадиган нарса эканини билардим. Табиийки, бу ҳаётимни қийинлаштириди. Нафақат менинг, балки менга алоқадор бўлган барча инсонларнинг ҳам ҳаётини қийинлаштириди. Агар сенга энг яқин бўлган инсонлар ҳам сени тушунмаса ва сен билан бирга елкама-елка туришдан қочса, унда бирга бўлишнинг нима маъноси бор? Бизни бирлаштириб турган нарсалар айни дамда парчалар эди. Менинг ранжим ва чарчоғимнинг асл сабаби шу: бирор кимса мени тушунмади...

Кўксим ёрилди, аммо мен барибир ўша ёриқларга гул экишга уриндим...



Аслида илк бор бир-бири миздан айро қолган вақтимиздаёқ иккимиз ҳам бошқа-бошқа томонларга кетишимиз керак эди. Чунки айрим нарсаларни ўнглашнинг имкони йўқ экан.

Жуда камчилик инсон ўзини безовта қилган нарсалар билан юзлашишга жасорат қиласди ёки ҳаётида ниманинг етишмаслигини англашга уриниб, ҳаётида етишмайдиган ҳаяжонни топмоқ учун жуда майда нарсаларни ўйлаш билан бошини ачитади. «Ҳозир сен билан ҳеч нарса қилмасдан гаплашсак ҳам бўларди» деган тушунча эса ҳаммасидан аввал келади. Аслида, ҳаётида етишмайдиган нарсанни улкан нарсалардан қидирғанлар – қўрқоқлардир. Чунки қидираётган ери қанчалик улкан бўлса, излаётган нарсасини топиш эҳтимоли шунча камаяди ва шу муносабатдан қидирған нарсаси билан юзлашиши учун жуда кўп вақт сарфланади. Баъзида эса топган нарсамиз бор-йўғи сукут сақламоқдир.

Ичимга ўрнашиб олган сукут истаги кун сайин қувватланиб бормоқда. Бундан буён мен билган барча сўзларни сараласам ҳам ёлғизликнинг, менга келтирган зарарини қоплолмайман.



Мавриди келганда гапиришимиз керак бўлган гапларни ичимишга ютганимиз ва тилимизни тишлашимиз керак бўлган пайтда гапирганимиз учун ҳам шунча ғалвани бошдан ўтказдик. Эҳтимол бисотимиздаги нарсаларни шу боисдан бой бергандирмиз.

Ҳеч нарсани кўздан қочирмаслик учун миямдаги хотираларни секинлаштирилган ҳолатда минг марта текшириб чиқдим. Яна бир бор ҳамма нарсани кўздан кечирдим. Юз берган ҳодисаларни бирмабир ғалвирдан ўтказдим. Бутун ҳаётимни текшириб чиққандан сўнг унинг тизгинини ўз қўлимга олганча, вақт билан бир хил суръатда жадалладим. Мен у билан рақобат қилмадим. Аксинча, унинг шиддатли кучига тан бердим. Оғриқларимни сузгичдан ўтказдим ва энг соф шаклини топдим. Тозаланган ва элакдан ўтказилган оғриқларнинг ҳеч бири инсонга аввалгидек зарап беролмайди: сукутдан бошқа... Чунки сассизлик шундоқ ҳам ҳамма нарсанинг энг тоза ва қусурсиз кўриниши. Худди янги туғилган яланғоч гўдак каби. Аммо бу нарса ҳам одамларга ёқмайди. Гапирганингда қулоқ солмаганлар сукут қилсанг ҳам айблашади. Аслида, бир нарсани қайта-қайта тушунтиришга мажолинг қолмагани учун гунг бўласан одамларга нисбатан. Бошингдан ўтган кўргиликларга ҳам ҳеч ким ишонмайди. Борлигига шубҳа қилган ёки гувоҳ бўлишса-да, кўрмасликка олган нарсаларининг барчасини келтириб олдиларига қўйсанг ҳам фойдаси йўқ, кўришни ҳам истамайдилар. Фақат гапиришни билишади. Оғизларидан чиқаётганини қулоқлари эшитмайди. Кейин сукут сақлашга мажбур бўласан.



Ҳақиқий азоб нуқтасига бир инсонни ҳам қалбан, ҳам жисмонанан сенга тегишли, деб ўйлаб, янглишганингни англаған вақтингда бориб уриласан. Бу воқеалар рўй берганида, ҳали тажрибанг бўлмагани учун катта йўқотишнинг қоқ марказида турганингни англайсан. Вақт деганларининг ортида бир мақсад борлигини ва ўша мақсад инсонни бир эшикдан бошқа бир эшикка олиб ўтиш эканини тушуниб етасан. Буни ҳаёт дейдилар... Нафақат бир уйнинг, бир автобуснинг, катта боғнинг ёки ундан ҳам улканроғ-у бироқ рўё бўлган бир хаёлнинг ичидагашамоқ ҳам аслида, тирикликнинг белгисидир. Чиндан ҳам биз излаган нарса шумиди?

Дилимни милт-милт ёритиб турган шуъла ўчиб қолмаслиги учун, зулмат қопламасдан аввал шамлар ёқдим. Йўлимни йўқотиб қўймай, дея ҳар кирган кўчамнинг бошида изларимни қолдирдим. Кўнглимнинг кўчаларида ўйнаган болаларга қоронғу тушганида уйларига кетишга буйруқ бермадим. Синиқ товушлар, қичқириқлар ва қаҳ-қаҳалар бирбири билан аралашиб кетди. Бироқ мен ҳаммасидан ҳам қўпроқ момақалдироқнинг товушини ўзи билан олиб юрмаган ёмғирнинг шитир-шитирини севдим.

Менда ҳар доим қачон бошлангани номаълум ва мен аниқ бир сабабини билмаган сурункали ёлғизлик ҳисси бор эди. Гўё туғилганимдан буён нотўғри жойда яшаёттгандек эдим. Масалан, ўз уйим ҳеч қачон менга тегишли бўлмаган. Қўлим теккан нарсаларни ўзгартиришга кучим етмагани каби, қаттиқ нарсаларга қўлим теккани сари ундан ҳам қаттиқлашди.



Менга ҳеч қандай уст-бош ярашмади. Минг бор тинглаган қўшиғимни ҳам ёдлолмадим. Мени ошиқ қилган ифорни ҳам узоқ вақт баданимда ушлаб туролмадим. Вужудимдаги юракка ҳам бегонасираб яшадим. Ниҳоя бироз кечикиши учун узоқ-узоқ гапирдим. Аммо барибир бўлиши лозим бўлган ишлар вақти келиб содир бўлар экан. Ниҳоя деганлари анча муддат аввалданоқ ўзининг жойини тайёрлаб қўяди. Аслида, кутишни энг яхши билган нарса бу – ниҳоядир. У дунёдаги бутун борлиқнинг энг сўнгги манзили ўзи эканини яхши билади. Ушбу ҳақиқатнинг берадиган қуввати уни янада кучга тўлдиради. У шу боисдан ҳам сира чарчамайди. Ўзини ҳамиша бардам ҳис қилади. Агар у сенинг ёнингга келган бўлса, демак, барча кучини сарфлаб бўлибди. Ҳойнаҳой, аввалги кучидан асар ҳам қолмагандир? Унинг энг сўнгги умиди ўз мақсади бўйича ҳамма нарсани бутунлай якунлаб қўйишдир. Чунки бошқатдан бошлишнинг биргина йўли шудир. У сенга иккинчи, учинчи ва агарда чиндан ҳам омадли бўлсанг, яна бир неча бор имкон беради. Ниҳояланмоқ учун бошланган ғарсанинг номи ҳаётдир. Буни рўй бериши лозим бўлган ишлар содир бўлмаганида ёки содир бўлмаслиги керак бўлган ишлар амалга ошганида тушуниб етасиз. Ҳар биримиз ўзимизни жуда кучли ва ўта муҳим инсон ҳисоблаганимиз учун минг йилдан бери вайрона бир эшикнинг ортида кутмоқдамиз. Ушбу вайрона эшикнинг номи эса – сени тушунишларини кутиш, деб аталади. Ҳўш, агар



ташқарига чиқиш ҳам, ичкарига кириш ҳам шунчалик осон иш бўлса, унда бу эшик нимага турибди? Шуни ҳеч ўйлаб кўрдингми?



Қалбингиизни ўртаса ҳам, چурқ этиб ёрилмайдиган
инсоннинг манманлиги ва кибрига жим туриб бас
келолмайсиз. Бу сизни қун сайин ёмон аҳволга солади.
Доимо ёнингизда бўлишни ният қилмаган инсонга
асло тоқат қилманг. Кўлингиздан тутмаган одам
билин бир ўйлдан юрманг.



Ҳалис Карабенли



Ўзимнинг дардимга ўзим дармон бўлишдан чарчадим. Ўтинаман, мени бу дарди бедаводан кутқар!

Худди тушга ўхшарди... Орадан неча йиллар ўтиб, яна ёнма-ён эдик. Икки тарафига дарахтлар экилган узун йўлдан кетар эканмиз, рўпарамиздан қизғиши тусдаги бир тепаликда ёлғиз ўзи бўй чўзиб турган улкан дарахтга кўзимиз тушди. Дарахт биз турган ердан анча узоқда қад ростлаган бўлишига қарамай, нақадар улкан эканлиги яққол кўзга ташланарди. Дарахтнинг атрофида ҳатто кичик буталар ҳам йўқ эди. Улкан тепаликда якка ўзи ҳаёт кечирарди. У мағрурмиди ёки кибрлими, буни илк қарашдаёқ билиб бўлмасди.

– Сенингча, бу дарахт нима учун ёлғиз? – дедим.

– Яъни, унинг ўзи ёлғиз қолишни истаганмикан ёки уни атайлаб ёлғиз қолдиришганми? Эҳтимол унинг ўзи ёлғизликни танлагандир? Ахир, ёлғизлик ҳам бир танлов бўлиши мумкин-ку. Унинг савлат тўкиб туриши, улкан ҳайбати, жуда олисдан ҳам кўзга ташланиши, улуғвор кўриниши, қирқ йилда бир марта ташқарига овқатланиш учун чиқаркан, уст-бошини, табассумини ва ўзини тутишини ҳар доимгидан ҳам башанг кўрсатадиган бир киши каби бироз манман ва кибрли эмасми, сенингча? – деб қўшиб қўйган эдим.



Үшанда иккимиз ҳам узун йўлда юришни тўхтатиб, йўлимизни улкан дараҳт томон бурган эдик. Аслида, ўша дамда қизғиш тусдаги тепаликда бўй чўзиб турган улкан дараҳт бизни қизиқтириб қўйгани ғайритабий ҳолат эмас эди. Чунки биз азалдан ҳамма нарса ҳақида суҳбатлаша олардик. Аслида, биз илк танишган вақтларимиздаёқ шундай эдик. Ўша ғалати истак орамизга қачон тушганини англағунимизга қадар ҳамма нарсани энди ўрганаётган, ўргангандар тўғрисида бошқаларга ҳам тўлиб-тошиб айтиб берадиган ёш болаларга ўхшардик.

У ҳар доимги сокинлик билан: «Бироз ошириб юбормадингми?» деди.

«Эҳтимол, бу жуда оддий вазият бўлиши мумкин-дир. Ким билади, балки қачондир унинг ўрнида бошқа бир улкан дараҳт бўлган-у, у қурий бошлаганидан сўнг, уруғларидан бири ҳаётга бошқатдан қайтгандир. Яъни ёлғизлик деганлари бирордан бошқа бирорга кўчиб юрар. Худди қариндошлар ўртасидаги никоҳдан вужудга келган ирсий касаллик каби... Сенинг фикринг қандай? Сенга, ошириб юбординг, деб, балки энди ўзим ошириб юбораётгандирман? Бир китобда ўқиб·қолгандим: «Бир ёзувчи бошқа бир ёзувчи билан қилган суҳбати ҳақида гапирапкан, ёзувчи билан ўқувчининг ўртасидаги ягона фарқ шундаки, бизни ўқиётган инсонларнинг ўзлари ҳам билган, аммо тилга чиқаролмаган оғриқларини, дард ва аламларини, кувончларини ёки хулосаларини биз қофозга туширамиз. Буни қанчалик уддалаётганимиз эса бошқа бир мавзу, деган экан».



Бироқ қаршисидаги ёзувчи бу фикрни инкор қилғани учун қаттиқ ранжигани ҳақида ёзган эди. Чунки нариги ёзувчи, бирорта асар ёза олиш қобилиятига эга инсонлар бошқа инсонлардан устун ҳисобланади, деб даъво қилганди. Бу қанчалар бемаъни фикр. Ҳаётда яшаётган ҳар қандай инсон қайсиdir томондан бир-бирига боғлиқдир. Эҳтимол, ҳеч нарсага боғлиқ бўлмай, ёлғиз яшаш мумкиндек туюлар, лекин ҳар қандай мавжудот яшаши учун бошқа нарсаларга мутлақ эҳтиёж сезади. Мисол учун, мана бу дарахт ҳам агар ёмғир бўлмаганида яшай олармиди? Ёки тупроқ бўлмаганида-чи? Яшолмас эди... Бизларнинг ҳеч биримиз мутлақо эркин ёки бутунлай ёлғиз эмасмиз! Ҳатто атрофимиизда ҳеч ким бўлмаган тақдирда ҳам, хаёлимизда доимо нималардир айланади. Зотан, агар инсоннинг хаёллари ҳам бўм-бўш бўлганида, девонага айланиб қоларди. Тасавур қил, эрталаб уйғониб, атрофингга қарайсан, егани нимадир излаб топасан, бемақсад кезинасан, кейин чарчайсан, қарабсанки, кеч тушади ва сен яна уйқуга кетасан. Хўш, сенингча, ҳаёт шуми? Хавотирларсиз, шодликларсиз, дарду қайғуларсиз зерикарли ва мангубир ҳаёт!»

Бу суҳбатдан сўнг иккимиз ҳам жим қолдик. Аслида, ўшандар дарахтга аҳамият ҳам бермаслигим ва айни лаҳзада ёнимдалигингдан хузурланишим керак эди.



Шунча йиллар давомида бир-биrimиздан узокда яшаш бошимизга не савдолар соганини ёки нималаримизни тортиб олганини ақл тарозимизга солиб ўлчайтган эдик. Хўш, мен аввалги менмидим? Ундан воз кечишни хаёлининг бир бурчагига ҳам келтирмаган, агар бир лаҳза ёнида тополмай қолса, ҳатто нафас олишга ҳам қийналадиган ўша инсонмидим? У-чи? У ҳам ўша мен билган аёлмиди? Курашишнинг ўрнига дарров таслим бўлиб, тарк этишни афзал кўрган, мен бўлмасам ҳам бемалол яшашда давом этадиган, қайғусини ва шодлигини яширишнинг уддасидан чиқа оладиган, ҳали-ҳануз мен учун қоронғу ва йироқ бўлган қалбининг улуғлиги билан овунадиган ўша аёлмиди? Хўш, у яна ортига қарамай кетадими? Мен қўрқаётгандим... Айни дамда унинг ёнида бўлсан ҳам, у билан суҳбатлашаётган бўлсан ҳам, кўзларига боқаётган бўлсан ҳам, қўрқаётган эдим. Чунки шу вақтгача гўзал ҳодисалар жуда тез ниҳояланишига кўп бор гувоҳ бўлгандим. Бундан буён ҳадикларсиз яшашни ич-ичимдан хоҳлардим. Ҳеч нарса ҳақида бош қотирмай, кечаги кунда нималар юз бергани-ю, эртанги кунда бизни нималар кутиб тургани тўғрисида ўйламай, шундоқ ҳам эртага етиб бориш-бормаслигимиз қоронғу, деган бир фикр билан яшашни истардим...

Ўнгга-чапга қайрилган йўллардан юрдик. Тепаликларга чиқдик. Тепаликларда яна бошқа ёлғиз дараҳтларни кўрдик. Албатта, бир жойда бўй чўзган тўп-тўп дараҳтлар ҳам бор эди.



Куёш ҳам дам булутларнинг ортига яширинар, дам манаман деб ўзини кўз-кўз қилганча кўзойнакларимизни тақишига мажбур қиласарди. Бир нечта жойда нафас ростлаб олиш учун тўхтадик. Бир нечта жойда сени бағримга босдим – ўтиб кетган йилларнинг эвазига... Бир неча бор сени суратга олдим. Чунки менда сенинг бир дона ҳам суратинг йўқ эди. Яна йўлга тушдик. Ўнгга ва чапга қайрилган йўллар чиқди. Тепаликларга чиқдик яна... Йўлда бир гуруҳ машиналар орасида кўчанинг нариги томонига ўтишга уринаётган тошбақага кўзим тушди. Тошбақа осонгина кўзга ташланадиган даражада йириккина бўлса-да, гўё ҳеч ким уни илғамаётганди. Машинанинг орқа чироқларини ёқиб, йўлнинг ўртасида тўхтадим. Кейин тошбақани олиб, йўлнинг четига кўйдим ва машинага миндим. Бироз вақтдан сўнг, мен ўзи нима қилдим, деб ўзимга савол бердим. Тошбақани эзид ўтишмасин, деб йўлнинг четига ўтказиб кўйдим, аммо-лекин тошбақанинг ўзи нимани хоҳлаши ҳақида ўйлаб кўрдимми? Балки мен уни олиб ўтказиб кўйган томонга кетмаётгандир, мен уни келган жойига қайтаргандирман? Мени деб йўлнинг нариги томонига ўтиш учун қилган шунча уриниши бекор кетган бўлса-чи? Айборлик ҳиссини туйдим. Мен уни йўл чўл четига хавфсиз бўлиши учун олиб ўтишдан аввал у кетмоқчи бўлиб турган томонга ҳам эътибор беришим керак эди. Баъзан биз билмасдан мана шундай хатоларга қўл урамиз. Кимгадир яхшилик қиляпмиз, деб ўйлаб, унинг ҳаётини, орзуларини ва келажагини барбод қиласиз...



Машинанинг ичидаги сокинлик яхшигина ортганди. Тошбақа эса сира хаёлимдан чиқмаётганди. Ҳатто ёнимда Элиф борлигини ҳам тамоман унутаёзгандим. Кун қорая бошлаган эди. Элиф сукунатга ортиқ бардош беролмади ва «Бас, етар!» деб бақирди. Кўзларидан гўё олов сачрарди. У ғазабланганида юзимга тик боқар ва қатъий оҳангда гапиради. Ҳозир ҳам шундай қилди.

«Бўлар иш бўлди! Мени сезмайди, деб ўйлаяпсанми? Тошбақани олиб, сира ўйлаб ўтиrmай, йўлнинг бир четига қўйдинг. Яна тез қарор қабул қилдинг ва мана энди тўғри иш қилдиммикан, дея виждон азобини тортяпсан. Ўтинаман! Ўтинаман, ортиқ бизга буни раво кўрма! На ўзингга, на менга, на бошқага... Муқаммал бўлишга мажбур эмассан. Ҳеч ким муқаммал бўлишга мажбур эмас. Ҳамма нарсани назорат остига олишга уринишдан ва натижада ҳам ўзингни, ҳам бошқаларни қийнашдан воз кеч! Баъзан хатокор бўлсанг, нима бўпти? Гоҳида ҳатто нотўғри бўлса ҳам, ўз қарорларингда событ тур. Кетишни истасанг, кет! Қолишини истасанг, қол! Зинҳор афсусланма. Нима учун мени доим қалбининг улуғворлиги билан овунади, деб ўйлайсан? Нега ҳали-ҳануз ички оламимни бошқатдан кашф қилишга уринаверасан? Ҳалиям тушунмадингми, ҳеч ким кимгадир нисбатан бундай қилишга ҳақли эмас. Нима сабабдан ҳар сафар ниманидир барбод қилишга уринасан?



Бир бинонинг тагини кавлаш ўша бинога фақат зарар етказади. Дараҳтнинг ёлғизлиги билан сенинг нима ишинг бор? Ўзингни халоскорман, деб ўйладаяпсанми? Агар шундай ўйладиган бўлсанг, қани, аввал ўзингни қутқар! Ишонишни ўрган. Ўзингга ва инсонларга ишонишни ўрган. Қара, ёнингдаман. Ёнимдасан. Нима учун қўлингни тутган пайтим доим муштингни туғиб оласан? Қўрқувингнинг сабаби нимада? Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман, менинг ҳеч қандай хавотирим йўқ, демайман. Албатта, менинг ҳам ўзимга яраша ҳадикларим бор. Масалан, мен сендан қўрқаман. Яна ўзингни аввалгидек тутишингдан, менга босим ўтказишингдан, ҳамма нарса энди изига тушганида, олдинги хатоларни такрорлашдан жуда қўрқаман. Аммо бу нарсалар бошқа содир бўлмаслигини ва айни дамда биргалигимизнинг ўзи нақадар фараҳбахш мўъжиза эканини билганим учун барча қўрқувларимни енгишга ҳаракат қиляпман. Сен ҳам мен каби йўл тутолмайсанми? Сенга бутун қалбим билан ишонишни истайман. Бутун борлиғим билан ёнингда бўлишни хоҳлайман. Ўтинаман, қўрқувларингни қабул қил. Уларни бошқаришни ўрган. Учоққа илк бор минганимда олти ёшда эдим. Табиий ҳолки, қаттиқ қўрқаётган эдим. Ўриндиққа ўтиrap-ўтиrmас кўзларимни чирт юмиб олдим. Отам ёнимда бўлишига қарамай, барибир кўзларимни юмиб олгандим. Отам камаримни боғлаб қўйди. «Қўрқма, ёнингда мен борман», деди.



Кейин учоқнинг мотори париллаб, парраклари айлана бошлади. Мен ўриндиқнинг четидан маҳкам ушлаб олдим. Отам ҳам қўлимдан тутди. Секинаста ҳавога кўтарилаётганимизни сезиб турардим. Сал ўтиб қўзларимни очдим. Учоқнинг кичик дебразасидан ташқарига бокдим. Биз жуда юқори-лаб кетгандик. Пастдаги уйлар ишониб бўлмас даражада митти кўринаётган эди. Булатлар жуда чиройли эди. Худди ширин пахтага ўхшарди. Ўша онда отамнинг юzlари ҳам менга гўё ширин пахтадек кўринди. Гўё бутун борлиқни ширин пахта қоплаб олгандек туюлди. Қўрқувим босилди. Баъзида қаттиқ қўрққан нарсанг жуда севган нарсангга айланади ва аслида, ундан қўрқмаслигинг кераклигини тушуниб етасан. Аслида, осмон ширин пахталарнинг макони эди. Отам эса менинг ширин пахтам эди. Сен ҳам шундай эдинг ва ҳамон шундайсан. Қаттиқ қўрққан нарсам тўсатдан яна севган нарсамга айланди. Шу сабабдан ёнингдаман. Ўтинаман, буни барбод қилма. Нимадандир қўрққан пайтларинг қўлимдан тут. Агар хато қилиб қўйсанг ҳам, қўлимдан тут. Бизга малҳам бўладиган нарса ҳадикларимиз эмас, ёнма-ён бўлишимиздир... Илтимос, шу ҳақиқатни кўра бил.»



*Чарчадим, азизам... Қаттиқ чарчадим. Сувнинг
оқишидан, устимда сузиб юрган булутлардан,
юган йўлларим доимо бир манзилга элтишидан,
инсонларнинг ниҳоя билмаган маъноли қулишларидан
жуда чарчадим. Кафталаримнинг ичида жон
таслим қилаётган қушларнинг сасларига қулоқ сол,
ўтинаман...*



Ҳалис Карабенли



Бир куни сен билан ёнма-ён ўтириб сұхбат-лашамиз. Йўқотганларимиздан, янги танишувларимиздан, бир-биrimиздан олисда кечирган вақтимиздан, афсус ва надоматларимиздан сўз очамиз. Ўша куни сенга қараб шундай дейман; «Дунё биз ичида турган доиранинг торайишидир, сен ҳам буни сездингми?»

Соат миллари тунги 02:00 ни кўрсатарди. Негадир туннинг қайси қисмида уйғонмай, ғалати шаклда бир хил соатларда уйғонаман: 01:00, 02:00, 03:00, 04:00... Сира бошқа соатларда уйғониб қолган вақтим бўлмаган. Гўё кимдир бошимда туриб мени бир хил соатларда уйғотадигандек. Яна шу ҳол такрорланган эди. Сигарет тутатиш учун ровонга чиқдим. Гўё август ойининг дим ҳавоси сал салқинлаш учун уйнинг ичига кирган ва шу сабабдан ташқарининг ҳавоси уйникига қараганда анча салқин эди. Кўчанинг то бошидан охиригача нигоҳларим билан ҳаракатланаётган бирор нарсани қидирдим, бироқ шаҳар қилт этмай турарди. На бирорта қуш, на бирорта пашша, на бирорта одам... Тургут Уярнинг «Яхши бўлди, ҳамма ухласин, бир сени ухлатмайман, бир ўзим ухламайман», деган сўzlари ёдимга тушди. Шеър ғоятда гўзал эди, аммо менинг ухлатмаслик учун андармон бўладиган ҳеч кимим йўқ эди.



Ҳамма ширин уйқуга кетган эди. Ҳатто баъзилари ўлиқдек ухларди. Улар ўлган вақтда мен яшардим, мен ўлган вақтимда эса улар яшарди. Шуниси маъқул эди. Сигаретам тугаб, энди ичкарига кираман деганимда рўпарадаги панжарали эшикнинг очилган товушини эшитиш билан бирга кўзим бирдан унга тушди. У ташқарига отилиб чиқди. Сочлари тўзғиган эди. Эгнида этаклари оёқ учигача тушиб турган оппоқ тунги кўйлак бор эди. Худди «Севимли хаёлот арвоҳи»га ўхшар экан, деб кулдим.

Аёл икки бино юқорида жойлашган эски лавҳа осилган баққолнинг дўконига етгунча югурди. Дўконнинг яқинига келиши билан бошини чангллаб, тўхтаб қолди. Шошилганча атрофни кўздан кечирганидан сўнг, яна қуиiga қараб кетган кўча томон югурди. Бир нечта бинодан ўтиб, яна тўхтади ва ёнидаги оппоқ машинага суюнди. У кимнидир қидираётгани маълум эди. Ровоннинг темир панжарасига осилганча, мен ҳам қўчанинг икки томонига қарадим. Ҳозир ҳам ҳеч ким кўзга ташланмасди. У кимни излаётган бўлса ҳам, аллақачон кетиб бўлгани кўриниб турарди. Аёл умидсиз ва ҳорғин қадамлар билан бинога қайтиб кирди. (Ҳозир мавриди эмас, аммо айтиб ўтишни истадим, Ҳинд фильмларини сира хушламайман. Энг камида уч сония бир-бирларига маъносиз қарашлари, охир-оқибат, ҳеч нарса демай, йиғлашга тушишлари юракни сиқиб юборади.)

Бутун умрлари бир-бирларига ғалати-ғалати боқишлиар ва ғаройиб мусиқалар жўрлигида рақсга тушиш билан ўтади.)



Эшик очилиб-ёпилди ва аёл қўздан ғойиб бўлди. Кўча яна сукунатга чўмди. Денгиздан моғор ҳидини олиб келаётган шамол уйқумни ўзи билан учирив кетганди. Соат миллари 02:07 ни кўрсатарди. Айни пайтда қилинадиган энг маъқул иш яна битта сигарета олиб тутатишдек кўринди. Ёндиригични сигаретга яқинлаштирганимни биламан, аёл кириб кетган бинодан ровонимга хира сариқ чироқнинг шуъласи тушди. Ровонимдаги темир панжараларнинг сояси оёқларимга тушди. Нур тушаётган томонга нигоҳимни тикдим: бироз аввал қўчада худди девонадек чопиб юрган аёлни бугал учинчи қаватнинг ровонида кўрдим. У худди йиқилиб тушадигандек стулга ўтирди ва яна бошини икки қўлининг орасига олганча қотиб қолди. Сизнингча, бир инсон нима учун бошини икки қўлининг орасида тутади? Қолаверса, аёл буни бир неча бор такрорлаётган эди. Чамамда, сархуш бўлса керак, деб хаёлимдан ўтказишим билан тўсатдан нигоҳини мен томонга қаратди. Кейин эса тўзғиган соchlарини ҳар икки томонидан чаккасининг орқасига ўтказиб қўйди ва ўриндиқقا орқаси билан суюнди. У мен томонга қараганча, лаблари билан нималарнидир сўзларди, аммо ўртадаги масофа туфайли уни эшлишиим имконсизлик туғдиради. Бунинг устига, танимаган одамим билан гаплашиб кетаверадиган одатим ҳам йўқ эди.



Аслини олганда, таниган одамларим билан ҳам суҳбатлашишни у қадар ёқтирмасдим. Чунки ҳар сафар айланиб-айланиб бир хил мавзу очилар ва суҳбат кинояли боқишилар билан бирга заҳарханда кулишилар билан якунланар эди. Кимдир янги уй олганини, кимдир машинасини ўзгартирганини, бошқаси хотини билан ажрашганини, яна кимнингдир кўш севгилиси борлигини ва уларнинг ҳар иккисига ҳам бирдек вақт ажратишини, ҳаттоқи иккисини ҳам чиндан ёқтиришини, шу боисдан, қай бирини танлашга боши қотганини гапиравди. Узоқ-узоқ сўрашилар, энди қачон уйланасан, дейишлар, болача орттириш вақти келди деган насиҳатлар, ўгитлар, пандлар, қачонгача бундай ёлғиз яшайсан дейишлар, бир кун орtingга боққанингда афсусланишинг, ким-кимлар билан таққослашлар, заҳар тўла гаплар, уйлансанг одам бўласан ва хотининг сени эпақага келтиради, жирканч ҳазиллар, музлатгичдан ичишга нимадир олиб кел, дейишлар, йўқ, десанг, қачон сенда нимадир бор бўлган ўзи, деган кесатиқлар... Шундай дейдиганлар шундай яшаб шундай ўтиб кетишади...

Тахмин қилинганидек, эртаси куни яна айни вақтда ровонга чиқдим: соат 02:00. Бу сафар ухломагандим. Ровоннинг темир панжараларига осилганча кўчанинг у бошидан бу бошигача нигоҳларим билан текшириб чиқдим. Яна сигарет тутатдим.



Яна атрофда на бирорта қүш, на бирорта пашша, на бирорта одам йўқ эди. Тургут Уярни яна эсламоқчи бўлдим-у, аммо ҳеч бўлмаса алламаҳалда уни безовта қилмай, деб бу фикримдан қайтдим. Аёл худди кечагидек юурганча бинодан чиқди. Эгнида ўша оппоқ тунги кўйлаги. У яна баққолнинг дўконигача югуриб борди. Беш йилдан бери бир жойда михланиб тургани учун ғилдиракларининг дами чиққан, ранги ўчган, ойналари синган ўша оқ машинага суюнди. Машинанинг эгаси беш йил бурун ўлган эди. Эркакнинг бўйнида қарзлари бўлгани сабабли ортида қолдириб кетганлари қарзларини қоплашга етмаган ва меросхўрлар меросни бўлишиб олишдан ҳам, қарзларни тўлашдан ҳам бош тортишгани учун машина ҳам шу тарзда ўлимга хукм қилинган эди. Аста-секин адо бўлаётган эди. Худди ёлғиз инсон сингари... Аёл яна икки қўли билан бошини ушлади. Бу сафар ровонга осилиб, кўчада кимдир бормикан, дея олазарак боқмадим. Негадир асабларим бузилди. Кечадан буён гувоҳ бўлаётганларим тушимми迪 ёки ўнгимми? Юурганча пастга тушдим. Нега бундай қилаётганимни тушунмасдим. Аёл энди эшикдан ичкарига кираман, деганида, қўлидан тутиб қолдим. Қўлларим қўлларига тегиши билан ҳис қилган иссиқ тафтимдан кўраётганларим рўё эмас, ҳақиқат эканини англадим. Баъзан ўзинг гувоҳ бўлганинг ҳақиқатлигини тушунишинг даҳшатли бир тушдан ҳам ёмонроқ бўлар экан. У юзимга қаради, аммо унинг юзида на ҳайрат, на қўрқув, на қайғу ва на бошқа бирор аломат йўқ эди.



У ҳеч нарса демай, мен тутиб турган қўлини нариги қўли билан бўшатиб, ичкарига кирди. Эшик юзимга ёпилди. Уйга қайтдим. Бу аҳмоқона ҳолат нимани англатиши тўғрисида ўйладим. Денгиздан келаётган моғор ҳиди яна қўчани қоплади. Уйдаги иссиқ ҳаво тўлқинини ташқарига ҳайдаш учун совуткични ўчириб қўйдим. Негаки, агар уй иссиқ бўлса, иссиқлик қўчага қайтиши мумкин эди. Жуда терладим, лекин мақсадимга етдим. Айни дамда бутунлай ёлғиз эдим. Қадрдон ёлғизлигим билан ёлғиз қолиш менга ёқарди. Ётоқхонамга киришни истамадим. Диванга чўзилганча, телевизорни ёқдим. Кейин минг марта кўрсам ҳам, меъдамга урмайдиган миршаблар ҳақидаги сериални томоша қилганча ухлаб қолибман.

Эрталаб дўконга бордим. Албатта, ундан олдин сигарет тутатдим. Чунки эрталаб ўрнимдан турартурмас сигарет чекадиган жуда ёмон одатим бор. Очиини айтсан, барча ёмон одатларимнинг ичидаги энг ёмон одатим ҳам шу. Кўринишим бир аҳвол бўлишига қарамай, шу туришимда қўчага чиқдим. Оёғимда арzon резина шиппак, соchlарим тўзғиган, эгнимда эса ҳозирги пайтда урфда бўлгани учун эмас, ўзим ёқтирганим учун ҳар доим кийиб юрадиган йиртиқ жинси шимим...

Исми Фериде экан, аммо дўстлари атоқли мексикалик мусаввира Фрида Калонинг автопортрети бўлмиш «Фрида»сига ўхшатишгани учун уни ҳам Фрида деб чақиришармиш.



Гарчи бу турдаги инсоннинг яқин дўстлари борлиги ғайритабий ҳол бўлса-да, қизиқ, қаери Фридага ўхшар экан, деган ўйда юзига синчиклаб қарадим. Икки қошининг ўртасида туклар йўқ. Юзи ҳам ингичка эмас. Ташқи томондан ўхшаш жойи йўқлигига шубҳам қолмади. Шунчаки исм томондан ўхшатишган бўлишлари мумкин. Ҳатто шуни ҳам икир-чикиригача ҳисоб-китоб қилиб чиқиш эса худди мен каби синчков одамларнинг иши эди. Янги танишганёкианчадан беританийдиганинсонларимни яхшилаб ўрганиш учун астойдил ҳаракат қилардим. Аслини олганда, инсонларни жуда яқиндан таниш ҳар икки томонга ҳам яхшилик олиб келмайди. Чунки сиз қаршингиздаги инсонга ўзини бироз сирли тутишига ва хоҳлаган пайтида ёлғиз қолишига имкон бермайсиз. Босган ҳар қадамини, овоз оҳангини, имо-ишораларини ва бошқа ҳамма жиҳатини биласиз. Нега йўлда бирдан жадаллаб кетди, нега жим бўлиб қолди, нега ухламаяпти, нега овқатланмаяпти ва ҳоказолар миянгда айланиб туради. Шунинг учун ҳам ўзимни яширолмайман ва одатдагидек ҳаёт кечиролмайман, чунки ҳамма нарсани ўйлайман.

Исмининг тарихи 'ҳақида эрталаб баққолнинг дўкончасига нон олгани борганимда билдим. У билан гаплашмаган ва ҳаттоки юзига қарамаган бўлсам-да, қўлимдан тутиб: «Хайрли тонг», деди, гўё кечаги туннинг ўчини олгандек.



Этим жунжикиди. Кўлимни маҳкам сиқиб турарди. Қўллари худди кечагидек қайноқ. Деярли қоқсуяқ бўлиб қолган аёлнинг бунчалик кучли бўлиши ғалати туюлди. Дўкончанинг эгаси Айҳан aka ҳам аёлнинг бу даражада ўзини яқин тутганидан ҳайрон қолганди. «Қанақа танишинг бўлади», дегандек юзимга боқди. Елкамни қисдим. Ноннинг ҳақини тўлаб, зудлик билан ташқарига чиқдим. Аёл ортимдан «Оқшом кўришгунча», деб бақирди. Шошилиб юрганимдан оёғимни кўчанинг четидаги катта тошга уриб олдим. Жоним қаттиқ оғриди, лекин тўхтамадим. Мен яшайдиган кўп қаватли бинонинг умумий эшигининг қулфи бузилгани учун кечаю кундуз очиқ турарди. Лифтни кутмай, зиналардан қўтарилдим.

У маҳаллада яшаётганига бир йил бўлган, аммо тунда ўзини кўчага отиш хуружи эндиғина бошланибди. Авваллари сира уйдан чиқмас экан. Бу унинг учун бир янгилик бўлибди. Тўғрироғи, унинг бошқа хуружлари ҳам бор экан. Масалан, ярим тунда ўрнидан туриб, идишдаги сувни бўш идишга бўшатиб, яна ўша идишга қайтариб солиш хуружи, кўйлагининг тугмасини нотўғри ўтказиш хуружи, баққолдан сотиб олган нонининг граммини тортиш хуружи, олган меваларини уч кун сиркали сувда ушлаб туриш хуружи... Вой Худойим! Яна турли-туман бир қанча хуружлар... Негадир қайтиб учрашиб қолишимиз маҳол, деб ўйлаб, эртаси куни яна нон олиш учун борганимда кўлимни тағин маҳкам сиққанча, тик оёқда туриб, ўзи ҳақида бир нарсаларни гапириб берди.



Бу ҳолат бир ҳафта давом этди. Қандайдир умид билан, қайтиб юзма-юз келмаймиз, деганим сари ҳар куни эрталаб қаршимдан «хайлитонг», дебчиқаверди. Ҳар сафар жадал қадамлар билан бинога ошиқдим. У ҳар куни тунда бир ишни такрорлади. Ҳар куни туннинг аниқ бир соатида ровонга чиқди. Ўриндиқقا суюниб ўтириди. Узоқдан туриб менга нималарни дир гапириб беришга уринди. Ровонимга тушган сариқ шуъланинг сояси оёқларимга тушди. Ташқаридаги иссиқ ҳаво уйга кирмасин, деб совуткични ёқмадим. Уйнинг ичи жуда иссиқ бўлишига қарамай, тишимни тишимга қўйиб чидадим. Бир кун диванга чўзилиб, севимли сериалимни томоша қилдим. Бир кун ётоқхонамга кириб, Фрида ҳақида ўйладим: тирик Фрида ҳақида.

«Агар бир инсон ўлса, нима бўлади? У билган ҳамма нарса ҳам у билан бирга ўладими?» деди...

«Агар бир инсон ўлса, унинг билган нарсаларига ҳеч нарса бўлмайди. Масалан, билган нарсаларингни кичик сир деб тасаввур қил. Сен кетсанг ҳам, улар ортингда қолади. Бу сирдан воқиф бўлган ёки сирнинг вужудга келишига гувоҳ бўлган фалак, ёмғир ва бошқа нарсалар йўқ бўлиб қетгунча яшашда давом этади. Инсон ўлади. Инсон жисман йўқолади. Бироқ унинг билган нарсалари узоқ вақт дунёда сақланиб қолади.»



Биз учрашган кунимизнинг саккизинчи тонгида унга шундай жавоб бердим. Чамамда, уни ҳар куни кўришга ўрганиб қолгандим. Ҳатто сира хушламаган нарсангизга ҳам вақт ўтиб, кўниасиз ва ётсирамай қоласиз. Бунинг мисоли бирор вазият ёки бир инсон бўлиши мумкин. Агар қутулиш учун мажолингиз бўлмаса, мажбуран таслим бўласиз. Албатта, бу нарса ҳар қандай ҳолатга ҳам тааллуқли эмас. Масалан, агарда ҳар куни тишингиз оғриса, бунга кўникиб яшолмайсиз ва мутлақо ўша оғриқдан қутулишнинг бирор чорасини топасиз. Бироқ инсонлар бундай эмас. Улар кетмайдилар. Мабодо кетишса ҳам, хаёлимизда қолишади. Чунки шуурингизга ўрнашиб олган инсондан қутулиш у қадар осон иш эмас. Вужудингизда ишғол қилинган ва бутун аҳолиси асирга олинган бир шаҳарнинг чарчоини ҳис қиласиз. Сизнинг бутун кувватингизни тортиб олган ва бехузур қилган ўша чарчоқни ҳаттоки ёқтирасиз. Дардга кўниши деб шуни айтишади: дард сизнинг бир бўлагингизга айланади. Агар ўша дардан қутулгудек бўлсангиз, бошқа ундан ҳам каттароқ дардга дучор бўлиш эҳтимоли сизни қўрқитади. Аллақачон таниш бўлган дард нотаниш ва бегона дардан кўра енгилдек туюлади инсонга.

Ўша куни дўйкончадан нон сотиб олиб, биргаликда ташқарига чиқдик. Беш йилдан бери жойидан қилт этмаган ва кундан-кунга тўкилиб бораётган оппоқ машинанинг ёнигача гаплашиб бордик.



Бу эски машина иккимиз учун ҳам жуда танишва қадрдан эди. Чунки у мағлубиятнинг, умидсизликнинг ва тарқ этилишнинг тимсоли эди. Яралари бир хил бўлган ҳар инсоннинг бошига тушган савдо, бизнинг ҳам бошимизга тушаётган эди. Ҳайрат билан бир-биримизнинг яраларимизга боқардик. Биз бир-биримизга қанчалик ўхшаймиз? Бошимизни икки қўлимизнинг орасида тутадиган даражада қандай кўргиликни бошдан кечиргандик? Ким буни бошимизга солганди? Ундан ҳам ёмон ва қўрқинчли томони: бу ҳол яна қанча вақт давом этар эди? Қачон биз ҳам бу яраларга бош кўтариб, «Етар энди. Тузаладиган пайтингиз келди», дея оламиз? Чиндан ҳам мана шундай кучга эгамидик? Ёки чиндан ҳам шуни истармидик? Бу адoғи йўқ саволлар бекорга эмас, албатта. Инсон фақат ўзига бир қанча саволлар берибгина ўзини чалғитиши мумкин. Бундан ташқари, ўзимизни чалғитишнинг ягона усули бу биргина саволлар эмас. Биз нима сабабдан сира танимаган инсонимизга дардимизни дастурхон қилишни ёқтирамиз? Агар ҳамма нарсани ошкор қилсак, кун келиб бу ишимиз бизни ер билан битта қилишини билган ҳолда, нега ўз бошимизга савдо орттиришга бу қадар ошиқамиз? Ёш болалар каби столнинг остидан ўзимиз учун қурган дунёдан айрилганимиздан бери, инсонлар «ҳақиқат» деб атайдиган нарсалар билан юзлашаётган эдик. Аслида, бу ҳақиқатлар бизнинг ҳақиқатларимиз эмас эди. Болаликдан барча ўйинchoқлар энди ҳақиқий эди.



Жонга азоб берадиган, ранжитадиган, худбин, шаҳватпараст, воз кечиш учун пайт пойлайдиган ва фақат манфаат юзасидан ёнимизда бўладиган бу инсонлар қандай қилиб бу қадар қўрқинчли жонзотларга айланган? Агар хаёлларимдаги ҳамма ҳақиқатни инкор қилиб, худди мен каби бошини тез-тез икки қўлининг орасида тутадиган бу аёлнинг қайтиб юзига ҳам қарамасам, мен ҳам худди улар сингари қўрқинчли жонзотга айланган бўлардим. Аммо ҳеч қачон ҳеч кимга нисбатан бундай муносабатда бўлишни эплолмадим. Тўғрироғи, буни ўзимга эп кўрмадим. Сукутда яшадим. Йўқотдим – сукут қилдим. Ёлғиз қолдим – сукут қилдим. Атрофимда ўнлаб инсонлар бўлса ҳам, барибир сукут қилдим. Бу ҳол кейинчалик ўзгаришига ҳам кўзим етмайди. Ким биландир яқин муносабатда бўлишнинг ҳатто тасаввuri ҳам мени чўчитади. Ўзимни муҳофаза қилиш мақсадида улардан узоқлашганимда эса «Сен ҳаётга тик боқищдан қўрқасан», дейишади. Аксинча, бошдан кечирганларимни яна қайта бошдан ўтказишга менинг бардошим етмайди. Туннинг маълум соатларида уйғонадиган, ҳатто энг яқин инсонимнинг ҳам кўзларига қаролмайдиган ва худди болалигимдаги каби хонамнинг бир четида турадиган столнинг тагига кириб, ўз дунём ва ташқаридаги дунёга қулоқ солмайдиган бир ҳаётим бор. Кунимни ўтказишга етадиган пулга эга бўлиш учун ишлайман, холос. Келажакка дахлдор бирорта режам йўқ.



Биринчи хотин, иккинчи хотин, ҳайдаш учун машина, захирада турадиган машина ёки ровони кенг уйлар мени қизиқтирмайди. Соҳирнафас Муслим Гурсесни мириқиб эшишишимдан у ҳаётлигида ҳам барча хабардор эди. Ҳаво исиб кетгач, мен кўчанинг бир бурчагида ёки ўзим ҳам зўрға сиғадиган ровонимда жониворлар учун сув қолдирман. Кеч қолдим, деб афсусланадиган ҳеч қандай пушаймоним йўқ. Агар ранжисам, буни очиқ-ойдин ошкор қиласман. Гапириш ва ўз эътиқодларимни ҳимоя қилиш учун кучим бор.

«Инсон баъзан бошдан ўтказаётган савдоларни қабул қилиши қийин кечар экан. Ҳатто ишонгиси ҳам келмас экан. Бошдан кечираётганлари ҳақиқат эканига «Энди сени севмайман. Ҳаммаси тугади!» деган сўзларни эшигтан онода камида юзта суяги синиши билан баробар оғриқни ҳис қилганида ишонар экан.

Қолаверса, бундан олдин сира суягим синмаган, бироқ ўзимни айнан шу ҳолга тушгандек ҳис қилдим. Худди бўғзимга бир нарса тиқилган-у, хириллашдан бошқа товуш чиқаролмаётдандек эдим. На кет, деёлдим, на қол, деёлдим, на шу сўзларинг ростми, деёлдим. Бу воқеа туннинг бир қисмида юз берди. Соат роппа-роса 02:00 да. Ўша кундан бошлаб, ғалати хуружларга учрадим. Бу хуружлар бир неча бор ўзгариб турди. Нима деяётгандим? Хуллас, у кетди.



Бирга ўтказган уч йилимизни кулини кўкка совуриб кетди». Шуларни гапиракан, кулди Фрида. Ҳаттоки завқлангандек кўринди. Анчадан бери ичида сақлаб юрган гапларининг ҳаммасини тўкиб-сочиб енгиллашганининг ифодаси бор эди унинг юзида.

«Ҳозир уни соғинмайман. Бошимга солган кунларини ҳали-ҳануз ҳазм қилолмайман», деди. У ҳар доим бир нарсалар ҳақида гапиракан, ўзининг мавжудлигини исботлашга уринарди. Гёё бу оламда унинг борлигининг ягона далили мен бўлгандим. Дўйончи Айҳанни ҳисобга олмагандা, унинг борлигини мендан бошқа ҳеч ким сезмасди. У гёё атрофда кезиб юрадиган рухга ўхшарди. Уй эгаси, агар ижара ҳаққи бир кун кечикса, уни йўқлаб келар, онаси бод касаллиги кучайганида касалхонага элтиб қўйиши учун уни чақирав, синглиси қачон эридан таёқ еса, «Бу сафар унга охирги марта имкон бергандим. Энди чиндан ҳам ажрашаман. Бу ярамас маҳлуққа ортиқ тоқат қилолмайман. Кейин иккаламиз бирга яшаймиз», деб қўнғироқ қилас ва орадан икки кун ўтгандан сўнг, ўз ҳаётига қайтиб, унинг борлигини яна унутарди. Худди сайловлар яқинлашгани сари шаҳар ҳокими тарафдорлари тарғибот қилиш учун матнли хабарларни юборишганидек... Бир инсон ўзининг мавжудлигини исботлаши каби қулгили ва аламли яна бошқа бир ҳолат бўлиши мумкинми? Фрида билан бошқа кунги бир суҳбатимизда шулар ҳақида гапириб қолди. Бунчалик узун мавзуни, табиийки, тик оёқда гаплашиб бўлмасди. Уни бирга нонушта қилиш учун уйимга чақиргандим.



«Сен нега бу аҳволдасан, нимангни йўқотдинг?» деб сўраганимда, бир сония ҳам вақтни бой бермай, гапга тушиб кетди. Гўёки бу саволни беришимни анчадан бери кутаётгандек. Ўша ондаёқ қўнглини ёрди. У арзимайдиган нарса учун анча йиллардан буён ўзига зиён етказганини биларди. Аслида, у худди атрофимдаги бошқа инсонлар сингари, агар шу аҳволда кексайсан, нима қиласман, деган ҳадикнинг ичидаги эди. Йўқотган инсонини ҳалигача кутаётгани учун эмас, бошқатдан бошлишга қўрқаётгани учун шу аҳволда эди. Кимдир ёрдам қўлини чўзишидан умидвор эди. Ўзимнинг ҳам вазиятимнинг унивидан фарқи йўқ эди. Аммо мен ҳеч кимдан мадад кутмасдим. Ҳаттоқи бошимни икки қўлимнинг орасида тутганча, ўй-хаёлларга берилишни ёқтирадим. Бундай яшаш менга маъқул эди. Сира қуламайдиган тоғдек турардим барчанинг қаршисида. Шунинг учун инсонлар ёлғизлигимга барҳам беришимни исташарди. Негаки уларнинг ўша кичик дунёларига дахл қиласдиган бўлсам, яъни уларнинг сафига қўшилсам, мендан ҳам қўра улар қўпроқ баҳтли бўлишарди. Шундай қиласам, уларнинг кўзига кўринмасдим. Иккинчи машинанинг, иккинчи хотиннинг, иккинчи уйнинг пайига тушар ва худди улар каби яшар эдим. Жимжимадор дунёнинг жимжимадор қонунларига ўлжа бўлишим ва уларнинг жимжимадор орзу-истакларига шерик бўлишим учун ёлғизлигимдан воз кечишим керак эди...

Фрида ҳам худди улардек ёлғизлигимга кўз тика бошлаган эди. Энди дўконга борсам, икки дона нон олишга мажбур эдим. Нима учун?



Албатта, унинг ярасига малҳам бўлиши учун... Тўғри, нон ярани давололмайди, лекин кимдир сен учун ғамхўрлик қиласа, дардинг енгиллашади. Яраси тузалганидан сўнг кетишига ишончим комил эди. Лоақал орқасига ҳам қараб қўймайди. У кетганидан кейин роппа-роса тунги соат 02:00 да уйғонаман ва қайси томонга кетганини билмай кўчага югураман. Тонг отганидан сўнг оёғимга арzon резина шиппакни кийиб, Айҳан оғанинг дўкончасига бориб бир дона нон сотиб оламан. Кейин Айҳан аканинг «Тинчликми, бугун нега бир дона нон оляяпсан?» деган саволига жавоб тополмай дудуқланаман.

Барибир исми жуда чиройли эди. Фериде. Фрида... Чолиқуши Фрида... Агар уриниб кўрганимда, нима бўларди? Ўша севимли сериалимни диванга чўзилганча бирга қайта-қайта томоша қиласардик, ёмонми? Ташқаридаги иссиқ ҳаво салқинланиб олиш учун ичкарига киришига қўзимни юмар ва музлаткични ёқиб қўяр эдим. Қолаверса, эрталаблари икки дона нон сотиб олиш, наздимда, янги муносабатларни бошлиш учун яхши баҳона эди...



Эркин бўлмоқ ёлғизлик билан алоқадор эмас. Ёки нафас олишингиз қийинлашганда, ўзингизга янада кенгроқ жой очиши учун ҳаётингиздан ўрин эгаллаган нарсалардан дарров воз кечиш ҳам эмас...
Кўлларингиз толиққанда, қучиб турганингизга душман бўлишдан тўхтанг!



Ҳалис Карабенли



*Бу оламда юзи менга қулиб боққан бирон-бир нарса
йўқ. На бир эҳтимол, на бир инсон, на бир хотира,
на бир хаёл, на бир товуш ва на бир ҳақиқат... «Мен
бу ҳаётнинг қаеридаман?» деган саволнинг ҳам
жавобини энди биламан: барчанинг кўнгил қушлари
гўё қўкларда қанот қоққан-у, бир меники йўлини
йўқотган.*



Ҳалис Карабенли



Асло бажармайман, деган ишларимга қўл урдим.
Зинҳор кечирмайман, деган инсонларимни
кечирдим.

Ортиқ тоқат қилолмайман, бундан ортиғи
менга қўплик қиласди, деган нарсаларимни
яна бағримга босдим.

Агар шу толесизлик юз берса, бир лаҳза ҳам
яшолмайман, деган ҳақиқатларимни ҳайрат билан
кузатдим ва яшашда давом этдим.

Ҳамма нарсага қўниcadиган ва унутадиган
инсоннинг тубсиз қудуқдан фарқи йўқ экан.



Ҳалис Карабенли



Үзингизни гүё ҳеч нарса бўлмагандек кўрсатишдан, ҳамма юкни гарданингизга ортишдан, тилингизни тишилашдан, одамларни хафа қилиб қўяман, деб қўрқишдан тўхтанг! Бу ишингиз, алалоқибат, сизни еб битиради ва сизга тегишли бўлган ҳеч нарсани қолдирмайди...

Наркоз таъсиридан уйғониш нима эканидан хабарингиз бор. Ўзингиз бошдан кечирмаган бўлсангиз ҳам, лоақал атрофингиздагилардан эшитган бўлсангиз керак. Бир операцияни бошдан кечирдим. Ҳаёт кўз ўнгимда гүё кинотасмадек биринкетин гавдаланди. Балки эски гапдек туюлар, аммо бу ҳақиқат эди. Ягона фарқ шундаки, кўз ўнгимда ўз ҳаётим эмас, аксинча, ваҳший ҳайвонлар жонланганди. Устига-устак, ҳеч қайсиси менга эътибор бермас, ҳаммаси бошқа ҳайвонларга пистирма қўйиш билан машғул эди.

Чита югуриб келиб, жайронни ушлаб, бўғиб ўлдирди. Сўнг овнинг чарчоғи туфайли ўлжанинг бошида туриб бироз тин оларкан, бир арслон пайдо бўлди ва читани қувалаб кетди. Арслон энди жайроннинг бошига келиб исини олаётганида, бу сафар сиртлонлар галаси ҳужум қилди ва арслонни қувиб кетишиди. Арслон умри тугаганини сезгани учун ортига қарамай қочди. «Ана холос!» дедим. «Разолатни қара! Бу қанақаси бўлди? Ёки қиролликнинг қонуни шунақа бўладими: яаш учун, вақти келса, қочишни билмоқ! Ахир, қанчадан-қанча қироллар бор», дедим яна...



Кейин ўзимга ўзим, албатта, шунча қиролларининг ичида қирол бўлиб яшаш осон эмас, дедим. Паймона аллақачон тўлган. Тағин қанақа танловлар бор эди? Ё жайрон, ё сиртлон. Хў-ўш? Жайрон бўлиш менга тўғри келмайди. Иштаҳаси карнайларга хўрак бўлиш ниятим йўқ! Унда сиртлон-чи?

Хў-ўш? Лаънати, бу ҳам менга тўғри келмайди. Мен поданинг бир аъзоси бўлолмайман, оч қолсам, биронтасининг пайига тушолмайман. Ўлдиришдан қўрққанимдан эмас бу. Аслида, ҳаммамиз ҳам қотиллармиз. Шунчаки мен ҳам чарчаганман, ҳам пода психологияси менга мос эмас. Негаки, туғилганимдан бери муқим қоладиган еrim бўлмаган... Шу каби ўйлар оғушида «Чироқни ёқинг» деб, бақирдим. Шу пайт «Электр қуввати узилди», деган товушни эшитиб, кўзларимни очдим. Тепамда доктор ва унинг ёнида икки ҳамшира менга қараб турарди. Уларнинг бир-бирига қараб кулишганини қўрдим. «Сизлар, яхши иш қилдик, деб ўйлайверинг» дея аччиқлангандек бўлдим, лекин уларнинг табассумлари менга хуш ёқди. Яна кўз ўнгимда бир жайрон қочишни бошлади, яна чита уни қувди. Кейин арслон пайдо бўлди, қолганини ўзингиз тахмин қилаётгандирсиз? Сиртлонлар подаси гавжум эди ва арслон ўлишдан қўрқаётган эди.

Бу ҳол худди тунингни ғоятда гўзал ўтказасан, тонгда уйғониб, кўзларингни очар-очмасингдан чинни чаноқقا бориб, қайд қиласан, дегандек гап эди.



Асосий масала кўнгил ағдарилиб, ичингни бўшатишинг эмас, ўзингнинг юзингга тупуриб, ўзингни лаънатлашинг керак эди. Бу қандай димоғдорлик бўлди? Ойнага қараган вақтинг кимнидир акси қўл ҳаракатларини амалга ошириб, сени масхара қиласи. Устига-устак, ойнадаги бу акс сенга сира ўхшамайди. Овози худди сеникидек, аммо кўриниши сендан кўра этлироқ, кўзларининг остида на қора доғ, на ажинлар бўлмаган сенинг аксинг! Ўзига ўта эътиборли бўлгани учун у сендан кўра ёшроқ кўринади. «Ер ютгур, бунинг ғами йўқ-да!» деб ойнани синдирасан ва ўз аксингни ўлдирасан.

Бу ҳолат умрим бўйи такрорланди. Ҳар тонг уни ўлдирдим, аммо ҳар оқшом яна жонланди. Кўзойнагимни тақаётган пайтим синиб тушди ва синиклари кўзимга кирди. Қачон автоҳалокатларга учрасам, ҳар сафар соғ чиқдим. Назаримда, ўлимнинг қўллари бўлганим туфайли ажал менга тегинмасди. Шу сабабли уйимнинг мотамхонадан фарқи йўқ эди. Эшигимнинг олдида бир гала оёқ кийимлар бўлар, марҳумнинг ҳаққига кўз ёши тўкиб кетишарди ва мен барибир ўлолмасдим. Мен ҳамманинг кими дир эдим, бироқ ўзимга ҳеч ким эдим. Юрагим кўз ёшлар билан тўла эди, лекин йиғлолмасдим. Қимор ўйнаётиб, қўлидагиларини яширомаган укувсиз бир қиморбозга ёки чироқнинг атрофида тинмай айланадиган парвонага ўхшардим...



Менинг сира аввалги ҳаёт тарзимга қайтолмаяпман, деган ташвишим йүқ эди. Чунки менинг аввалим бўлмаган. Яъни, қайд қилиб қўйишга арзигулик ҳаётим йүқ эди. Менинг ҳам лабларим борлигини фақат ўзга лаблар менга исбот қилиши мумкин эди, бироқ ундаи лабларга ҳали дуч келмагандим. Балки нонкўрлик қилаётгандирман! Шу хаёлларим билан яроқсиз нарсалар солиниб, уйдан кўчага чиқариб қўйилган супуриндидан фарқим йўқ эди. Бироқ инсон соғинганини баъзан тилга чиқаришдан тортинади. Аксинча, буни яширишга уринади. Чунки умрининг ғунча очган даври ўтиб кетганидан сўнг, бу ҳақида ўйлашга ҳам қўрқади.

•



Инсон зоти қийналганда, бир эшик топиб чиқиб кетади. Мен ҳам ўша эшикни излаяпман. Майли, чиқиб кетмасам ҳам, лоақал мўралаб қарасам, бас. Узоқроқдан боқсам, сени кўрсам ва «Қанчалар гўзалсан», деганча, ортимга қайтсам...

Орамизда жуда камчилигимиз ҳис қилган нарсаларини яширишинг уддасидан чиқади. Овоз чиқармаган ҳолингда ҳам вужудинг баъзи нарсаларни сотиб қўяди. Ёки овозинг билан турли хил шаклларга айланадиган катта ва кичик ҳаракатларни яратасан. Қўлларинг эса ўша ўзгаришларни бошқаради. Қўлларингни қаерга қўйишни билмайсан.

Совқотяпсанми?

Сен ҳар доим ўзингга тегишли вақтда яшадинг. «Кўплаб юк ва мажбуриятлардан чиқиб кетиш осон эмас. Одам одамга девор бўлади. Бир инсоннинг дарди бошқа бир инсондир», деганча, жиддийлик билан тушунтиришни бошлардинг. Сен айтган сўзлардан умидсизликка тушиб қолдим, деб ўйлаганимда, дарҳол бир қанча нотаниш қиёфаларнинг орасидан таниш бир овоз каби қичқирап эдинг. Тўсатдан турланардинг. Югуриб ёнимга келардинг, бағрингга босардинг, совқотганим тарқарди.



Ҳар сафар ёнимга мени ўйлаганинг учун ёки мендан бошқа ҳеч ким сени тушунишини истамаганинг учун келармикансан, деган гумонлар ичра адашиб кетардим. Чунки «Одамнинг девори ҳам одамдир», деган сен эдинг. Ўша дамда тушунардимки, у девор курмоқчи бўлса, кимнидир ёрдамига муҳтожлик сезмайди, ҳаммасини ўзи амаллайди. Истаган пайтинг эшикни очар, истаган пайтинг ёпар эдинг. Бутун дунёни ўйин майдонига айлантиргандинг. Лекин одам дегани нега ўйин майдонида ҳам шунчалик қўрқоқлигига қизиқардим. Агар ўз дунёнгда ҳам ўзингни хавфсиз ҳис қилолмасанг, унда сен қурган дунёning нима аҳамияти бор? Ўша дунёning ичидағи менинг ўрним қаер эди? Ўзи ўрним чиндан ҳам бормиди? Назаримда, асосий савол ҳам айнан шу эди. Мен жавобини билиш учун ўлиб-тирилган ва шу билан бирга, ўша жавоб билан юзлашишдан қўрқкан ушбу савол бизнинг ўртамиздаги энг чуқур жарлик эди. Кетишинг маълум эди. Сенга яқинлашганимни ва сен ҳақингда кўп нарсадан хабардор эканимни билган онингдаёқ кетар эдинг. Шу боисдан ҳис қилган нарсаларимнинг катта қисмини яширишни ўргандим. Барча товушлар билан орамиздаги кўприкни буздим. Бир жойни тарқ этишнинг берадиган қайғуси ўзини намоён қила бошлаганда, суюнсанг бўладиган бирор ҳақиқатни излайсан. Чунки фақат ҳақиқатларга суяна олишинг мумкин. Ширин ёлғон хаёллардан кўра тотсиз ҳақиқатлар минг марта афзалдир. Мен бунинг номини соғ оғриқ деб атайман.



Буни бот-бот такрорлайман: энг тоза ҳақиқат бу – хотиралардир. Масалан, автобуснинг ичидаги йўловчи билан хайрлашар экансан, хотиралар иккига бўлинмайди. Ҳар ким бир хил нарсани ўзи билан олиб кетади. Бир хил хотиралар ҳеч кимга ён босмай, ўзини иккала томонга ҳам бахшида этади. Қайси томон тезроқ унутишига аҳамият ҳам бермайди.

Совқотяпсанми?

Бултурги қиши... Йўқ, бу ҳақида гапиришни истамайман. Негаки, ҳам ўтмиш, ҳам келажак қўрқинчли бир жадаллик билан камайиб бормоқда. Биз буни ўтмишни унутиб, янги кунларимизни эса янги танишлар билан бирга ўтказганча амалга оширяпмиз. Ҳамма нарса ими-жимида босди-босди бўлиб кетяпти. Худди ёзниг саратонида сувни дарров ўзига сингдириб юборган тупроқ каби жуда тез фурсатда ўчиб кетяпти ҳамма нарса. Назаримда, иккимиз ҳам бу даражада тез содир бўлади, деб ўйламаган эдик. Дард ўз-ўзидан чиқиб кетишига ҳам йўл қўймаймиз. У ҳам чиқиб кетишини истамайди. Ҳамма нарса чарчаган... Биз ҳам ўта ҳорғинмиз ва жиммиз. Ақлдан озиб қолиш ҳеч гап эмас. Пешонамни ички дунёминг деразасига суяйман ва қулаган поезднинг ташқарисига қарашга ҳаракат қиласман. Темирйўлда ястаниб ётган жуда кўп оғриқлар бор. Кўл силкишлар, яна кўришгунчалар, йўллар бизни айиролмайдилар, сени асло унутмайманлар, етиб борганингдан кейин менга қўнғироқ қил ва ҳоказолар...



Бир қанча инсон ушбу жумлаларни сўзлаган ва бир қанча инсон гапирган гапларининг ҳаммасини унуган. Эндиликда бу сўзлар эгасиз қолган. Эҳтимол ҳамма бир-бирини излаётгандир. Нимани, қаерда ва қачон унугланарини эслашга уринаётгандир. «Инсон зоти ўтмишини фақат мушкул дамларда қўмсайдими? Агар бу ҳақиқат бўлса, биз нақадар улкан йўқотишнинг ичидамиз! Кун келиб, мен ёнингда бўлмасам-да, энг баҳтиёр онингда ҳам мени ёдга оласанми?» деган эдинг ҳеч кутилмаганда. Мен бироз довдирадим-у, кейин ўйлаб қолдим. Ўша дамда кун келиб, чиндан ҳам ёнимда бўлмаслигинг эҳтимолининг санчиғини вужудимда жуда кучли ҳис қилгандим ва сенга қараб, қанийди бу жуда енгил савол бўлса эди, дегандим. «Агар чиндан ҳам кун келиб шу воқеа юз берса ва мен бўлмасам ҳам, баҳтли бўлишни уддасидан чиқолсанг, айт-чи, ўша онда мени ёдга оласанми?» деб, яна тақрор шу саволни берганингда, юзингдаги кескин ифоданинг ўрни ғазаб билан алмашганини билмас, ҳам кетишни режалаштириб, ҳам йўқлигинг менга қанчалар зиён келтириш ё келтирмаслигига қизиқаётган эдинг.

Совқотяпсанми? •



Дардларимга осонликча бас келолмаяпман. Ҳаттоқи айримларини атайлаб тирик сақлаб, кейин уларга таслим бўляпман. Негаки, қанийди яна қайта бошдан ўтказсам эди, деган кошкイラрим бисёр. Мен соғинган овозлар ва илиқ юзлар бор. Улар ўта самимий ва қадрдон... Йўқлиги ҳаттоқи бир тубсизлик томон судраса ҳам, асло қадрини йўқотмайди.

Камина у учун нуқтадек аҳамиятсиз бўлган шаҳар тўсатдан кичрайиб қолди. Ўзимни бир он хўжайини уйда йўқлигига унинг ётоғига чўзилган қулдек ҳис қилдим. Бу вақтингчалик алмашинув эканини билардим. Алалоқибат, хўжайним келмасидан аввал ётоқдан туриб, ўзимга тегишли бўлган ишга қайтардим. Аммо ҳозир бу ҳақида ўйлашнинг кераги йўқ эди. Даҳшатли лаззатни ҳис қилдим. Неча йиллардан бери йиғиб келаётган қаҳрим ташқарига чиқиш учун энг қулай пайтини топганди. Қисқа вақтдан сўнг, уйлар электр лампаларига айланди. Менинг олдимда эса фақат улкан қора йўлак бор эди.

Тунги парвознинг энг яхши томони шундаки, ҳамма нарса ноаниқ ва таърифсиз ҳолга келарди. Гўё ниҳояси йўқдек... Агар учиқнинг вақти-вақти билан ўнгга ва чапга чайқалишлари ёки тумшуғини пастга қаратиб, гўё қулаб тушаётгандек ҳазиллашиб, ўйнашишлари бўлмаса, ўзимни ҳаётдан тамоман уза олардим.



Аммо миямдаги ғала-ғовурлар-чи? Ортда қол-дирғанларим ҳаётимни барбод қилаётганини тинимсиз эсга олишим-чи? Чиндан ҳам булардан кутулишнинг иложи бөрмиди? Ишончим комилки, бошқалар ҳам худди мен каби буюмларни шафқатсиз қотиллар деб ўйлашади. Йиллар давомида ишлатилган буюмлар кун келиб ўз ишларини жуда яхши бажарадиган ўқларга айланади. Битта ўқ ва ба-аҳ! Тўппа-тўғри юракка қараб... Нишонга тегади. Чунки нишондан қочишнинг иложи йўқ. Сен узокда туриб милтиқнинг ўқи ялтираётганини кўрасан, лекин ҳатто бармоғингниям қимирлатолмайсан. (Шу дамда хаёлимга онам келди. Бир куни «Она, қаранг, отам қазо қилганигаям бир юз ўн саккиз кун бўлибди», деганимда, онам менга қараб: «Кунини билмадим-у, аммо ойнинг йигирма учинчи санасида роппа-роса тўрт ой тўлади», деганди. Мен кунларни ҳисоблай олардим, лекин онамнинг саводи бўлмагани учун фақат ойларни санай оларди. Рақамларимиз бошқа-бошқа бўлса-да, айни дарддан азобланардик.) Чунки бунга кучинг етмайди. Ҳорғинсан. Худди сеҳргар келиб, қўлидаги силкитиб турган таёқчаси билан сени афсунлаб қўйғандек. Энди сен унинг ихтиёрида бўласан. Сени хоҳлаган томонига бошқаради. Буюмлар ҳам худди шундай. Ҳаммасида хотиралар мужассам. Худди устидаги юкни кўтаролмай қолганида, кўқдан қулаб тушмаслик учун ёмғирларини ер юзига юборган бир булат каби. Хўш, бу уларни айбсиз қиласдими? Бирор нарсани кўтаролмай қолганда, ташлаб юбориш уларнинг ҳукуқи эмасми?



Масалан, ёнимдаги ўриндиқ бўш турибди ва шу йўл билан мендан ўчини оляпти. Аммо мен ёнимдаги ўриндиқни биринчи марта кўриб турибман, уни ҳаттоки танимайман. Ниманинг ва қайси замоннинг қасоси бу? Нақадар аҳмоқона! Хаёлимдаги ҳамма нарса аста-секин душманимга айланяпти. Инсонларнинг кўзларига қарайман. Кимdir мени пайқасин, деб кўзларининг туб-тубига боқаман. Нигоҳларимни нигоҳларидан олиб қочмайман, лекин барибир назарга тушмайман. Тез унутиламан. Ҳеч кимга ишонмайман. Шу боисдан, инсонларнинг менга нисбатан қиласидиган ҳар бир ҳатти-ҳаракатидан ўзимни ҳимоялашим лозим. Қаерга кетяпман? Кетмок дардимга малҳам бўла оладими? Ортда қолдириб кетаётгандарим-чи? Улар бир кун келиб изимга тушадими? Ҳаёт бу – кимлардир баҳтли бўлиши учун хуш кўрмаган нарсаларимизга тоқат қилиш санъатидир. Бу бир ачинарли кутишдир. Балки кун келиб кимdir мени тушуниб қолар, деб умид қиласан. Ўйлашимча, ёнимдаги бўш ўриндиқ айни дамда уйда ёлғиз ўзи ўтирган Элифнинг ёнидаги бўш ўриндиқ билан қариндошлиқ томони бўлса керак. «Мен кетяпман, Элиф!» деганча, жойидан қўзғалган ўриндиғим ҳақида гапирияпман.

Бироз аввал узун қора йўлак ойдинлаша бошлади. Деразадан ташқарини кузатиб турибман. Чап томонимда мен ичидаги нуқта каби кичик бўлган шаҳар қўзга ташлана бошлади.



Мен бу шаҳарни билмайман, аммо чироқлари таниш. Дарҳол бу ердан узоқлашишим керак. Салдан кейин хўжайним келиб қолади. Мени ётогида чўзилган ҳолатда кўрмаслиги керак. Ўйин тугади. Битта ўқ ва ба-ам! Учоқдан энди тушаётганимда, бир хотира етиб келади ва нақ қўксимни нишонга олади. Эҳтимол, бу онгимга сингиб кетган ва айни лаҳзада мен қаттиқ соғинган Элифнинг овози бўлиши мумкин. Ёки мен уйда бўш қолдирган севимли ўриндиғимдир. Энди буни аҳамияти йўқ. Битта ўқ ва ба-ах! Тўппа-тўғри юракка қараб... Сени кутяпман, ёлғизлик!

•



Болалигимда узоқ сафарга чиққанимизда «Ота, биз қаердамиз?» деб сўрардим. Отам эса атрофда бирорта йўлбелги бўлмаса ҳам қаердалигимизни аниқ айтиб берарди. Бу мен учун жуда катта аҳамиятга эга эди... Ҳозир улғайдим ва инсонларнинг орасида йўқолиб қолдим... Ота, мени эшитяпсизми? Мен қаердаман?

Капалаклар нега бунчалар тез ҳаракат қилиши-нинг сабабини энди тушундим, ота... Ўтган куни илк бор диққат билан кузатдим уларни. Қанчалар ғалати, улар худди менга ўхшайди. Бир ерда муқим қололмаган, нима бўлса ҳам ҳозир юз берсин деган, кутишни сира хушламаган ранго-ранг қанотларнинг орасидан ўтиб кетдим... Сиз ҳақингизда ўйладим... Юзлаб капалаклар, жонларини хатарга қўйиб, у ёқдан бу ёққа учиб юрибди. Ҳатто бир нечтаси ҳали ярим йўлга етмасданоқ нобуд бўлмоқда. Улар гўё бирор жойга шошилаётганга ўхшашади. Худди мен сингари... Ёки ўзлари учун тақсимланган умрнинг қанчалар қисқа эканини билишади ва шу қисқа вақт давомида имкон борича кўп жойларни кўриб, уларга инъом қилинган ҳаётнинг энг сўнгги онигача завқланиб яшашни исташади. Худди мен каби...

Чиндан ҳам ҳаёт деганлари шумиди? Ҳар куни камайиб боряпмиз. Юранимиз сари ҳорияпмиз.



Яхши бўлишига умид қилганимиз сари хаёлларимиз чиппакка чиқяпти... Ота! Мен ўғлингизман! Бир жойда туролмаган ўғлингиз илк бор туғилган кунини сизсиз ўтказяпти. Илк бор овозингизга маҳтал қолди... Ота, мен ўғлингизман! Ўғлингиз! Сизни жуда соғиндим...



Ҳалис Карабенли



**Мен овозимни қушларнинг қанотлари остига
кўмдим. Энди улар парвоз қилгани сари мен
сўзлайман.**

Инсонлар томонидан аҳамиятга олинмайдиган, фақат менинг ҳаётимда воз кечиб бўлмайдиган алоҳида ўринга эгасан. Негаки мен сенга яширинча нигоҳ ташлайман. Сенинг порлашинг фақат менга тегишли. Мен сен биланман. Кўзларим беназир нозик ҳилқатга боқётганини сезади. Нигоҳларимда сени безовта қиласидиган ҳеч нарса йўқ. Зулмат йўқ. Иккимизнинг ўртамиизда тинчлик хукм сурмоқда. Зотан, ҳали-ҳануз мен уддасидан чиқа оладиган иш бу – сени пинҳон сақламоқ. Акс ҳолда, сенга бўлган ихлосимни деб мени айблашади. Ваҳоланки, биз иккимиз бир бутунмиз... Бу йўлга қачончиққанимизни, бу йўлда бошимизга нелар тушганини, қўлимииздан бой берганларимизни ёки қўлга киритганларимизни, не-не бадаллар тўлаганимизни ва кимларни орқада қолдирганимизни ўйламаймиз. Кучимиз етмаган нарсаларни тузатишга уриниш бизни чилпарчин қиласиди, буни биламиз. Одамлар доимо аниқ далилларга муҳтож. Бундан жирканмасликнинг иложи йўқ. Бу мавзуда ҳам ҳамфикрмиз. Яъни биз уларга ўхшамаймиз. Шу боисдан ҳам бир-биримизга ўта яқинмиз. Сен кўнглим ким томонидан ва нима сабабдан парчалангани ҳақида сўрамайсан. Мен ҳам сендан сўрамайман.



Кўрқоқлигимнинг сабаби ҳам сен учун муҳим эмас. Менга тегишингга рухсат бермаган пайтларимда, «Нега бунча эҳтиёткорсан», деб сўрайсан, холос. Сўнг бироз мендан узоқлашасан, аммо кетмайсан. Сенинг борлигинг менга қучли қувват инъом қилишини ҳис этаман. Бошқа ҳеч нарса қилишингга ҳожат йўқ. Сен шу ердасан. Ёнингга чўзилган пайтларим худди уйига қайтиб келган дилбандини қарши олган онадек мени қаршилайсан. Ҳамма нарса шу қадар таниш. Орадан вақт ўтса ҳам, сендан бегонасирамайман. Сенга етишаман. Буни қон-қонимгача сезиб турибман. Ўша ондан бошлаб нафас олишни бошлайман. Қалбимни ўз домига ғарқ қилган зулматдан қутуламан. Сен жилмаясан. Ғалаба завқининг ифодаси юзингда зоҳир бўлади. Бунинг сабаби ўзингга бўлган ишонч эмас, аксинча, менга нисбатан ҳис қилган мурувватингни ошкор қиласан. Сенга кўринмайди, аммо курагингнинг нақ тагидан қанотлар қўзга ташлана бошлайди. Кўз ўнгимда улкан бир эзгулик фариштасига айланасан. Бу янги қиёфанг сира менга бегонадек туюлмайди. Оёқларимнинг тагини шўх майсалар қитиқлайди. Олдинга қадам ташлайман. Вужудимда агар тўхтамай юрсам ҳам тугамайдиган куч-қувватни ҳис қиласман. Кўлингдан тутаман. Сенга гапириб берган ва ўзим тўқиб чиқарган ўша гўзал макондамиз. Ўзимизнинг ҳикоямизда... Бепоён кенглик. Димоғимизга гирос дараҳтларининг анвойи гули иси урилади. Аслида, озгина ҳаракат қилсанг, бу жойларни эслайсан. Чунки сенга ҳар гал фақат шу маскан ҳақида ҳикоя қилиб берганман.



Эшитганларимиз ва ташқаридаги ҳодисалар бизни сира қизиқтирумайди. Биз мўрисини катта қилиб чизган уй ўзимизни кутиб олади. Ҳа, айнан бошланғич синфдалигимизда чизгандик. Шундоққина ён томонидан анҳор оқиб ўтган, қуёш нурлари сувга тушиб, ажиб гўзаллик ҳосил қиласди. Тепамизда чексиз осмон. Тоғлар орасидан қуёш кўриниб туради. Унинг юзида табассумнинг ифодаси бор ва шу билан бирга, барвақт уйғонганининг чарчоғи ҳам. Чунки қуёш ҳам чарчайди. У гоҳида ўзининг қайноқ ҳароратига ўзи тоқат қилолмайди, бироқ буни ҳеч кимга сездирмайди. Чексиз қувватга эга бўлган нарсалар ҳам толиқиши мумкинлиги ҳаммага аён. Қуш ҳам шу қаторда. Худди сени қучоқлаганимда, қайноқ тафтдан бехузур бўлишингга қарамай, ўша лаҳзани бузмаганинг каби...

Тонг палласи. Ҳаво бироз салқин, лекин устимизга ёпинчиқ ташлайдиган даражада эмас. Қўлингдан тутаман ва юзингга қараб, «Кучимиз етмаган нарсаларни тузатишга уриниш бизни чилпарчин қиласди», дейман яна такрорлаганча... Ваҳоланки, буни билишингни биламан. Бор-йўғи бизни биз қилиб турган нарсаларни унутиб қўймаслик учун баъзан такрорлаб туришимиз лозим. Чунки унутиб қўйишимиз мумкин. Негаки янгиланиш биздаги табиий ҳолат. Албатта, янгиланиш асносида бошимиздан кечирганларимизни бутунлай эсдан чиқармаймиз. Яхши ёки ёмон хотира барчасининг ўз ўрни бор, шундай эмасми, севгилим?



Муаммо сенга енгилишиимда эмас. Нима учун сен билан доимо бир жангнинг ичидамиз – мени қийнайдиган савол шу.



Ҳалис Карабенли



Бир инсоннинг қалби синган вақти кўнглиниң яна бир эшигини ёпади. Ана шундан кейин ташқарига чиқиши янада мушкуллашади...

Ҳеч нарсани кимнингдир қистови орқали қилдим, деёлмайман. Масалан, сигарет чекишни ўз хоҳишим билан бошлаганман, ҳеч ким мени чекасан деб мажбурламаган. Мабодо мажбур қилишганида ҳам, аниқ қилиб айта оламанки, рози бўлмасдим. Чунки... Йўқ, гапни бу ердан бошлашни истамайман. Ўтган ҳафтада сув қуймаганим учун қуриб қолиш арафасида турган бинафшани қуриган япроқларидан тозалаб, тувагини алмаштирдим. Уйда қиласидан бошқабирон-бирашиб ўйук эди. Яъни, унга раҳмим келганидан ёки астойдил хоҳлаганим учун қилмадим бу ишни. Мен унга худди юрак трансплантациясини амалга ошираётган жарроҳнинг эҳтиёткорлиги каби муомалада бўлдим. Гулнинг кўксини ёрдим. Гўё унинг қўллари бордек ҳаракат қилдим. Ким билади, балки ростдан ҳам бордир. Бунга ҳеч эътибор бермадим. Чунки бутун умрим бўйи айрим нарсаларга диққат-эътиборимни қаратиш ва кимларнингдир дардига малҳам бўлиш учун ҳаракат қилдим. Бунинг охири фалокат билан якунланди! Соғайганлар бирин-кетин тарқ этишди. Яралангандаги қайтиб келдилар, яна малҳам қўйдим ва яна тарқ этдилар. Бу ҳолат шу йўсинда такрорланди. Мен ҳар сафар энг юқорига қўтарилиб, кейин пастга қулайвердим.

Аммо буни ҳеч кимга билдирмадим. Бироқ бу тушиб-чиқишилар менга қаттиқ азоб берди. Шунча нарсага нима учун чидадим? Чунки кимdir мени тушунишини истардим. Аммо афсуски, бирга яшаш учун фақат бир томоннинг курашиши ўша томонни чарчатади. Агар нариги томон лоақал сени қўллаб-кувватламаса, нимаки қилма, олдинга силжиш кузатилмайди. Аслида, энг бошиданоқ маълум эди: ўзгалар «бўлса бўлар, бўлмаса йўқ» деган ақида улар учун дунёни жойидан жилдирмаса-да, аммо йўқлиги менинг дунёмни барбод қилишга кифоя қиласди. Зотан, дунёning чин буюклиги сен ҳис қиласдиган ва тасаввурингга сиғадиган даражада эмасми? Миллионлаб километр узоқдаги ҳаво билан биз симираётган ҳаво ичимиздаги сигаретдан қорайган ва ҳатто чириб улгурган бир гўшт парчасининг ичидан ўтиб яна ҳавога сингиши ҳаёт дейилади.

Охирги марта юқоридан қулаганимдан бери ишлар баттар ёмонлашди. Бир инсон, ҳа, биргина инсон мени олдин шифтга, кейин ерга, сўнг яна шифтга, кейин яна қайтариб ерга урди... Бутунлай ерпарчин бўлганимга амин бўлгунича такрорлади буни. Ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада... Ҳар бағрига босганидан кейин, ҳар меҳр беришидан олдин, ҳар уйқудан кейин... Нега бу қадар ғазабнок эканига тушунмасдим. Ғазаби кимга қаратилганини ҳам билмасдим. Қолаверса, мен бунга қарши чиқолмасдим. Чунки у аввалгилардан кўра бошқача эди. Бир неча бор кетиб-келганлар хилидан эмасди.



Кетса ҳам мангуга кетиб, кейин сира қайтиб келмаслигига ишончим комил эди.

Бора-бора бадбин инсонларни ёқтира бошладим. Аслида, бадбин руҳдаги инсонлар ҳақиқатларни биладиган ва қабул қиласидиган инсонлардир. Бошқа бирорвлар каби соxта умидларнинг ортидан югуриб юрмайди. Агар йиқилсалар ҳам, буни қабул қилишади ва дарҳол аввалги ҳолатига қайтишга уринмайди. Тўхтаб, бироз тин олишади. Чунки агар тин олмаса, инсон бутунлай ўзини тиклолмайди ва қайта-қайта йиқилишга мойил бўлиб қолади. Кимдир сизни яна чалиб йиқитиши мумкин. Ким ҳам буни хоҳларди? Сизнингча ҳам бир хароба бино каби тўкилиб, адо бўлганингни қабул қилиш мантиқли фикр эмасми? Буни зинҳор қўрқоқлик билан адаштирманг! Қўрқоқ инсон бу қадар улкан яралар билан яшашга бардош қила олармиди?

Энди келажакка доир режалар тузишни тўхтатдим. Ёзда кияман, деб қишида чегирма асосида сотиладиган кийимларга учмайман. Бошида нархини осмонча қўтариб, кейин қўлларида қолган-қутганини чегирма билан сотадиганларни ер ютсин! Ҳаттоки ҳозир тезроқ кеч тушса-ю, ухлаб дам олсам, деб ҳам ўйламайман. Ҳеч нарса абадий эмас. Ҳеч нарсага эга чиқолмайсиз. Ҳеч ким кимгадир тегишли эмас. Онам, отам, дўстларим, қўлим, оёғим, соchlарим ва сен... Масалан, энг биринчи сен меники эмас экансан.



Сўзлар билан тушунтиришга кўзингиз етмаган нарсаларни ичингизга ютасиз. У ер шу қадар сокинки... Ичингиз сизни сўроқламайди, айбламайди. Ўрни тўлмаган бўшлиқларингизга, севинчларингизга, қайғуларингизга ўртоқ бўлади. Агар жасоратингиз етса, бой берганларингизга назар ташлайсиз.

Ислмарни эслаб қололмасдим. Миям жуда чалкаш эди. Янги танишган одамимнинг исми хотирамда қолиши учун ўша инсон исмини қайта-қайта такрорлашимга тўғри келарди. Юзларни ҳам яхши эслаб қололмасдим. Бошқа пайт кўчада дуч келиб қоладиган бўлсам, гўё биринчи марта кўраётгандек тикилардим инсонларнинг юзига. Улар «Ассалому алайкум», дейишарди кулганча. Вазиятни қўлга олиш учун салом берардим мен ҳам, аммо кўп ўтмай, аслида, танимаганимни билдириб қўярдим. Чунки сўзлашиб учун бошқа гап тополмасдим. Уларнинг кўпчилиги ҳайрон қолганча, ўзларини эслатишга ҳаракат қиласарди. «Ўтган куни шу ерда учрашдикку, эслолмадингизми? Мен фалончининг дўстиман. Унинг уйида бирга қаҳва ичгандик-ку? Бир қанча муддат бир маҳаллада яшагандик. Мени уйим сизнинг уйингиздан икки иморат нарида. Автобус бекати борку, ана ўшанинг ёнгинасида. Эслолмадингизми?»

Улар менга калаванинг бир қанча учини тутқазишарди. Кейин улар миямда тугунга айланарди.



Нақадар ғалати: одамлар ичган қаҳвамиздан тортиб, ўша куни об-ҳаво қандай бўлганигача эслашади. Бошқа қиласиган ишлари йўқми? Мияларини машғул қилиш учун бошқа нарса қуриб қолганми? Кўрган-кечирганлари ҳақида ўйлаганида, юрагини сиқадиган, кичик бўлса ҳам, бирор хотиралари йўқми? Фақат мен шунчалик тўламанми ёки улар бўмбўшми? Улар нимани унутиш, нимани унутмаслик кераклигини қандай қилиб ўзлари танлаши мумкин? Уларнинг теп-текис ҳаёт йўллари бор. Бир текис... Агар турган жойларидан қарашса ҳам, дунёниг нариги бурчагигача bemalol кўра олардилар. Улар ҳатто ичимни ҳам, кўраётганди. Бу жуда қўрқинчли эди. Яширинолмаётгандим. Уларнинг унутишлари ҳам эслаб қолишлари ҳам жуда осон эди. Ўзларини худди унутган нарсалари ҳеч қачон ҳаётларида мавжуд бўлмагандек, эслаган нарсаларини эса ҳеч қачон унутмайдигандек тутишарди, аммо мени унутган нарсаларининг орасидан истаган пайтларида тортиб олишарди. Ёки уларга бу имкониятни ўзим берганмидим?

Энди гапираман деганимда, тилимга чиқаролмай, ичимга ютганларимни деб, ҳар доим афсусланман. Қабул қилишим керак бўлган нарсаларни қабул қилмаганим ва қабул қилмаслигим керак бўлганларини қабул қилганим учун ҳам пушаймон бўламан. Ичимга ютганларим мени чиритишда давом этади. Ўз ичимни таъмирлашдан чарчадим.



Харобалар орасида ҳам яшолмайман. Аслида, оғзимга келганини гапириб кетсам, ютган ҳисобланаман. Сиз ўзи кимсиз, деб бақираман. Кейин эса, мен китоб ўқиш жон-дилим ва эски турк фильмларидағи ҳеч ким аҳамият бермаган ажиб мусиқаларга ҳам мубталоман, дейман. Сиз Камол Суналнинг фильмларига доимо қуласиз, лекин мен кулмайман, дейман. Ахир, бу одам мутлақо бошқа нарса демоқчику, деб бақираман ғазаб билан. Агар бир марта бошласам, тўхтамасдан давом этаман. Масалан, тарвузлар жуда катта. Одамлар ҳамма нарсанинг генетикаси билан шуғулланишади, лекин ёлғиз яшайдиган одамлар учун пўртахол катталигида бўлган тарвузни етиширишмайди. Агар бирор жойга кўчиб ўтадиган бўлсанг, барча қўни-қўшнилар гўё янги кашф қилинган маҳлукотни кўргандек қочишади. Биз худди юқумли касаллик каби ҳаёт кечиряпмиз. Чунки бирон-бир нарсанинг бир қисми бўлиш дегани бу ўша нарсанинг барча қисмлари каби бир хил ҳуқуқларга эга бўлиш дегани эмас. Атрофи ўралган ер участкасидаги тошлоқ майдон ҳам ўша ерга тегишли; лекин одамлар тошларни иложи борича олиб ташлашга ва ер остига етиб боришга ҳаракат қилишади. Улар денгизнинг чуқур ва узоқ жойларидан қўрқишиади. Ровоннинг тозалиги қўпинча меҳмонхонанинг тозалигидан муҳим эмас. У ерни чиройли буюмлар билан безашнинг ўрнига, аксинча, уйда кераксиз деб ҳисоблаган қақир-қуқурларини ровонга чиқариб ташлашади.



Яъни, кимдир сизни соғингани учун қўнғироқ қилиб ҳол-аҳволингизни сўрамайди-да, аммо қачон иши тушса, дарров ёнингизда ҳозири нозир бўлади. Сизнинг борлигингиз бошқа пайти аҳамиятга эга эмас.

«Ҳар доим ютқаздингизми?» деб сўрайдиганларга ачинаман. Қаранг, агар гап ғалаба ҳақида бўлганида, мен сизга ачинганим учун нимадир ютган бўлардим. Чунки бу нарсанинг замирида назарга илмаслик бор. Мен ҳам одамларнинг чегараларини эътиборсиз қолдириб, уларнинг кўнгилларига қўл солишим, ҳаттоки кўнгилларини ўқишим мумкин эди. Бу яна бир ғалаба бўларми? Аммо нима учун бундай қилмадим? Чунки мен инсонларни сир-асрорлари билан севдим. Агар сенинг ғалабанг бошқанинг мағлубияти бўлса, унда ютишнинг нима кераги бор? Аслида, ҳаётда ғалаба деган нарсанинг ўзи йўқ. Мен турган жойимдан қараганимда дунёning нариги бурчагигача кўришни истамайман, ҳатто бир марта ҳам буни орзу қилмаганман. Хатоларга кўз юмдим. Айбламадим. Балки бу сафар ҳаммаси бошқача бўлар, деб қайтадан уриниб кўрдим. Ҳаракат қилдим, ёнида турдим, гаплашдим, сукут қилдим, азобламадим, қучдим, кетишим керак пайти кетдим, умид қилдим, синдим.

Мен ҳаракат қиламан, уриниб кўраман, одамларнинг ҳаётига аралашмайман, дунёning нариги бурчагини кўришга интилмайман, инсонларнинг кўнғлига қўл солмайман, айбламайман, гаплашаман, сукут қиламан, кетишим керак пайти кетаман, қучишим керак пайти бағримга босаман, ёнида бўламан, таскин

бераман ва сиз мени умидсиз ва қаҳри қаттиқقا йүясиз... Хўп, сиз айтгандек бўлсин. Аммо мен энди исмларни ва юз қиёфаларини эслаб қололмайман. Бу ҳам сизнинг шарофатингиз билан.



Гапириши керак бўлганлар жим бўлди. Кўз ёш тўкиши керак бўлганлар дошмо қулди. Кетиши керак бўлганлар ҳануз йўлга чиқолмади. Уялиши керак бўлганлар мазлумларнинг устидан қулди. Ёлғизликни ҳеч қачон сатрлар орқали ифодалаб бўлмади. Мен эса бу йўлнинг ўртасида ўз қаҳрим билан ёлғиз қолдим.



Ҳалис Карабенли



Аввал овозлар бир жойга тўпланади. Кейин йўқолган қисмлар бирин-кетин яширган еридан чиқиб келади... Вақти келганда, ҳаёт ўз-ўзини қайтадан янгилайди.

Биласанми, азизам, мен ҳатто гуллар очилса ҳам безовталанаман. Масалан, ёзниг илк кунлариданоқ куз келишидан хавотирга тушаман. Чунки қанча яхши яшашни истасам, гўзал нарсаларга тоқат қилмайдиган одамлар йўлимдан чиқди. Биламан, ҳеч нарса абадий эмас. Биламан, биз истасак ҳам на оиласиз, на севгимиз, на дўстларимиз бутун умр ёнимизда бўлмайди, бўлолмайди. Мен қўрқоқ эмасман. Фақат хавотирдаман. Узоқ вақт ҳақиқатларнинг шафқатсиз оламида қолиб кетдим. Оғир сукутлар ичидагашадим. Гапиролмадим. Ёрилолмадим. Ҳеч қачон чиройли тушлар кўрмадим. Мени тушун! Чунки шунга муҳтожман. Жим турма! Энг кераклиси шу... Асло жим турма! Яширадиган ҳеч нарсам йўқ. Гуллар очилганини кўрсам, безовталанаман. Ёзниг илк кунларидаёқ ичимни қоплаб оладиган куз келишининг хавотирини даф қилолмайман. Негаки вақтнинг ўта шафқатсизлигига гувоҳ бўлдим. Ҳаттоки бир дақиқанинг ҳаётимизда қанчалар муҳим ўрни борлигини англаб етдим.



*Үтказиб юборган бир дақиқам учун ҳаттоқи бутун
умримни фидо қилишни истадим...*

*Мен қўрқоқ эмасман. Аммо гуллар
очилганини кўрсам, безовтала наман... Гўзаллик тез
ниҳояланишидан қўрқаман... Дарвоқе, кузни бирга
кутиб оламизми?*



Ҳалис Карабенли



Күзмунчоқ

Агар бирон-бир уйда у бўлмаса, гўё хатар бостириб келгандек туюларди. У музлатгичдан, кир ювиш машинасидан, телевизордан ва ётоқхонадаги дивандан ҳам кўра муҳимроқ эди. Дивансиз ҳам дам олишимиз, телевизорсиз ҳам яшашимиз, кирларни қўлда ювишимиз мумкин, лекин у залнинг энг чиройли бурчагида милт-милт қилиб осилиб туриши керак эди – гўё ҳар қандай фалокатдан асрайдиган кўзмунчоқлар... Негадир кўзмунчоқлар менга доим қўрқинчли туюларди. Ўзимни худди узун ва ифлос соchlари бир-бирига ёпишиб кетган, йирик мовий кўзли одамнинг таъқиби остида қолгандек ҳис қилардим. Шунинг учун болалигимда уни кўп марта атайлаб йўқ қилган пайтларим бўларди. Аммо дарров ўрнига янгисини келтиришар ва оstonага, даҳлизга, парданинг кўринмайдиган жойларига, музлатгичга ва ҳаттоки кўйлагимнинг чўнтағига қадаб қўйишарди. У менга мендан кўра яқинроқ эди. Бу мовий кўзли махлукдан ҳеч қандай йўл билан қутулолмасдим. Нимаики қилмай, доимо у ғалаба қозонарди.

Бу ҳолат узоқ вақт давом этди. Аммо кунлардан бир куни биз иккимиздан бошқа ҳеч ким билмайдиган келишув шартномасини имзоладик. Отам, онам



ва ака-сингилларим бу нарсаны билмасликлари керак эди. Ушбу келишувга кўра, у мени чиркин кўзлари билан таъқиб қилмайди, мен эса «бilmасдан» уни ерга отиб сочмайман. Бу, аслида, иккала томонни ҳам қониктирганди.



Үшанда «Барибир бир кун келиб, бу уйдан кетасан ва мендан қутуласан» деб қўшиб қўйган эди кўзмунчоқ. Бунга ишонгандим. Чиндан ҳам янги уйга керак бўладиган нарсаларни сотиб олаётганимда унга кўзим тушмаган эди. Ҳеч қайси магазинларда унга дуч келмагандим. Тўйга тайёргарлик ишлари ҳам яхши кетаётган эди. Отамнинг уйига борганимда унга дуч келиб қолсам, кўзига қарамасликка ҳаракат қилардим. Энди у аҳамиятсиз матоҳга айланган ва ҳаётимдан чиқиб кетган эди. Унинг ўрнига Элиф билан деворга осиш учун кўзга ташланиб турадиган бир қанча суратлар сотиб олган дик. Бир уй учун деворга осилиши керак бўлган тасвирий суратлар жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Қачондан бошлаб буюмлар инсонлардан кўра муҳим ўринга чиққанини билмайман. Аслида, бундан қўрқиши керак. Биз юз йигирма квадрат метр бетонни жиҳоз билан тўлдириб, яшшимиз мумкин бўлган жойни торайтирадик. Энди бизда жимжилоғимизни уриб олсан, сўкишимиз мумкин бўлган қаҳва столи ҳам бор эди. Унинг устида овқатланардик. Телевизор томоша қилаётиб, устига оёқларимизни узатардик. Элиф билан қувлашмачоқ ўйнаганимизда уни тутиб олиш учун қаҳва столининг устига чиқар эдим. Элиф эса, яқинда тозалаб артгандим, деб аччиқланарди. Мен эса уни тутиб олиб, ўпардим.

Дўстларим биринчи марта уйимизга меҳмон бўлиб келишганида, кўзмунчоқ совға қилишганди. Ўшанда ичида нима борлиги номаълум бўлган қутини ҳаяжон билан очар эканман, кулиб турган чехрам кескин ўзгарган эди.



Үзимни гүё устимдан бир чөлак муздек сув куйилгандек ҳис қылғандым. Совуқ шамол юзимга урилар, ғалати-ғалати товушлар қулоғимга чалинар эди. Дўстларим қаҳ-қаҳ отиб қулар, уларга қўшилиб Элиф ҳам тишини оқини қўрсатарди. Деворга осилган суратларга қўнган пашшалар ҳам гүё устимдан кулаётгандек туюларди. Ҳамма ўзида йўқ хурсанд эди. Албатта, ҳеч ким нима бўлаётганини тушунмасди, аммо менинг бу тушкун ҳолатим ҳали-вери ўтиб кетмаслиги аниқ эди.

Мен хоҳламасам ҳам энди, у уйимизнинг бир бўлаги эди. Элифни қувиб етиш учун устига чиқадиган қаҳва столимнинг устида турган кўзмунчоқقا энди киприк қоқмасдан қарадим. У ҳам яна менга йирик-йирик кўзлари боқарди. Гүё устимдан қотиб-қотиб кулаётгандек туюларди. Бир томондан кўзлари хавотирда эканини сотиб қўяётган эди. Чунки қисқа вақт ўтиб, уни «билимасдан» ерга тушириб, синдиришимни биларди. Аммо келишувни бузгани учун энди бошига тушадиган савдоларга ўзи жавобгар эди. Ёлғон гапириб нима қиласман, ўшанда кўзмунчоқнинг кўзларидаги ўлим ваҳимаси менга ёқиб тушган эди. Элиф ҳам менга ҳайрон нигоҳлари билан қараб-қараб кўярди. Кўзмунчоқларни ёқтиримаслигимни унга айтмагандим. Табиийки, орамиздаги келишувдан ҳам унинг хабари йўқ эди.

Ўша кундан кейин уйдаги тинчимни йўқотдим.



Бу ҳам етмагандек, вақт ўтиши билан катта ва кичик кўзли кўзмунчоқлар пайдо бўлди ва остонаяга, даҳлизга, пардаларнинг кўринмайдиган жойига, музлатгичнинг эшигига қадалди. Минг бор шукрки, энди кўйлагимнинг чўнтағига қадаб қўйиладиган ёшдан ўтгандим. Уларнинг айримларини бўлакларга бўлдим, айримларини кўчага улоқтирдим, айримларини эса атайлаб ўзим сотиб олиб, уйга олиб келдим ва ўзим истаган пайтда бўлакларга бўлиш учун кўзим тушиб туродиган токчага қўйдим.

Инсон боши берк кўчага кириб қолганида, ҳақиқатлар билан юзлашишга журъат этолмай, сохта сабабларни келтириб чиқариши мумкин. Назаримда, уйнинг ичидаги кўзмунчоқлар – мен учун ҳамма нарса барбод бўлишининг сохта сабаблари эди... Бора-бора Элиф билан кам гаплашадиган бўлдик. Мен жим бўлсан, уҳам сукут сақларди. Ишдан келиб овқатланардик, телевизор томоша қиласардик, лекин анчадан бери қаҳва столининг устига чиққанча, уни тутиб, бўса олиш ўйинини ўйнамаётгандик. Йўқ, анчадан бери уни ўпмаётгандим. Лаблари қаердалигини унутгандим. Бунинг ўрнига мушугимизга меҳр берардик. Мушук ёлғиз эди. Яна битта мушук боқиб олсакмикан, деб ҳар куни бир-биrimиздан сўрадардик, лекин дарров бу фикримиздан қайтардик. Бироқ фарзанд кўришни хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Аслида, тўғриси ҳам шу эди. Аммо дўстларимизда вазият бундай эмасди.



Улар уйда сақлаш учун Сибир Ҳускى деган ит зотидан боқиб олишганди. Иккита ишлайдиган одам учун уйда ит боқиши мантиққа түғри келадими? Бу ҳайвон учун нақ қамоқхона ҳаёти дегани.

Ниҳоят, бир куни фарзанд кутишаётгандарини айтиб қолишиди. Албатта, бу янгиликнинг ҳайрон қоладиган томони йўқ. Лекин улар бола кўриш учун нима сабабдан қарор қилишганини кулиб айтиб беришганида, нима дейишни билмай қолдим. «Бола боқиши – уйда ит боқишдан кўра осонроқ бўлармиш!» Аҳмоқлар! Бошпанага топширган итларига ва уларнинг туғилажак фарзандларига жуда ачиндим.



Ўтмишда сен билан кечирган қунларимнинг хотиралари яхшигина хиралашди. Дардим сийраклашди, сенга нисбатан ғазабим сўнди. Бошқатдан бошлолмаслигимизни ва ўтмишни қайтаришнинг иложи йўқлигини қабул қилдим ҷоғи...

Мен ҳаётнинг жадал, аммо адолатли ўзгаришини ҳайрат билан кузатаман. Кун бор кучини йўқотиш ҳисобига, гўё шошилиб турган жойи бордек, ўрнини тунга, тун қунга, ёз кузга, куз қишига, қиши баҳорга ва баҳор яна ёзга бўшатиб беради. Бундан ташқари, бу ўзгариш ўзгарган нарсалар орасида безовталикни келтириб чиқармайди. Аммо бу ҳолат одамларга хос эмас. Ҳар бир янгиланиш ундан олдинги қолдирилган чала нарсаларнинг ўрнини мулойимлик билан тўлдиради, ўрнини эгалламайди, нима учун кетиши кераклигини ва кетиши керак пайтда нима қилиш кераклигини билади, ундан кейинги навбатга қўполлик қилмайди, тинчлик билан ўрнини бўшатиб беради ва навбати келадиган вақтни сабр билан кутади. Ушбу келишувнинг бу йўсинда теп-текис давом этиши, аслида, ўрталаридағи риштанинг ўта мустаҳкамлигининг исботидир. Биз эса ҳатто қайта уриниб қўриш мумкин бўлган нарсаларга ҳам иккинчи имконни бермаймиз. Заифлар йўқолади, эсга олинмайди, йўқлигига осонликча қўнилади... Биз ортига яширинган ва ташқарини ўғринча кузатадиган деразалар мавжуд.



Үй, машина, учоқ, поезд, автобус... Барча воқеалар-нинг қисқача мазмуни ўша ерларда яширинган. Ҳар бир воқеанинг қора ҳамда оқ томонлари бор. Чунки улар, одатда, оломон ичида содир бўлади. Баъзилар учун хотираларнинг тириклиги яранинг газак олишига замин яратади. Айримлар эса журъат қилиб, ҳатто киприк ҳам қоқмай, хотираларини ўлдириши мумкин.

Бир неча йил муқаддамга қайтаман. Ҳа, буни ҳали-ҳануз эплайман. Мендан неча-неча километрлар олислардасан. Аммо энди масофаларни километрлар билан ўлчамайман. Орамиздаги масофа овозларимизнинг йироқлигидан кўра узун эмас. Сени доимо ташвишлантирадиган кўзларинг атрофидаги ажинлар бирга бўлмаган кунларимизни сенга эслатмайдими?

«Оғригини ҳис қилган нарсангдан қутулишнинг энг яхши йўли бу – у билан келишиб яшамоқдир. Агар шундай йўл тутсанг, ўша нарсанинг оғрифи дарҳол сезилмайди», дердинг. Буни ўзинг ҳам синаб кўрганингни тахмин қилгандим. Тешилган қайиқ ичидаги кераксиз ашқол-дашқолларни сувга улоқтирасан, нима учун? Сувнинг устида яна бирмунча вақт тирик қолиш учун. Мен эса ғалаба қозониш учун баъзи нарсалардан воз кечиш кераклигини қабул қилмаганим учун орқага қайтишим мумкин. Шунинг учун қудуқнинг тубига етолмадим ва ҳали ҳам астасекин чўкиб боряпман.



Орамиздаги фарқ ҳам шу. Сен күчаларда юрасан ва ўзингни юрган йўлларингнинг бирортасида илгари юргандек ҳис қилмайсан. Ҳаётнинг жадал, аммо адолатли ўзгариши билан ҳамқадам бўласан. Бирор жойга шошилиб бориш сен учун хавфсиз. Бунга роҳат билан кулласан. Йўқ, сени айбламайман! Сен мени итариб юборган ер - ўз қалбим... Мен ҳам хавфсизман. Сен билан бирга уйғона олмасликдан ташқари қалбимдаги ҳамма нарса таниш. Ҳафтанинг ҳар кунида бир хил соатда уйғонаман. Бу ҳеч ўзгармайди. Одатларимнинг давомийлигини ёқтиришимни билласан. Ўрнимдан туриб, яна энг биринчи қиласидиган ишим – пардаларни очиб, самога боқмоқ. Бошимни деразага суюйман. Менинг барча ҳикоям шу ерда яширинганд. Ҳикоямни севаман. Ҳикоямни юзимдан ўқишингни ёқтираман. Сен билан илк танишганимизда борлигингни қабул қилишга қанчалик қийналган бўлсам, энди йўқлигингни қабул қилишга шунчалик қийналяпман. Қалбимдаги мавсумларнинг навбати йўқ. Куздан кейин яна куз келади. Бу йили ёмғир тинмади. Тўкилган япроқларни шамол эрмаклашини кузатаман. Дараҳтлар ҳар доим яланғоч... Дараҳтлар япроқларсиз гапиролмайди. Бундай пайтларда шамол ҳам ёрдам беролмайди.



**Баъзи оташларни анча пайт ўчириб бўлмайди.
Баъзи қисматлар то бошидан бери оташнинг
ичидадир... Тан олинг; бўлди, тугади, деганингиз
 билан ҳамма нарса тугаб қолмайди!**

Очиқ турган туйнук қопқоғи ёнига чўзилганча, охири номаълум бўлган қора бўшлиққа караб, бор кучим билан «Ҳаммангиздан нафратланаман», деб бақирдим. Кейин атрофимга қарадим. Ҳеч ким эътибор ҳам бермаганди. Эрталаб уйдан чиқаётганимда, булатлар ишғоли остида қолган осмон ҳам очиқ эди. Бу қачон содир бўлди? Орадан ўтган бир неча соат вақт ичida гўё кимdir қўлига каттакон супургини олган-у, ҳамма булатларни фазога қараб супўриб юборгандек эди. Буни қуёш қайноқ тафти билан орқамни қиздирганида билдим. Овозим шаҳарнинг остида ўнг ва чапга урилиб юраркан, босилган ғазабимга ҳам ҳеч ким аҳамият бермаётгани баттар ғазабимни қўзғатган эди. Ўрнимдан турдим. Ўтган куни интернетда ўзим ўқиган ҳабар бирдан хаёлимга келди: Африкада бир арслоннинг болалари бошқа арслон томонидан ўлдирилгандан кейин, она арслон қайғусини аритмоқ учун бир кийик боласини худди ўз боласидек ўз қарамоғига олибди. Ҳабарни ўқиб, ваҳший ҳайвонлар билан одамлар нақадар бир-бирига ўхشاши ҳақида ўйлагандим.



Бир арслон кийик боласини ўз боласи каби қарамоғига олиши қанча мұддат давом этиши мүмкін? Аслида, кийикнинг қисмати ҳозирданоқ маълум әди. Бир неча кундан кейин арслоннинг қайғусининг ўрнини очлик әгаллаганидан сўнг куннинг қайси директор вақтида, кийик боласидан хўрак сифатида фойдаланиши аниқ. Қорни тўйганидан кейин кийик боласини ҳам, ўзининг болаларини ҳам бутунлай унутади. Биз одамлар ҳам дардимизни аритиш ва уларга бас келиш учун ўзимизни кимларнидир севадигандек кўрсатиб, дардимиз ариганидан сўнг, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, тарк этмаймизми? Қайси азоб энг кучли ва қудратли бўлса, охир-оқибат, ўшаниси ғалаба қиласди. Бизлар бор-йўғи бугунги кунимизни қутқариб қолиш учун яшаймиз. На янги кўчиб ўтган уйларимиз ва на янги харид қилган лаш-лушларимиз ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Қанийди, бизлар ҳам худди қушлар каби бўлолсак. Чунки улар умри поёнига етганини сезган онидаёқ, кўздан узоқроқ жойга бориб, ўлимини қутишади. Парвоз они тугаган бир қушнинг ҳеч кимдан ҳеч нарса кутмай, номаълум жойда ва номаълум соатда жон бериши, сизнингча; шоҳона якун эмасми?





Бундан кейин ўзгалар билан ҳаёт кечирганимиз учун бир-бirimиздан ғазабланамиз. То бу ҳолат ўтиб кетгунга қадар бутунлай унутган ҳисобланмаймиз.

«Онгимдаги ёнингдан кетишга бўлган телбанамо истак ҳар он такрорланмоқда. Ўтинаман, эшикларни ёп! Ўтинаман, овоз чиқарма! Кўлларимни сира сендан узоқлаштирмадим. Тўғри, айни дамда қўлларим қўлларингда, истаган пайтингда тутишинг мумкин. Аммо буҳолатумрбод давом этмаслигини иккимиз ҳам тан олишимиз керак. Одамлар орасида сездирмасдан юриш бизга ижобий таъсир қиласидиган ягона нажот каби кўринади. Ёки ижобий таъсир қилмаса-да, бу номаълумлик лоақал бизни бегоналардан асрashi мумкин. Бу қўрқинчли оломоннинг тишлари орасида эзилганлар каби бақирадиган бўлсак, бизга ишонишмайди. Сенга ишонсанмайманди? Кўниқдим, деган ҳайқириқ, йўқ, мен ҳали кўниқмадим, дея қичқирганча ичингдан чиқишига уринишига тўсқинлик қила оласанми? Сен бу телбанамо фикрдан халос бўлиб, на менга, на ўзингга кўниколмаганингни қабул қилоласанми? Хабаринг бор, мен кўниқиши деганларининг борлигига ишонмайман. Кўпроқ мажбуриятлар мавжуд. Аммо сен мажбуриятларни деб ёнимда бўлишингни истамайман», дегандинг, хотиржамлигингни йўқотганча...



Сен ўшанда биринчи марта узоқ гапиргандинг. Биринчи марта овозингда ҳадик бор эди. Ўзингдан қўрқишиングни яшиrolмаётгандинг.

Ҳозир ўша кун ҳақида ўйлаяпман. Сенга боғланган ёки боғланмаганимни аниқлаш учун «Бир куни кетиш учун келмаганимни биласан, тўғрими?» дея сўзларингни мустаҳкамлашга урингандинг. Эртаси куни шаҳар ташқарисига чиқишинг керак эди. Бу бор-йўғи бир неча кунга чўзиладиган сафар эди, холос. Бироқ мен ҳеч нарса абадий давом этмаслигини илгари тушуна бошлагандим. Сен буни пайқамагандинг, аммо жуда рангпарэдинг. Юзингни ғалати сояқоплаган эди. Зулматни ёрган мавжудлигинг шу зулматнинг бир қисмига айланган эди. Дарҳақиқат, ҳамиша бир-бирига жуда яқин бўлган иккита нарсанинг бора-бора бири наригисига ўхшаб кетиши муқаррарлигини иккимиз ҳам билар эдик. Курашишдан тўхтаб, таслим бўлган эдинг. Яна бошқа одам бўлишнинг, бошқа жойда уйғонишнинг азоб ва қўрқуви мени маҳв этган эди.

Деразадаги буғга қўлим билан тегаман. Ойнанинг устида жойлашган, аммо бир-бирига жуда яқин бўлишига қарамай, бир-бирига тегмаган сув томчилари мен қўл теккизганимдан кейин бир жойга йиғилганча, нозик чизиқ ҳосил қилиб, деразанинг қуий қисмига қараб илдамлаб кетади. Шу йўл билан мен барча нарсаларга тегинишнинг бирлаштирувчи ва даволовчи кучига гувоҳ бўламан.



Бизда ҳам худди шундай бўлган эди. Сенга биринчи марта тегганимни эсласанг керак. Кичик тафсилотлар деб аталган нарсалар ҳақида ўйлаганда, кичик тафсилотлар одамнинг бошига қанчалик бало олиб келишига далиллар пайдо бўлади. Бундан ташқари, биринчи қарашда сезилмаслиги уларнинг қадрини пасайтирумайди. Аксинча, ўзларининг аҳамиятли эканларини билишади. Кечкурун уйга келганингда қачон ва қандай қилиб бармоғингда жиндай тирналиш ҳосил бўлганини эслолмайсан, аммо қўлингни сувга тиқишинг билан дарҳол ўша ярани ҳис қиласан. Оғримаса ҳам, бирон-бир иш қилаётганингда, кўзингга ташланади ва кўзларингга тик қараб, мен бу ердаман, дейди. Яралар имкон борича яшаб қолишга ҳаракат қиласади. Уларга тегишлиридан лаззатланишади. Чунки яранинг битиб кетишига тўскенилик қиласадиган ва уни узоқ муддат яشاшига замин яратадиган нарса бу – унга тегмоқдир. Улар ҳам буни билишади. Устларини қобиқ қоплашини ёқтирумайдилар. Ваҳоланки, қобиқ бу яранинг уйидир. Балки улар учун бу – қамоқхонадир? Одамларга қанчалар ўхшаш, шундай эмасми? Бизлар ҳам ўзимизга юпқа деворлари бўлган ва овозимиз ташқарига чиқмайдиган қамоқхоналар курдик. чўмилганда, ўлдирилганда, ўлганда, бақирганда ва ҳаттоки сукут сақлаганда овозимиз эшитиладиган, бироқ ҳеч ким эътиборга олмайдиган қамоқхоналарга айлантиридик уйимиз саналган ошёнларимизни...



Сенингча, майда кесиклар доимий из қолдириши қандай маънони англатади? Аслида, кичик бўлиб кўринадиган яралар ҳийла-найрангдир. Шунчаки улар ўз кучини ошкор қилмайди. Ярам қачондир тузалади, деб ўйлаганингда, уни қабул қиласан ва унга кўниб яшаш учун йўл излашдан тўхтайсан. Қачонки, ярага аҳамият берилмаганидагина, у ҳеч кимга заарар етказолмайди, деб ўйлайсан. Хўш, бу яраларнинг энг кичиги қайси бир эди?

Ҳозиргача кўп нарса ҳақида қайта-қайта ўйлаб, ўйларимни ўзимга душман қилдим. Биринчи нигоҳдаёқ пайқаб бўлмайдиган кичик тафсилотларни ўйлаб, миямни ачитишни ёқтирадим ва буни яшаш билан боғладим. Гарчи мен илгари бунга бир неча марта дуч келган бўлсам ҳам, сабабини билмаган ҳолда, ҳар сафар тўқнашганимда, ўзимни гўёки биринчи марта дуч келгандек ҳис қилардим. Ушбу ҳолатларни сен ҳам ҳеч бошдан кечирганимисан? Ўзингни гўёки илк бор ташқарига чиқаётгандек, илк бор ўз овозингни эшитаётгандек, илк бор дараҳтнинг соясига муҳтож қолгандек ҳис қилганимисан? Айтиётгандарим, албатта, ҳар бир дебочадан олдин содир бўлади. Ҳаётингни янгидан бошлишга қарор қилганингда, олдинги хатоларингдан ва йўқотишлирингдан ҳеч афсусланмайсан. Ўзингни ғайритабиий хотиржамликнинг ичидан топасан. Ўз ўрнида бўлмаган нарсалар ҳаётингни мураккаблаштиrsa ҳам, энди ҳеч нарса аввалги ҳолатга келмаса ҳам, уни соғинишингни билсанг ҳам, ҳаммасига қўл силтайсан.



Агар сенда бундай түйғу бўлмаса, демак, иккаламиз учун ҳали ҳам умид бор. Вақт деб аталадиган тўғри чизиқ билан яна йўлларингни ажрата оласан, деган умиддаман. Бу ғалати кутишнинг – чигал ва даҳшатли қолдиғи онгни қандай хиралаштираётганини тушунишинг учун лоақал мен каби онгингдаги кетишга бўлган телбанамо истакни бошқаришни ўрганиб, кўникмадим, деган нарсангга аллақачон кўникканингни, аслида, кўнишиб дегани инсонни ожизга айлантирмаслигини, аксинча, хотиржамлик бағишлишини ва жароҳатлардан асрашини тан олишинг керак. Бу ҳам менинг телбанамо фикрим. Чунки бу ваҳший қичқириқ ташқарига чиқиш йўлини топиши керак.



Ҳозир қалбим оғримаётгани туфайли жим турганим йўқ. Аксинча, бунинг қанчалик мушқуллигини, бир нарсани оз-оздан йўқотиш инсонни қанчалар хароб қилишини ва оз нарса билан кифояланиш нималигини билганим учун сукутдаман.

«Қобиқлар яралар ўзларини ҳимоя қилишлари ва овозлари ташқарига чиқмаслиги учун мавжуддир», деган эдинг. Якшанбадан душанбага ўтар кечаси эди ўшанда. Сен уйга бир неча ойдан бери кеч келаётган эдинг. Бир неча кундан бери эшикнинг ғийқиллашини эшитганимдаёқ, чироқларни ўчириб қўяр ва ўзимни гўё ухлаганга solaётган эдим, лекин ўша куни қўлга тушгандим. Чунки мен агар гаплашсак, ҳаммаси тугашини билардим. Кошки ўша куни ўрнимдан туриб, сигарет чекиши учун ошхонага кирмасам эди. Балки яна бир неча ойлар давом этармиди бир уйнинг ичидаги қадам изларимизнинг учрашиши... Биз ҳар хил вақтда сув ичган стаканларимизни идиш ювадиган машинага солардик ва лабларимизнинг изи бир муддатга бирлашиши, яраларимиз эса усти қобиқ қопланганини сезмас ва яна бир неча бор яширинишлари мумкін эди. Мен яна чироқларни ўчириб қўярдим. Сен ўзимни ухлаганга солишим учун эшикни иложи борича шовқин билан очардинг. Ўша оқшом даҳлизда учрашганимизда бир-биримизга қўрқув билан қараганимиз эсингдами? Орадан йиллар ўтди... Ҳақиқатан ҳам, ҳаммасини тугаганини тан олишдан бошқа чорамиз йўқмиди?



*Бир инсон бошқа бир инсоннинг изини дарҳол
ўчириш учун фурсат пойлаган бу дунёда мен сенинг
изларингни яширишдан чарчадим. Мен суйган
овозингни, табассумингни, муносабатингни, уйқунгни,
қадамларингни... Ўтинаман, ҳанузгача сенга тегишли
бўлган ҳеч нарсага қўл теккизилмаганини ҳис қил!*



Ҳалис Карабенли



Оддий нарсаларни ёқтираман. Масалан, қирларда очилган ва «ўз куч-ғайратим билан шу ҳолатга келдим», дегандек маъсум нигоҳлар билан боқадиган гулларни... Инсонларнинг эса миннат қилмайдиган тоифасини. Ўз кучи билан оёққа турадиганларни. Илк танишган пайтинг қандай бўлса, вақт ўтиб ўзгариб қолмайдиганларни...

Кўзлари туғма йўқ бўлгани сабабли ҳеч қачон ийғламаган бир инсонни билардим. Бир куни ундан «Умуман ийғлолмаслик қандай бўлади?» деб сўрадим. У рангларни билмасди. Жисмларни бир-биридан ажрата оларди-ю, аммо уларни кўролмасди. Қизиқ, катта стол унинг тасаввурида қанақа экан? Ёки бўлмаса, инсонни нимага ўхшатар экан? Унинг тасаввурида одам билан маймун ўртасидаги фарқ фақат думи бўлиши мумкин эди. Аммо мен буларнинг барчасини бир четга суриб, ийғлолмаслик қандай бўлишига қизиқардим. Аслида, ўзим ҳам кўзларим мавжуд бўлишига қарамай, ийғлолмасдим. Хўш, менинг ундан фарқим нима эди? Стол қандай шаклда эканини биламан. Инсон билан маймун ўртасидаги фарқларни ҳам биламан. Туғилганимдан буён кўзларим бор эди, лекин менинг ҳаётим сценарийси, содда бўлса ҳам, саккиз марта суратга олинган фильмларга жуда ўхшаш эди. Қайта-қайта бир хил ҳолатларни бошдан кечирардим.



Бир хил арzon ҳаракатлар, бир хил арzon жойлар, бир хил арzon севги изҳорлари, бир хил арzon меҳрибонликлар, айни тарқэтишлар, айни кутишлар...

Санаб ўтганларимнинг барчасини бот-бот бошдан кечирдим. Аммо йиғлолмадим. Қизиқ, йиғлаш учун нима қилиш керак? Кимнидир телбаларча соғиниш керакми? Ёки баҳтдан сармаст бўлмоқ лозимми? Ёки азоб чекиш даркорми? Менда ушбу учта вариантдан лоақал биттаси бўлиши керак эди. Ўтириб ўйладим: ҳаётимда қаттиқ азобланган оним бўлганмиди? Кимнидир соғиниб ўртанган ёки баҳтиёргигимдан оёқларим ердан узилган оним-чи? Умрим қайд қилиниб бораётган дафтарнинг зарварақларидан буларнинг ҳеч бирини тополмадим. Ҳаммаси бўм-бўш эди... Кўзсиз туғилгани учун йиғлолмайдиган одам мендан кўра баҳтлироқ туюлди.

У кулди. Юзимни қўллари билан пайпаслаганча, «Худди одамларга ўхшайсан», деди ва гапида давом этди: «Йиғлолмайдиган бошқа одамлар сингари сен ҳам бунинг сабабини изляпсан. Худо мени икки кўзсиз яратгани учун ҳамма нарсани қўлларим орқали ҳис қилиб, ўргандим. Ҳатто ҳидларниям... Масалан, толесизликнинг ҳидини биламан. Катта столни қандай тасаввур қилишимнинг нима аҳамияти бор? Ёки мени одам билан маймуннинг ўртасидаги фарқ фақат думида деб ҳисоблайди, деб ўйлайсанми?



Номга эга бўлган ҳамма нарса шунчаки кўриш қобилиятига эга инсонларнинг мажбуриятидир. Нима учун сариқ? Нима учун мовий? Нима учун яшил? Нима учун капалак? Нима учун денгиз? Шунча нарсага одамлар ном беришган бўлишса-да, улар ҳақиқатан ҳам номга эга бўлишлари ҳеч қачон ўйланмаган! Шунинг учун биз сўқирлар билан ҳар қандай нарсалар ва жонзотлар ўртасида янада мустаҳкамроқ алоқа мавжуд. Улар бизни ўзларига дўст деб билишади. Сизлар ҳеч қачон атроф-муҳитнинг товушига қулоқ солмайсиз. Сиз денгиз деб атаган ва бизга қатъият билан ўргатмоқчи бўлган нарсангизга ном беришдан бош тортамиз. Бизнинг ҳаётимиизда капалак деган нарса йўқ. Сариқ, мовий, яшил ёки ҳаворанг осмон деган тасвир ҳам мавжуд эмас. Бизлар шунчаки уларга қулоқ соламиз. Ҳидларини туямиз. Сўз берамиз. Улар ҳам бизларга одамларга қарагандек боқишмайди. Улар одамлар деб атайдиган маҳлуқотлар сизларсиз. Ҳамма нарсани биламан, деб ўйладиганлар. Йиғлаш учун баҳона қидирадиганлар. Тангри кўриш қобилиятини инъом қилган-у, аммо кўрган нарсаларининг қадрини билмайдиганлар... Сизлар шундай одамсизлар!»



Хеч нарса ҳақида чукур ўйлаб кўрмаслигингиз, ҳеч кимга ёрдам қўлини чўзмаслигингиз, разилликка гувоҳ бўлсангиз ҳам ранжимаслигингиз, ҳеч кимни соғинмаслигингиз, бирорни чиндан севмаслигингиз ва сира ўзгармаслигингизни деб сиз билан ёнма-ён ёки ҳамсуҳбат бўлолмаймиз. Шунинг учун йўлларимиз айро...

Эшикни қулфлагандан сўнг калитни қулфдан чиқариб, иш столимнинг ғаладонига солдим. Пардаларни ёпдим. Жигарранг пардаларни буткул ёриб ўтолмаган қуёш нури хонада оч жигарранг тусдаги қоронғуликни ҳосил қилди. Сукунатни ёқтирганим учун қўл телефонимдаги плейлистимдан севимли қўшиғимни қўйдим. «Dance me to the end of love» деб хониш қиласарди хонандалар. Жуда чиройли дуэт. Бир аёл ва бир эркак неча йиллар бурун айтилган қўшиқни қайта талқин қилган эдилар. Қанчалик ғалати бўлмасин, мен шу кунгача ҳамма нарсанинг биринчи талқинини севган бўлсан-да, негадир ушбу асл ҳолатидан бутунлай фарқ қиласиган ва мусиқаси бошдан-оёқ ўзгартирилган бу қўшиқка бефарқ бўлолмагандим. Анча вақтдан буён шу қўшиқни тинглардим. Стулга чиқиб, арқонни чироқ осилган темир илгичга маҳкам боғладим. Атрофга яна бир бор кўз югуртиргач, арқонни бўйнимга солиб, илмоқни тортдим.



Мен китобларимни кутубхонага беришларини исташим ёзилган сариқ ёпишқоқ қоғоз шундоққина рүпарамда, хонанинг икки узун деворининг эшик томонида осилиб турарди. Орқамни деразали узун деворга буриб олгандим. Ёпишқоқ қоғоз ёнидаги қишининг бемаъни ва арzon сурати бироз ўнг томонга қийшайиб қолганидан асабим бузилди-ю, аммо менга нима, деганча, тўғирлашдан воз кечдим. Чунки у билан андармон бўлишга вақтим йўқ эди. Аслида, ўша суратни аввалбошданоқ ёқтиргмагандим. Совға қилишгани учун мажбуран деворга осгандим ва шу туришда қолганди. Қор босиб қолган дараҳтлар, тоғ этагида йўқолиб кетган узун сўқмоқ, қизил қўлқопли бир аёл, музлаб қолган кичик дарё, эски ёғоч кулба, кулранг булатлар... Хуллас, мана шунаقا бемаъни бир сурат. Ўшанда ҳаяжон билан ҳадия қутисини очганимда, қалбим чилпарчин бўлган, аммо не деяримни билмагандим. Ичимда «Ланъати, бу нимаси?» деб бақиргандим, холос. Бу мен учун кутилмаган ҳолат бўлган эди. Масаланинг менинг завқим билан алоқаси йўқ. Бир йилдан бери бирга бўлган севгилим аслида, мени умуман билмаганлиги алам қилган эди. Миннатдорчилигимній изҳор қилиб, суратни деворга осдим, бироқ севган қизим билан орани очиқ қилишга қарор қилдим. Менинг назаримдаги қишининг тасвири тамоман бошқача. Жуда оддий: унда ҳаммаёқни қор қоплаган бўлиши ёки қалин кийинган инсонларнинг бўлиши шарт эмас.



Асосийси, ёпишқоқ қоғоз бемалол кўзга ташла-
надиган жойда эди. Унга бошқа ҳеч нарса деб ёз-
магандим. На видо, на узр, на нафрат, на севги...
Ортимдан ҳеч нарса қолдиришни истамадим. Бир
оёғимни стулдан кўтариб, ҳавода узатдим. Яна бир
кур атрофга разм солдим. Бироз аввал атрофни
кўздан кечирганим сўнгги марта дунёга боқишим
эмас экан-да, дея кулдим. Кейин гавдамни сал
олдинга сурдим. Стул енгилгина тебранди. Мен бу
тебранишни катта зилзиладан олдин содир бўладиган
кичик силкинишга ўхшатдим. Арқон бўйнимни
сиққани сари бўйнимга оғриқ бера бошлади. Гўё
митти қуртлар арқонни кемираётгандек товушлар
чиқарди. Шу дамгача айтишни истаб, аммо ичимдан
чиқолмаган нимаики бўлса, ҳаммаси бирдан бўғзимга
хужум қилди. Ташқарига чиқиш учун йўл излашарди.
Уларга қулоқ солмаслик учун, қизиқ, кесарча ке-
сиш операциясини ким ўйлаб топган экан, деб ўйла-
дим. Биламан, бу ўта аҳмоқона ўй. Аммо одам жуда
қўрққанида, унинг қўрқувини келтириб чиқарадиган
нарсалар ҳақида ўйлашдан ҳам қўрқади. Мени бу
қарорга ундан хаёллар билан қайтадан юзлашиш
муваффақиятсизликка олиб келар эди. Шунинг учун
кесарча кесиши операцияси ҳақидаги ўй билан ўзимни
чалғитиши ғояси яхши фикрдек туюлди. Танамда
қават-қават терининг остидан чиқиш учун тинмай
типирчилаган чақалоқнинг бўғилишини ҳис қилдим.
Бу ҳис менга сира бегона эмас. Кун ора шунга ўхшаш
нарсаларни бошдан кечирардим. Тушларим ҳам худ-
ди шундай эди.



Баланд тепаликдан қулаб тушардим. Ҳар қанча учишга ҳаракат қилмай, оёқларим тупроқقا күмиларди. Очиқ мовий денгизда сузарканман, сув бирдан қоп-қора тусга киарди ва мени ўз домига ғарқ қиласарди. Кесарча бир нажот эди. Онасига боғланган томир чақалоқни ўлдиради. Мени эса ҳаётга боғлаб турган туйғулар ўлдираётган эди. Мен танишган ҳар бир одам янги томир эди ва кундан кунга мени овозлари, кўллари ва кўзлари билан бўғиб қўйишарди. Ушбу арқон айни дамда менинг халоскоримга айланган эди. Катта хатолик ўз-ўзини тузатишини ўз жонига қасд қилиш деб аташ мумкинми? Мумкин эмас... Чукур нафас олдим. Арқон қаттиқ тортилгани сабабли жонимга азоб берарди. Хўш, нега ўз жонимга қасд қилиш учун шу йўлни танладим? Муаммо фақат мени бўғиб қўядиган томирлардамиди? Масалан, кўлимга гул экилган тувакни олиб, бешинчи қаватдан пастга сакрасам бўларди. Гул билан ўз дафн маросимимни безаган бўлардим, ёмонми? Ундан ҳам қизифи, тувак ерга бориб тушганидан кейин чилчил синар ва ичидаги тупроқлари устимга сачрарди. Шунда ўз мурдамнинг устига ўзим тупроқ тортган бўлардим. Ажойиб ўлим! Ёки бошқа танловми? Хонани газга тўлдиришми? Бирорта кескир асбоб-чи? Дори миқдорини ошириб юборишга нима дейсиз? Иягим остига милтиқ тираб, тепкини босайми? Ёки сен ҳақингда ўйлаш? Сени ўйлаш... Сени ўй...

Ҳануз стулнинг устидаман. Озроқ гавдамни орқага тортганим учун энди у тебранаётгани йўқ. Нега орқага чекиндим?



Нима мен ҳар доим энг завқли дамда чекинишим керакми? Гапиришим керак пайтда жим бўлиш, қарашим керак вақтда кўзларимни олиб қочиш, кетишим жуда муҳим бўлиб турганда қолиш... Нима учун? Мен гавдамни яна олдинга силжитиб, стулнинг оёғини тебратишим керакми? Қизик, стул ҳам ҳаяжондамикан? Ахир, у учун ҳам бу ҳолат биринчи марта юз беряпти. Хўш, давом эта оламанми? Стулнинг тебраниш сабаби лаззатланишдан кўра кўпроқ айбдорлик туйғуси бўлиши мумкинми? Агар мен стулнинг ўрнида бўлганимда, завқимдан чапак чалган бўлардим. Ўз тажрибаларимдан олган сабоқларим асосида айтишим мумкинки, мен ҳеч қачон ортга чекинмас ва охиригача борар эдим. Менга нима? Агар кимdir мендан фойдаланган тарзда қадрсиз ҳаётини тугатмоқчи бўлса, нима бўпти? Ҳақиқатан ҳам бу менинг қўлимдан келармиди? Бу ҳолат кўчанинг нариги тарафига ўтаётганда кўр одамнинг қизил чироқ ёнганда юришидан фарқи борми? Айни дамда менинг юрагимни нима қўзғаётганини биламан: менинг шафқатсиз ва хунук томоним «Хаёлингга келган ҳамма нарсани қилишинг мумкин, лекин бизни ўлдирма! Бизда ҳали ҳам имконият бор» деб, бақирмоқда. Пешонамдан оқаётган тер ёнғоқ рангидаги пакетнинг устига томади. Бирон томчи бошқа жойга тушишига йўқ қўймайман. Кичкина сув ҳавзаси ҳосил бўлмоқда... Ҳаво ҳарорати ўттиз даражадан юқори, лекин мен роса совқотяпман. Ҳали май ойининг ўртасида турибмиз. Сўнгги йилларда ҳар доим шундай бўлган. Негадир ҳаво ҳарорати мавсумий меъёрдан юқори эди.



«Мен қўрқардим, жон беряпман, деб ўйладим. Шундай бўлиши муқаррар эди, лекин негадир яхши ёки ёмон бўлсин, инсон ўзи хоҳлаган нарсасининг чегарасига етганида, ҳали бунга тайёр эмаслигини тушуниб, дарҳол воз кечиши мумкин. Буни бир қўлим билан маҳкам ушлаган арқонга қараганимда тушундим. Агар ўйлаган ишимни бажаролганимда, арқон ҳозир бўйнимни бўғиб турган бўларди. Нафасим бўғиларди, оёқларим ҳавода типирчиларкан, эҳтимол икки қўлим билан арқонни бўйнимдан бўшатишга уринардим-у, аммо буни эплолмасдим. Кўзим девордаги қоғозга тушди: менинг кичик васиятим... Қизик, китобларимнинг янги эгалари кимлар бўлар экан? Остига чизган жумлаларим менга муҳим бўлгани сингари уларга ҳам муҳим бўладими? Уларнинг аксарияти биринчи нашр қилинган китоблар эди. Мен уларни эгаларидан сотиб олган эдим. Баъзи сатрларнинг остини мендан олдин ўқиганлар чизиб қўйишган эди, лекин мен бошқа жойларини ёқтирган эдим. Эҳтимол, мендан кейин ҳам шундай бўлар Чунки ҳамма бошидан бир хил нарсани ўтказса-да, уларнинг хулосалари турлича. Оч жигарранг қуёш нури аста-секин қора зулматга йўл очиб берар ва кўз қорачиқларим кенгаярди. Сўнгра мен учун на ёруғликнинг, на ҳароратнинг аҳамияти бўлмасди. Бир неча соатдан кейин мен бутунлай совиб қолардим. Улар эшикни синдириб, ичкарига киргандарида, «Ё, Худойим», деб оёқларимни қучоқлашар ва ҳали умид бор, деб ўйлашган бўларди.



Бўйнимдаги арқон қолдирган из – менинг ўлганимнинг аниқ исботи бўлар эди, аммо улар барибир тез ёрдам чақиришарди. Хонамда нотаниш кишилар оёқ кийимларида юрганча, менинг ўлимим сабабларини топишга ҳаракат қилишарди. Бугун якшанба... Прокурор уйидан келиб, «Бу ярамаслар келиб-келиб якшанба куни ўзларини ўлдиришади», дермиди? Ёки бу ишни навбатчи прокурорлар кўриб чиқишиармиди? Тез ёрдам машинасининг олдида сигарета тутатганча: «Бу одамни ёшлигидан биламан. Ўзи ғалатироқ эди. Охири шундай бўлиши аниқ эди», деб ғийбатимни қиласиган маҳалладошим, уйдагиларимга бу ҳақида хабар берарди. Мен кундалигимга сен ҳақингда ёзишим ва шу тариқа ўз жонимга қасд қилишга уринишим мумкин эди, лекин бу ҳам муваффақиятсизликка дучор бўлар эди.

Қани эди, деразалардан бирини очиқ қолдирсам. Қани эди, ҳаётда оддийроқ яшашга уринсам. Ҳамма нарсадан маъно излашинг, ҳамма нарсага бошингни қотиришинг, кимларнидир ранжитмаслик учун ўзингни бўлакларга бўлишинг, сукутингнинг сабабини англатишга уринишинг, сендан охирги имкониятни беришингни сўраганларга ҳар бир имконият кўп ҳолларда инсоннинг ўзининг қўлдан чиқарган имкониятлари эканини жуда кеч тушуниб этишинг сенга ўта оғир бадал бўлиб гарданингга тушади. Сен имконият берган одамлар ўз ҳаётларида яшашда давом этаркан, сени унутишади. Бунга аҳамият бермагандек яшаш эса сенинг, ҳаётингдан жуда кўп ижобий жиҳатларни тортиб олади...



Агар ўша куни кечирмаганимда ва қилган ишларининг барчасини юзига айтганимда, мен уларнинг ўйинларига тоқат қилишга мажбур бўлmas ва ўзимни пасткаш одам каби ҳис қилмаган бўлар эдим. Сен ҳам ҳеч қўрққанмисан? Ҳозир ўлиб қоламан, деб ўйлаганмисан? Бирорни айблаш қанчалик осон! Ҳозир айнан шу ишни қиляпман. Аммо ғайриоддий муқаддиманинг бундай одатий охири тоқат қилинадиган нарса эмас. Алданиш ёки алдашнинг берадиган оғриғи бошқа оғриқларга ўхшамайди. Бу ерда ўзимни алдаш ҳақида гапиряпман.

Сен ўз тананг, ўз овозинг ва ўз юрагинг билан ўзингни алдаяпсан. Ўзингга ёқмаган кишига тегинганингда, ёқтиргмаган одаминг билан гаплашганингда ва севмаган кишингни қучоқлаганингда, юрагинг ҳеч нарсани ҳис қилмаслиги шундан. Қайси биримиз бир-биримизни ёки ўзимизни кўпроқ алдадик? Биламан, сен ҳам озмунча ўлибтирилмадинг. Бирордан кам қийналмадинг. Аммо кошки ўзгармаганимда ва ўзлигимча қолганимда эди. Чунки сендан ташқари, мен ҳеч қандай қарор қабул қилишда иккиланмаганман. Бундан ташқари, менинг қарорларим қандай бўлишидан қатъий назар, уларнинг ҳеч бири олдиндан қабул қилинган қарорлар бўлмаган. Мен қилган ҳар қандай иш режасиз ва тўсатдан содир бўлар эди. Тўртинчи курсда университетни ташлаб кетдим. Ҳеч бир сабабсиз... Лавозимга кўтарилиш арафасида турганимда истеъфога чиқдим. Бу ҳам сабабсиз...



Масалан, сендан олдинги севгилимини бағримга узоқ босиб ўтирар эканман, у билан алоқани узишга қарор қылдим. Кетаман, деб очиқ айтмаганман-у, лекин буни ошкор қилишдан ҳам тортинмаганман. Негалигини билмайман. Баъзан уни ҳиддолмасдим. Гоҳида овози бегонадек туюларди. Сен билан ҳам буларнинг барчасини бошдан кечирган бўлсам-да, бутунлай воз кечолмадим. Гўёки оёқларимни ўзингга боғлаб қўйганга ўхшардинг. Худди менинг овозим билан гапираётгандек эдинг. Юзингга қараганимда, ўзимнинг қиёфамни кўрадим. Ҳатто ифоринг ҳам қўпинча менинг ҳидим билан бир хил бўларди. Агар сендан кетадиган бўлсам, ўзимдан кетган бўлар эдим ва қайтиб ҳеч қачон ўзимга келолмасдим. Ҳозир ҳам мени ушлаб турган куч сенсан; агар бу арқон яна бироз тортиладиган бўлса, у сени ўлдиради. Танамни бироз олдинга суриб, орқамда қолдирган васиятимга эътиборимни қаратганча, ҳавога қадам ташлаш мен учун қанчалик қийин бўлади, деб ўйлайсан? Балки бу ишим сенга қўрқоқликдек туюлар. Билмайман, балки сен ҳақдирсан. Эҳтимол, менинг томирим на онамга, на отамга ва на бошқаларга эмас, биргина сенга боғлангандир? Ишон, ҳозир менинг ёнимда бўлишингни жуда хоҳлардим. Кўзларимнинг тубтубига боқишингни ва менга қарши чиқишингни истардим... Аммо менинг телефонимдаги жавобсиз қолрилган ўнлаб қўнғироқларнинг ҳеч бири сендан эмас.



Бир неча кундан бери ҳеч ким билан гаплашмаяпман ва хонамдан чиқмаяпман. Худди стол ғаладонига солинган қалит каби кераксизман ва сир-асрорга тўламан. Нима учун одам ўзига нисбатан шафқатсиз бўлиши лозим? Аслида, бу муҳим эмас. Чунки азоб чекишининг чек-чегараси йўқ. Ўтган йили қишининг бошида камина хиёбонда учратиб қолган бир одам бор эди. «Худо уларнинг жазосини берсин. Ахир, инсон ҳаёти бу қадар арzon матоҳ эмас-ку!» деди у менинг ёнимга ўтиаркан. Ўқиётган китобимни ёпиб, нотаниш одамнинг юзига боқдим. У менга ҳозиргина айтган гапини гўё сира гапирмагандек хотиржам турар эди. Унинг ёши чамаси етмишларда, икки қоши орасидаги чизиқ анча чуқур, сочининг кўп қисми тўкилган, тўкилмай қолган қисми эса аллақачон қор каби оппоқ тусга кирган, нафақат юрганида, балки ўриндиқда ўтирганида ҳам йиқилиб тушмаслик учун таянган ҳассасини икки кафтининг орасига олганча, рўпарамиздаги боғнинг ҳовузига термилиб ўтиарди. Ерга тўқ-тўқ урган ҳассасини ҳавода кўтарганча, бироз аввал айтган сўзларини қайта такрорлади. Тиззасини қашиганидан сўнг, чап қўлини нимжонлиги ҳатто шимининг ичидан сезилиб турган тиззасига қўйди ва кўзларимга қаради. Унинг нигоҳи ўткир ва тешиб юборгудек эди. Ҳатто одамни бироз ваҳимага солиб қўярди. Менимча, ҳеч ким унинг кўзларига икки сониядан кўпроқ вақт қараб туролмаса керак.



«Одамларга ҳеч қачон ишонма. Агар уларнинг хатоларига бир марта гувоҳ бўлсанг, дарҳол орани очиқ қил. Акс ҳолда, сен ҳам мен каби бемаъни ҳаётнинг бир қисмига айланасан ва умрингни бехуда ўтказсан», деди.

Мен Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» асари ни ўқиётган эдим. Бу асарни менга сен тавсия қилгандинг ва «Биз ҳақимиздаги барча саволларга мана шу китобдан жавоб оласан», дегандинг. Биримиз жиноятчи, биримиз жазо! Бунинг нима фарқи бор? Жиноят билан жазо бир-бирига боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини келтириб чиқаради. Албатта, бирон бир жиноят жазосиз қолмаслиги керак, аммо сенингча, барча жиноятларга берилаётган жазолар одилонами? Бири иккинчисини ҳақ ёки ноҳақ тарзда ўлдиради ва биз жазо деб атаган тушунчамиз жиноятчини маҳв этади. Барибир... Булар ечиб бўлмайдиган муаммолар. Чол қўлимдаги китобга қараб: «Булар чўпчаклар! Ҳеч кимда виждон қолмаган. Бошқаларнинг ҳаёти ҳеч кимса учун қадрли эмас. Ҳеч ким китобдаги меҳроқибатни эсламайди, лекин қотиллик ёки севги саргузаштларининг барча тафсилотлари билан ёдларида сақлаб, илк дақиқалардаёқ бунга қўл уриб кўришади. Чунки ҳамманинг ичидаги бир қотил яшайди. Ҳар ким ўзи хоҳлаган инсони билан бирга бўлиши мумкин. Дунёдаги энг беғубор нарса бу – тирик чақалоқнинг туғилиши.



Аммо ҳар бир янги туғилган чақалоқ яширин жиноят машинасидир. Бизлар остида турган ушбу фалак ёлғонлар билан ўралган. Ҳатто булатлардан ёмғирнинг ўрнига ёлғонлар ёғмоқда!» деди.

У худди мен каби телба эди. Агар мен кексайишгача борсам, аниқ унга ўхшаб қолсам керак, деб ўйладим. Мен нима дейишни билмасдим. Тўғрироғи, нимадир дейишим керак ёки йўқлигига ишончим комил эмас эди. Агар масала покликка тақаладиган бўлса, бу кекса одам ҳам бегуноҳ эмаслиги кундек равshan эди. Чунки у менга беришга ҳаракат қилган ўгитлари ёки ғазабининг портлаши, шубҳасиз, унинг бошидан кечирганларининг натижаси эди ва жиноятга кўз юмиш ўша одамни камида худди жиноятни содир қилган шахс каби айборрга айлантиради. Нима учун одам ўз ҳаётини маҳв қилишларига кўз юмади? Бунча бағрикенглик ким учун? Ҳа, мен ҳозир қўрқяпман. Масалан, қаттиқ қўрққан пайтим кўзларим пирпирашини пайқаб қолдим. Бундай ҳолат илгари бўлмаган эди. Хўш, унда илгари ҳеч қачон чин маънода қаттиқ қўрқмаган бўлишим мумкинми? Эски шаҳардан қайтиб келғанимизни эсла: йўл бўйидаги далаларда сариқ ўт-ўланлар бор эди. Сенга бирон сўз демасдан, машинани бир четга тўхтатиб, ўша бепоён кенгликка термилгандим. Ёнимга келиб, энди оғиз жуфтлаганингда, бармоғим билан яшил рангдан сариқ тусга кириб ултурган майсазорга ишора қилиб, «Кўряпсанми, табиат олганларини қайтариб беради», дегандим ва сен йифлагандинг.



Кейин эса «Ҳаётдан ўлимнинг ҳиди келади, азизим», дегандинг. Кетишиңгни сезганимни билгандинг. Биласан, сукут – бу кетишиңи англатади. Аммо мен содир бўлган воқеа-ҳодисаларга эътибор бермайман, буни ҳам биласан. Бошимиздан кечирганларимизни оғир юк деб ҳисобламайман. Чунки қабул қилишим керак бўлганларнинг илк дебочасини ўзим яратдим. Яъни сенга, кет ва ҳаётингни янгидан кур, деганимда, ҳамма нарса аллақачон тугаган эди. Менинг чекимга тушган нарса думимни тик тутиш эди. Худди дайди итларнинг жангига жароҳат олган кўпакнинг қочаётиб ириллаши сингари. Шундай қилишга мажбур эдим. Тўғрироғи, сен мени бунга мажбур қилдинг. Бизнинг орамиздаги муносабат соялар ўйинига ўхшарди. Парданинг орқасидаги ўша қўринмас қўл бизга азоб берарди.

Биз гўёки у нимани хоҳласа, ўшани бажараётган-дек эдик. Сен ҳам ҳали тайёр эмасдек кетаркансан, иккаламиз ҳам бунинг учун нақадар ошиққанингни сезиб турардик. Ушбу хотима ҳаётингда янги дебоча учун замин яратишини билардинг. «Оғриқ йўқолмайди», деганингда, беижтиёр кулиб юборганимга ғазаблангандинг. Ўшанда оғриқнинг йўқолмаслигига эмас, бошқа нарсага ғазаблангандинг. Сен ҳис қилаётган дарднинг ҳақиқатлигига мени ишонмайди деб ўйлардинг. Аммо ундан эмас. Лекин... Сенда янги пайдо бўлган нарсалар менда доимо ўсиб боришини ҳамда сендан олдин ва сендан



кейин ҳамиша менда тақрорланиб туришини, мен ҳаётга нисбатан ўзимни мағлубиятга учраган ва ютқазгандек ҳис қилишимни тушунишиңг сен учун унчалик мушкул бўлмаслиги керак.



Мен буни қандай тузатишни биламан. Агар бир кун мен яна бутун борлиғим билан кимгадир тегишли бўлолсам, ўзимга келаман. Сен ўзингни эслатиш учун ортингдан жуда кўп нарсалар қолдирганинг каби, мен ҳам сенга ортимдан мени эслатадиган жуда кўп нарсалар қолдирдим. Агар мени ёлғиз қолдириб бирон-бир ноҳақликинг қасосини олаётган бўлсанг, сенга кераксиз тасалли бермоқчиман; негаки мен доим сенга мағлуб бўламан. Ўтиб кетди, деган дардинг сени бутунлай тарк этганида, ўзи билан бир қанча бўлагингни юлиб кетади ва сен ҳаётингда эришиш учун шошилган аммо барибир кечикканларингга назар ташлайсан. Хато қилма, ўзинга бунчалик ишонма...

Ушбу ақлий толиқишдан дам олишим керак! Ўлимнинг нимаси ғалати? Агар шу саволни ўзимга беролсам, тортинчоқлигим, албатта, йўқолади. Шундоқ ҳам бир куни ҳамма нарса йўқ бўлиб кетмайдими? Эҳтимол, ҳамма нарса вақт билан боғлиқдир. Менинг вақтим ҳозирми? Сеники қачон? Бошқаларники-чи? Агар ҳозир ўлишни истасам... Йўқ! Лабларинг четидаги кичик ажинлар ҳақида ўйлашни истамайман. Қандай қилиб бир ажин баъзан бепоён кенгликка ёки баъзида жарликка ўхшаб кетиши мумкин? Жуда ғалати... Қаршимда турганингга қарамай, сенга теголмадим. Танам ва онгимнинг истаклари бир-биридан жуда фарқ қиласлиги эди; айни лаҳзада айни ҳолатнинг ичидаги бўлишим қийин эди.



Кўз ўнгимда жонланган ҳамма нарса тез орада жон таслим қиласди. Ҳатто бирин-кетин ўлик болаларни дунёга келтирадик. Чунки сен ҳам шундай эдинг. Агар хоҳласанг, менга тегишинг мумкин эди. Аммо бунинг кераги йўқ эди, шундай эмасми? Негаки, бир ниҳояни бошлаш бир дебочани бошлашдан кўра анча қийинроқ. Биз шимнинг рангига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган шимнинг ямоғидан фарқ қилмадик. Улар ямоқ уяладиган нарса эмаслигини бизга уқтиришади, аслида, ундей эмас. Ямоқ имконсизликдан келиб чиқади. Севгида ҳам худди шундай. Ортга қайтиш кўпинча муваффақиятсизлик билан яқунланади. Камдан-кам ҳолларда ҳамма нарса ўз измида ҳаракатланади. Камдан-кам ҳолларда хафагарчиликлар унутилади. Йўқ, бу унутилмайди! Шунчаки баъзилар буни яширишни эплайди, холос.

Пастга тушамизми? Албатта, бўйнимдаги арқонни олиб ташлагандан сўнг... Васиятим ёзилган сариқ қоғозни яна бир марта ўқиб чиқиб, дарҳол чиқитга чиқаришим мумкин. Аввал пардаларни очаман. Кейин стол ғаладонига соглан калитимни олиб, эшикни очаман. Ташқарига чиқаман. Ҳаводан кўкламнинг ҳиди келиб турибди. .

Кўрқяпман. Кўзларим пирпиräяпти... «Dance me to the end of love» қўшиғи жуда чиройли. Бир куни, албатта, эшитиб кўришинг керак.



Ёки биз бирга эшитишимиз керак. Эски шаҳардан қайтаётиб... Ўтинаман, мени бу томирдан қутқар! Мен аллақачон пардаларни очиб, ўша сариқ қоғозни йўқ қилдим. Чунки «ҳаёт ҳеч нарсага қарамай, гўзалдир, севгилим!»...



Қаерда бўлсам ҳам, доимо дераза ёнидан жой топишга ҳаракат қиласадим. Ҳеч қачон ўзимни ўша ерга тегишили деб ҳис қилмасам-да, доим щундай бўлган. Чунки бу менинг тиқилиб қолган жойимдан чиқиб кетишимнинг ягона йўли эди.

Энди мен деразадан самога қарайман. Сен ушбу кулранг осмон остидасан. Буни юрагимнинг ҳаприқишидан сезаман. Юрагимнинг сабрсизлиги билан қадам товушларинг бирлашиб кетади. Бир уйдасан. Бўйнинг билан жағинг бирлашган жой ҳали ҳануз дунёнинг бошланғич нуқтасидир. Сен ҳам гўё фалакни тутмоқчидек бармоқларингни чўзасан. Шунда юрагинг ҳаприқиб кетади. Мен буни эшитаман.



Ҳалис Карабенли



Тан олайлик, севгилим. Биз бир нечта қўшиқларни бошқалар билан тинглаганмиз ва севганмиз, лекин ҳар доим бир-биrimizni ўйлаб, ғам чекканмиз.

Унинг қовоқлари узун киприкларини қандай қилиб кўтариб юришига ҳайрон қолган эдим. Унинг ғалати жозибаси бор эди. Шунинг учун бироз эҳтиёткорлик билан разм солдим. У ҳам сира нигоҳини олиб қочмай, менга қараб турарди. Аммо иккаламизнинг бир-биrimизга тикилишимизнинг сабаблари бошқа-бошқа эди: мен ундан қочиб қутулиш учун бирон имкон қидирадим, у эса мендан бир лаҳзага нигоҳини узиб қўйса, гўё мени йўқотиб қўйишини ўйлаётгандек эди. Балки у ҳақдир. Йўқ, аслида, у адашаётган эди. Чунки иккаламиз ҳали бир-биrimизга тегишли эмасдик. Мен ўзимни кўринмас нарсанинг таъқибига тушиб қолгандек ҳис қиласдим. Атрофимни қанақадир қўллар ўраб олгандек эди ва мен унинг менга бундай қарашидан ўзимни ноқулай ҳис қиласдим. Бу таниш нигоҳлар менга бошқаларни эслатиб юборарди. Мен доим бир нарсага дуч келардим: дастлаб яқинлашиш учун меҳр ва қизикувчанликка йўғрилган ҳаракатларнинг ўрнини қисқа вақт ичидаги кўникмалар эгалларди. Шу пайтгача ҳеч қачон адашмаганман. Ҳеч ким менинг ёнимда қолмаган. Бу, аслида, уларнинг мен билан қолиш масаласи эмас эди; балки мен ҳеч ким билан қололмасдим.



Хўш, бу сафар бошқача бўлиши мумкинмиди? Агар мен унга ўзимни топширсам ёки ҳеч бўлмаганда, ўзимни бўш қўйиб берсам, чиндан ҳам қолишим мумкинмиди? Мен ҳар доим ҳаракат қиласардим, аммо бундан бирон иш чиқмасди. Худди илгари бошдан кечирганим каби, бор кучим билан боғланмоқчи бўлсан ҳам, кўп ўтмай, бу ўйинни бузардим. Бунга кўпинча кичик тафсилотлар сабаб бўлган. Улар менга тезда ўрганиб қолишларини ҳисобга олмасам, ақл бовар қилмайдиган ва тузатиб бўлмайдиган хатоларга дуч келдим; деб айтолмайман. Лекин ўша майда-чуйдалар – мен истаган ва хаёлларимда жонлантириб, эришишни истаган ҳолда, етишолмаган нарсаларим кўз олдимдан сира кетмасди. Албатта, менда ҳам одатланиб қолган нарсалар бор эди. Масалан, мен ҳаётимга кирган ҳар бир аёлга бир хил маржонларни тухфа қилганимни англашим. Буни атайлаб қилмагандим, лекин негадир ҳар сафар бир хил нарсани танлагандим.

Мени тингла... Ердан топган нон ушоғини атрофга олазарак боқканча, қўрқиб еяётган қушга ўхшаб, ҳатто хотиржам ҳолатимда ҳам қалбим доимо ҳушёр туради. Мени тушун! Мен ҳар доим нимадир чаппасига кетишидан қўрқаман, асабийлашаман. Ғалабаларга одатланмаганман. Дарҳақиқат, мен ўзим ҳаёли бўлган нарсани сақлаб қолиш учун бутун ҳаётим давомида курашдим, холос.



Мен бирорни севищдан ва севилишдан йироқман. Хато қилганимда, мени кечиришмади. Ҳайрат билан кетаётганларни кузатдим, улар сингари тарк этишни эплолмадим. Мен хотираларимдан бир яранинг қонини тозалаш мақсадида фойдаланмадим.



Сиз бир четда турганча, нимани кутиш ёки кутмаслигингизни билган ҳолда кутасиз. Ҳеч кимга зарарингиз тегмайди, лекин ҳатто бу ҳам одамларнинг ғашига тегади. Улар ўзларининг севгисизликлари нақадар қўрқинчли эканини ҳатто сезмайдилар. Йўқотган нарсангизнинг устига азоб қўшадиган нарса ҳам шу...

Яхшиликнинг эвазига доим ҳам яхшилик қайтмаслигини, лекин аслида, бунинг аҳамияти йўқлигини, виждан поклиги қанчалик қадрли эканини, хотираларни ҳурмат қилишни, кўп йиллик хотираларни булғашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини, чунки хотиралар ҳам одамлар каби ёлғиз ўzlари яшашини, улар вақт туфайли эмас, bemexrlikdan ўлишини, бир гулга қараб хафа бўлиш ўrniga, бу гул кимни ва нима учун эслатиб юборганини, ёдимга муҳрланиб қолган ажойиб ифордан тўйиб ҳидлашни, осмонга одамга қарагандек тикилишни, энди ўзим билан курашмасликни, ўзимни жазоламасликни, ҳар кимга қўрсатган эътиборимни ўзимга қаратишни, бундан кейин ўзим билан жанжаллашмасликни, севишни, гўзал севишни, яна севишни, бирорни жавобсиз бўлса ҳам севишни, дардимдан қўрқмасликни, аксинча, уни бағримга босишни ўргандим. Мен ҳеч қачон ғазаб, садоқат, муҳаббат ва айрилиқни сўнгги заррасигача totganimdan афсусланмайман...



Мен ўз хатоларим билан мақтандырылмайман, лекин мени мен бўлишимга сабабчи бўлган ва юксалтирган, баъзида мени бурдалаган неки бўлса, барчасидан розиман. Тез-тез тўхтаб орқамга қарасамҳам, барибир яна юрагим тупроғида юраман. Ҳеч кимга боғланиб қолмайман. Ҳаётимга ҳеч кимнинг аралашишига йўл қўймайман. Ўша голос дараҳтларининг баргларига тегаман. Мен ва сен севган... Соғиндим, дея бақираман, лекин овозим эшитилишига йўл қўймайман... Уни ўша ерда қолдираман... Яна севгим, хатоларим ва унинг хатолари билан.



Ҳалис Карабенли



Мужалла

«Бу ердан қутулишнинг иложи йўқ!» дедим. Овоздим борича бақирдим. Ҳаммомда эдим. Залга ўтиб, деразани тўлиқ ёпмасдан, бироз очиқ қолдирдим. Шамол пардани бир ўнгга, бир чапга қараб ҳилпиратарди. Деразани очишм билан залнингэшиги қаҳр билан ёпилди. Натижада деворда осиғлиқ турган суратни ерга улоқтириди, аммо михга кучи етмади. Кейин қафаснинг кичкина эшигини очдим. Илгари мен билан сира суҳбатлашмаган сариқ тукли тўтиқушга озодлик йўлини кўрсатдим. Тўтиқуш иккиланиб қафас эшигига яқинлашди ва хуркак нигоҳлари билан менга қаради: «Бу ҳазилми?» дегандек туюлди. Сочиқ билан соchlаримни қуритар эканман, йўқ, деган маънода бошимни чайқадим. Тўтиқуш ҳам вақтни бой бермай парвоз қилишга шошилди, аммо-лекин муваффақиятсизликка учраб ерга йиқилди. У учишни унуглан ва айни дамда жуда асабий эди. Йиқилганида чап оёғи лат егандек, бироз ҳаккалаганча яна бор кучини тўплаб, бир силтov билан ҳавога кўтарилди. Синов парвозидан ўтаётган учоқлар сингари у ҳам зал бўйлаб бир неча марта пастлаб парвоз қилганча, дераза ва парда орасидаги кичик тирқишдан учеб чиқиб кетди. Ҳатто орқасига ҳам қарамади. Зотан, аллақачон қош қорайиб қолганди.



Дарҳақиқат, қуш қоронғуда ҳам уча олармиди? Менга нима! Бу унинг муаммоси эди. Агар унинг шу қоронғуда ҳам кетишга журъати етган бўлса, демак, орамизда даҳшатли адоват бўлган бўлиши мумкин. Ёки бу унинг табиий ҳуқуқига киравмиди? Ахир, унга имконият берган мен эдим ва бунинг жабрини мен тортишим керак эди. Бироқ мен энди ҳамма нарсани ўйлаб яшашдан чарчадим! Ҳаётни ўз ҳолига ташлашнинг ўрнига, доим воқеа-ҳодисаларга аралашиб юрдим. Кучим етмайдиган нарсаларни ўзгартиришга ҳаракат қилдим ва оқибатда ўзимниям, бошқаларниям чарчатдим. Ҳозир қилаётган ишим бундан фарқ қиласидими? Ўйлашимча, мен ҳали ҳам ўша жойдаман. Аммо битта фарқ бор: бугун мен ўзимни аяб, ҳаммага кўрсатиб қўйган шафқатсиз томоним билан ёнма-ён вақт ўтказаман! Кўрайликчи, мен ҳақиқатан ҳам ҳамма айтганидек тоқат қилиб бўлмайдиганлар туриданмикинман? Бундан ташқари, ушбу келишув охирида ким омон қолишига жуда қизиқяпман. Асрнинг бокс мусобақаси сингари, шундай бир эълон бўлса ҳам ёмон бўлмасди:

«Қадрли бокс ихлосмандлари! Муҳаммад Али шу ерда! Биз барча имкониятларимиздан фойдаланган ҳолда, сиз азиз меҳмонларимиз учун унинг ўзини шу ерга олиб келдик. Бунинг учун ўн миллион доллар бердик. Бу ҳатто кўргазма ўйини эмас. Оёқда тик қолган боксчи ғалаба қозонади. Ғолиб бўлганга содиклик билан қасамёд қиласиз!



Ғолиб сизнинг қалбингиизга эгалик қиласиди. Аммо ифлос танангиз яна ўзингиз билан қолиши мумкин. Сиз ибодат қиласиган худбинликларингиз қанчалик заиф эканини тушунасиз! Агар сиз булардан күрксангиз, ҳозироқ зални тарк этинг!»

Аслида, мен бироз аввалроқ, яъни тўтиқушга учиб кетиши учун имкон бермасимдан олдин ўзимга ишонар эдим. Шафқатсиз томонимни кўйиб туриング, агар подшоҳ келса ҳам, албатта, мен ундан устунроқ бўлардим. Чунки агар хоҳласам, шафқатсиз томонимдан ҳам кўра шафқатсизроқ бўлишим мумкин эди. Ёлғон гапириб нима қилдим, бу борада тўтиқуш менинг шаштимни бироз туширди. У ҳеч қаерга кетолмас эди! Менсиз сариқ чақачалик қадри йўқ эди. Унга мен қарапдим. Овқатини берардим нонкўрнинг! Уйни тутиб кетган паталоқ ҳидига тоқат қиласидим. Ҳеч қачон гапирмайдиган ва ҳатто товуш ҳам чиқармайдиган сариқ тукли кичкина шайтон! Кетсанг, кетавер! Бас, етар! Бугун яширадиган ҳеч қандай сир қолмасин! Ҳа, мен мутлақо ҳақман. Мен ҳатто жуда ажойиб инсонман! Буни менга сиз айтдингиз! Ҳой, менинг ҳаётимга кирганлар! «Мен сенсиз ҳеч кимман» деганлар... «Яхшиям борсан» деганлар... Кетганлар! Аслида, ҳеч қачон бор бўлмаганлар! Юрагимни синдирганлар! Мен юрагини синдирганларим! Ҳа, майли... Бугун менинг куним! Ҳисоб-китоб куни. Шу сабабдан, ҳойнаҳой, унинг ҳам айтадиган гаплари бўлса керак, дея соям менга яқинлашиши учун чироқларни ёқдим ва пайдо бўлган соямни қучоқлаб, унинг ҳидидан нафас олдим.



Ишлатадиган атиrimизни билмадим-у, лекин танамизнинг ҳиди бир хил эди. Ҳали мен бирон сўз айтиб улгурмай, менинг соям телевизор олдидаги уч кишилик диванга чўзилди ва қаҳва столининг устидаги беш юз сахифадан иборат китобни олиб ўқий бошлади... Унга қараб:

– Тўхта, бугун гаплашамиз, – дедим.

Соям бўлса, оёқларини йиғиштириди ва полда ётган расмга қараб:

– Ҳамма гаплашадими? – деб сўради.

– Ким бор бўлса – ҳамма – дедим.

– Ётоқхонадаги кўзгуни унутдинг, – деди соям кулганча.

У ҳақ эди.

Шамол ҳозиргина шиддат билан ёпган эшиқдан ижозат беришини сўраб, йўлак охиридаги ётоқхонага қараб кетдим ва шкафдаги думалоқ, қизил ҳошияли, оёқлари калта кўзгуни олиб, залга қайтдим. Эшик «Секинроқ ёп!» дея огоҳлантириди. Мен эса бармоқ учларим билан уни оҳиста итарганча: «Қўрқма, бу кеча ҳаммага одам каби муомалада бўламан» дедим... Эшик наҳотки дегандек юзини буриштириди ва қулфнинг тилини оғзидан чиқарганча, оҳисталик билан ёпилди.

Ётоқхонадан олиб келган кўзгумни соямнинг ёнига қўйдим ва бирон нарсани унутмадимми, деган хаёлда атрофга кўз югуртиридим.



Сурат, девордаги мих, девор, эшик, соям, күзгу, бүш қафас ҳамда бир-бири билан тинимсиз кураш олиб борадиган дераза ва шамол менга диққат билан тикилиб туришарди. Ҳаммаси ўша ерда эканига ишонч ҳосил қилған, соям ва күзгу жойлашган уч кишилик ўриндиңнинг бир четига бориб ўтиредим. Дераза билан шамол бир овоздан: «Бу қанақаси?! Бизга орқангни ўгириб ўтирединг-ку!» дея эътиroz билдиришди. Мен ортимга ўгирилдим ва уларга қараб: «Сиз шундоқ ҳам орқамдан гапиришга одатлангансиз!» деб яна олдимга қарадим.

Ҳисоб-китоб қилишнинг айни вақти келган эди. «Сен!» дедим полда ётган суратга қараб, сурат күзларини ишқалаганча менга қаради. Суратда яrim яланғоч аёлнинг тасвири бор эди. Аёл елкасидан то белигача яланғоч ҳолатда, белидан тиззасигача оқ чойшаб билан ўралган эди. Унинг соchlари қизғиш, күзлари эсаденгиз қирғозини ювган сув singarитиниқ ва мовий эди. Бу на юракни қитиқлайдиганчалик жилвакор, на бефарқ ўтиб кетадиганчалик одатий тус эмас эди. Гүё мовий тұслар бирлашган-у, уларнинг барчаси ўзларининг энг чиройли қисмларини ажратишган ва натижада мовий рангнинг ҳали кашф қилинмаган тури пайдо бўлган эди. Аёлнинг малоҳатли кўриниши бор эди. Териси оппоқ ва учлари тўлқинсимон қизғиш соchlари елкалари узра ёйилиб турарди. Негалигини билмадим-у, аммо уни чизган одам аёлнинг ёнида мева идишини ҳам тасвирлаганди.



Идиш ичидә банаң, анор ва иккى дона олма бор эди. Суратга қараб:

– Исминг нима? – деб сүрадим.

– Шунча вақтдан бери исмимни сўраш энди хаёлингга келдими? Мен Мужалламан – деди. Исми ҳам ўзи каби ғалати эди.

– Жудаям хурсандман. Бипасдан кейин сенга қайтаман – дейишим биланоқ девордаги мих гапга аралашганча:

– Салом, мени эса мих деб аташади – деди ва бироз аввал девор улоқтирган суратга қараб: – Мужалла, сиз жудаям гўзал аёлсиз! – деди.

Мужалла эса:

– Миннатдорман. Сиз жуда бағрикенгсиз. Мен сизга шунча вақтдан бери юк бўлиб келдим, – дейиши ҳамон бу сафар суҳбатга девор аралашди:

– Иҳм-иҳм! Аслида, сизни қўтариб турган мен эдим. Сиз бу михга эътибор берманг. Мен саккиз йилдан буён кечалари доим сизни қучиб ухладим. Ўйлаб кўринг, эгнингизда деярли кийимингиз йўқ, лекин шу дамгача совқотган пайтингиз бўлдими? – деди.

Мужалла михга қараб:

– Шу гап ростми? – деб сўради.

Мих ўзининг занглаған бошини қашлаб:

– Бу менга нисбатан адолатсизлик! Мен саккиз йилдан бери оёқларимни деворга тираб тўраман. Агар мен бўлмаганимда, у сизни бир зум ҳам ушлаб туролмас эди! – деди.



Михнинг гаплари мутлақо нотўғри эмасди, лекин деворни пастга уришга уринишини ҳам сира тўғри деб бўлмас эди. Бу масала янада катталашишини билганим ва бу кечада асосий масала ўзим эканимни уларга эслатиб қўйиш учун:

– Шахсий муаммоларингиз тўғрисида кейинроқ гаплашасиз. Агар мен билан боғлиқ бирор муаммонгиз бўлса, бироздан сўнг ҳаммангизга сўзлаш хуқуқини бераман! – дедим ва учаласини ҳам оғзини ёпдим.

Овозим жуда қатъиятли эди. Ушбу қатъият олдида улар ҳеч қандай эътиrozсиз сукут сақлашди.

Мужалла ёнидаги мева идишдаги олмалардан бирини олди ва шундай деди:

– Мени чизган одам етмиш ёшли хаста кекса чол эди. У юзларимни ва қўлларимни кўп марта ўзгартирди. Ҳаттоки «Бўлди, сурат якунланди», дея имзо қўйган куни у менинг ўнг қўлим суратда тиниқ тасвиrlанмаганини пайқаб, яна бошидан бошлади. Кўриб турганингиздек, ёнимда мевалар солинган идиш бор, бироқ у пичоқ чизишни унутди.

– Мен анчадан бери очман. Сендан илтимос, аввал олмани ювиб, пўстини тозала ва тилимла, – деб у олмани менга узатди.

Олмани ювиш ва тилимлаш учун ошхонага боришим керак эди. Эшикка қарадим, эшик:

– Ҳозир эмас, – деди ва калитни чап томонга икки марта бураб, ўзига қулф солди.



– Кўряпсанми, Мужалла? Ҳозир вақти эмас экан!
– дедим. Мужалла эса норози қиёфада олмани мева идишга қайтариб ташлади. Кутитмаганда:

– Мен билан боғлиқ яна қандай муаммойингиз бор? – дедим.

Ҳаммаси яхши кетаётгандек эди, лекин ҳеч ким гапиришни истамасди. Мен улардан бирини танлашни хоҳламадим. Улар бу масъулиятни ўз зиммаларига олишлари ва нега норози эканларининг сабабини тушунтиришлари керак эди. Лекин қайси бири? Ҳар доим шундай бўлган, жим, десанг – гапиришади, гапир, десанг – мум тишлазади. Бу сукунат яна узоқ вақт давом этиши мумкинлигини тахмин қиласканман, иттифоқо соям билан кўзгу бир вақтнинг ўзида гапиришни бошлади.

– Битта-битта гапиринг, – дедим, яна ўша қатъиятли товуш оҳанги билан.

Соям кўзгуга қараб:

– Рухсатинг билан мен бошламоқчиман, – деди.

Кўзгу ҳам:

– Менга қарасанг, ўзингни кўрасан. Модомики, аввал сен гапирмоқчи экансан, шундай бўлақолсин! – деди.

Кўзгу бу ҳолатдан унчалик мамнун бўлмаса ҳам, соям гапира бошлади:



– Сен билан боғлиқ муаммом шундан иборатки – соя бўлиш ўта жирканч ҳолатдир! Мен доим сен биланман. Сен нима қилсанг, мен ҳам шуни қиласман. Фақат қоронғу тушгандағина, ўзим билан ёлғиз қоламан. Нур сенинг юзингни силайди, мен эса ҳар доим сенинг орқангда бўламан ва истаган киши мени босиб ўтади. Мен сен ёқтирган нарсаларни ёқтиришга мажбур эмасман. Сен борган жойларгаям боришга мажбур эмасман. Бу ҳаётдан тўйдим. Сен билан бирга туғилдим, лекин сен билан бирга ўлишни истамайман. Ҳамма нарсага қўл силтадим. Бироқ мен Мужаллани севаман, сен эса бундан бехабарсан. Саккиз йил давомида суратдаги чангни бир мартаям артиб қўймадинг. Мен тезроқ бир ўзим алоҳида уйга кўчиб ўтишни истайман! Ахир, мен ҳам ўттиз саккиз ёшдаман! – деди.

Мен унинг гапларини ўйлаб қўрдим. У баъзи жойларда ҳақ эди. Аммо агар менга ўз соямни танлаш имконияти берилганида, мен уни танлармишим? Кейин Мужаллага «Сен бунга нима дейсан?» деган маънода қарадим. Мужалладан садо чиқмади.

Кўриниб турибдики, у ҳам соямнинг фикрларига хайриҳоҳ эди. «Аслида, у гўзал аёл», дея қўнглимдан ўтказдим ва соямга юzlаниб:

– Сен ишлаб, пул топишинг керак. Доимо ҳамма нарсадан боҳабар бўлишинг керак. Азоб чекасан. Кўплаб бадаллар тўлайсан. Оила қурасан, фарзандларинг бўлади. Агар оила курмасанг, нега ҳалиям сўққабошсан, деб сўрашади. Қўлингдаги



стаканни синдириб қўйсанг, бармоғинг кесилади. Қорнинг оч қолади, совқотасан. Сенингча, ёлғиз яшаш осонми? Ҳозир бошқа дўстларингнинг дардига қулоқ сола туриб, чиндан ҳам шуни хоҳлайсанми ё йўқми, яхшилаб ўйлаб кўр? Хоҳласанг, сенга бир яхшилик қиласман. Мужалланинг ёнига бориб турман ва шу аснода сен уни бағрингта босасан, – дедим ва диққатимни кўзгуга бурганча, «Қани, энди сен гапирчи?» – дедим.

Кўзгу эса соямга айтган гапларимдан сўнг бироз ҳадик ва хавотир аралаш гапира бошлади:

– Аслида, мен сенинг устингдан кўпам шикоят қилмоқчимасман.

Бор-йўғи, мен шкафнинг устида туришни ёқтирамайман. Шахсий ҳаётингнинг ҳар бир дақиқасига гувоҳ бўламан. Масалан, сен ўзингни жуда муваффақиятли, деб ҳисоблайсан, лекин ётоқхонангдаги саргузаштлар нақ фалокатнинг ўзи! Сен чўмилиш учун чиқиб кетганингда, орtingдан гапирмаган бирорта аёлни кўрмадим. Билмадим, тушунтиrolяпманми?

Мен уларнинг гапларини ортиқ эшитишни истамайман. Шунинг учун мени қўп кирмайдиган хонангга кўчир. Ўша ерда узлатга чекинишни ва кўрган-эшигларимнинг барчасини унутишни истайман! – деди.



Кўзгу ҳар доим ҳақиқатни ошкор қилишини билганим учун ундан сира ғазабланмадим. Аммо яна бир бор, менинг ҳаётимга кирган ва менга табассум қиласидиган, лекин юзимни ўгиришим билан орқамдан гапирадиган одамлардан нафратландим. Мен ҳар доим улар менинг ёнимдалигида ва менга айтаётган сўзларида самимий деб ўйлардим. Хўш, мен ҳаммага нисбатан самимий эдимми, буни ҳам алоҳида муҳокама қиласиз.

– Яхши, – дедим кўзгуга.

Кейин дераза билан шамолнинг ёнига бориб: «Навбатингизни кутинг. Сизларга бироздан сўнг сўз навбатини бераман», дедим ва анча илгари ўзим дераза олдида қолдирган беш-олти сантиметрдаги михни олиб, Мужалланинг ёнига қайтдим. Девордаги Михга қўлимдаги михни ишора қилиб: «Мих михни тортиб олишини биласанми?» дедим.

– Бу ишингга олтин таёқ билан уриш дейишади. Сен менга очиқчасига таҳдид қиляпсан. Бу нимаси, ахир, ҳисоб-китоб бўлиши керакмасмиди? Ҳозир ўзимни хавфсиз ҳис қилмас .эканман, мендан ҳақиқатни айтишимни қандай қилиб талаб қилишинг мумкин?
– деди Мих.



Афуски, бу сафар ҳам Мих ҳақ эди. Мен унга очиқасига таҳдид қилгандим. Аммо нима учун? Қайдам! Балки мен Сојмнинг ҳамтовоғига айлангандим. Чунки Сојм Мужаллани яхши кўрар эди ва бундан олдинги сухбатда Мих Мужаллага кўз олайтирган эди. Йўқ, аслида, Мужалла Михга кўз сузган эди! Ичимда «Вой, бузуқи!» демоқчи бўлдим-у, лекин бу фикр ўта аҳмоқона эканини фаҳмлаб, дарҳол қўлим билан оғзимни ёпдим. Агар воқеанинг бошига қайтадиган бўлсак, Михни Деворга қоққан, Деворнинг жонига азоб берган ва натижада Мужаллани Михга осиб, нотўғри йўлга бошлаган мен эдим. Мен қўл урган ушбу ноҳақликлар занжирини бироз яшириш учун кўриб турганингиздек, бироз аввал Михнинг, Сојмнинг ва Деворнинг номларини худди муҳим аҳамияти бордек катта ҳарфлар билан ёзишни бошладим. Чунки мен очиқасига узр сўролмайман. Ҳеч кимдан! Агар ўзимга нисбатан ноҳақлик қилган тақдиримда ҳам, ҳатто ўзимдан ҳам узр сўрамаган бўлардим. Шунинг учун сира кутилмаган тарзда уларга илтифот кўрсатиб, гўёки пора бергандек бўлдим. Бу қилган ишим тўғрими? Йўқ! Хўш, бу узр сўрашнинг ўрнига ўтадими? Агар мен бўлганимда, ҳеч қачон бундай узрни қабул қилмасдим.

Чуқур нафас олгач, қўлимдаги михни чўнтағимга солдим ва бўш кафтларимни Девордаги Михга кўрсатиб: «Энди бемалол гапиришинг мумкин», дедим. Мих эса:



– Мени дўкондан олиб, деворга қоқиб қўйганингга роппа-роса саккиз йил бўлди. Ўша кундан бошлаб, оёқларим деворнинг ичидаги туравериб уюшиб кетди. Ҳатто аста-секин қорасон касаллигига чалинаётганга ўхшайман! Қолаверса, бир аёлни кўтариб туриш осон эмас. Буни ҳаммадан ҳам яхши сен биласан! Ҳаттоки шу пайтгача мен унинг юзиниям кўрмаганман. Агар сен ўрнимда бўлганингда, шундай ноҳақликка чидармидинг? Вақти-вақти билан Мужаллани устимдан олиб, бирпаст дам олишга рухсат беришингни истардим, – деди.

Михлар ҳам бир кун келиб чарчайди, деб сира ўйламагандим. Эҳтимол ҳозир қилаётган ишим ғирт телбалиқдир ёки ўзимни қондириш ва ёлғизлик дардидан қутулиш мақсадида шу ўйинни ўйлаб топгандирман. Ўша пайтда мен Михга аҳамият қаратишим керакмиди ёки менсимаслигим керакмиди, билмасдим.

– Агар мен сени қурилиш ашёлари дўконидан олиб келмаганимда, эҳтимол, сен ҳозир иккита тахтани бирлаштирган оддий металл бўлаги бўлардинг ва ҳаётинг тахталарнинг орасида ўтарди. Сен ҳақиқатдан ҳам шундай бўлишини хоҳлайсанми? Ҳеч қачон кўролмасанг ва тегинолмасанг-да, ҳар он гўзал аёл билан биргасан. Менимча, бу имкониятни сенга тухфа қилганим учун мендан миннатдор бўлишинг ва Мужаллани кўтариб турганинг учун шикоят қилмаслигинг керак, – дедим.



Мих одатдагидек бошини қашлаб: «Мен жавобими ни сал кейинроқ айтмоқчиман», деди.

Кўриниб турибдики, тун ҳали узоқ давом этади. Девор кутиб қолгани учун жуда безовталанаарди. У бошқа чидаб туролмади ва худди кўнглимдагини ўқиб тургандек:

– Қанчалар аҳмоқона ҳолат! – деди. Мен ҳам:

– Сен шунчалик ақллимисан? – дедим. Девор:

– Кўпам маҳмадоналиқ қилма! Агар хоҳласам, ҳозирнинг ўзида қанотларимни худди ёпаётгандек қилиб, тўрт томонимни бир ерга йиғаман ва ҳаммангизни эзиб ташлашим мумкин. На шифт, на замин сизни мендан қутқариб қололмайди! Мен бу вазиятдан чарчадим. Мени бу аҳмоқона ишингизга аралаштирманг. Агар билсангиз, сизни совуқдан, заараркунанда одамлардан, кучли шамоллардан ва бошқалардан ҳимоя қиласдиган, Мужаллани кўтариб турадиган мана менман, лекин мен ҳеч қандай шикоят қиласдиган! – деди ва сўзини ҳали тугатиб улгурмасдан, Эшик гапга суқилди:

– Ўзингга у қадар бино қўйма! Сенинг тўрт томонинг ғиштдан иборат! Агар мен бўлмаганимда не ҳол юз берарди, сен бу ҳақида сира ўйлаб кўрдингми? Одамлар на ичкарига кира олишарди, на ташқарига чиқа олишарди. Ҳатто сал олдин ошхонага ўтишигаям рухсат бермадим. Бу уйнинг энг муҳим қисми – менман! – деди.



Уйнинг ичидағи муҳит чиндан ҳам кескинлашиб бораётган эди... Тинғир-тинғир куй янграб турса, ёмон бўлмайди, дея девордаги рафдан телевизорнинг пультини олиб, мусиқий канални ёқдим. Мусиқа зал бўйлаб таралгани сари ҳамма астасекин тинчлана бошлади. Деворнинг гапларида жон бор, унинг ўрни жуда муҳим эди. Ҳатто масосафадан бошқариш пультини ҳам унинг устидан олган эдим. Фақат унинг шунчалик муҳимлигини очиқасига тан олсан, ўзида худди инсоний хулқ-авторини жам қилиб, дарҳол ҳаммамизнинг устимиздан хукмронлик қилишга уриниши турган гап эди. Мен бунга изн беролмасдим. Чунки бу ернинг хўжайини менман. Деворнинг, Михнинг, Соямнинг, Кўзгунинг, Эшикнинг, Мужалланинг, Қафаснинг, Деразанинг... Лекин шамол тўғрисида бундай деёлмайман. Унинг феъл-автори хоҳлаган пайти жуда кескинлашиши мумкин ва уни қўл ушлаб туриш мумкин эмас эди. Қандай бўлмасин, мен Девор билан Эшик ўртасида сулҳ тузишим керак эди. Буни тинчлик шартномаси деб ҳам атashимиз мумкин. Қолаверса, иккаласи гап талашиб қолишгани учун Эшик мен билан бўлган муаммоларни унуган эди. Ёки Эшикнинг мен билан боғлиқ муаммолари йўқ эди. Мен бу мавзу ҳақида бошқа гапиришни истамаётгандим. Чунки ҳали навбатда Дераза, Шамол ва Қафас бор эди. Ҳали улар нима дейишини билмасдим. Кераксиз ҳисоб-китоб намойишини бошлаганимдан афсусланаётгандим.



Қўшиқ тугаши билан Эшик:

- Сен сўрамасингдан олдин ўзим айта қолай, - деди. - Биз девор билан боғлиқ муаммомизни ўзимиз ҳал қиласиз. Лекин сен ўйлаяпсанки, агар қўлингда калит бўлса, хоҳлаган эшигингни очишинг мумкин. Аммо бир ўйлаб қара, сен менинг қулфимни неча маротаба ўзгартирдинг? Неча марта калитинг синди? Ёки мен калитингни неча марта атайлаб синдиридим, деб ўйлайсан? Мени қўйиб тур, сен уйингга келганларнинг ҳаммасига шундай муомала қиласан! Ўзингни ҳамма нарсани билгандай қилиб қўрсатишинг, лекин сен биламан деб ўйлаган нарсаларинг бошқа одамлар томонидан қабул қилинмаслиги ва улар сени доимо четлаб ўтишлари ва сен буладан хабардор бўла туриб, уларга бир оғиз ҳам норозилик билдирамай, бу кулгили ўйинни ўйнашда давом этишинг улардан ҳам кўпроқ сени ерга уради. Эътибор бердингми? Бир эшик учун қандай узун жумла қурдим. Булар сенинг гапларинг. Сен ҳаётингга кирган ҳаммага шундай муносабатда бўласан. Ошхонага киришни хоҳлаганингда, шунинг учун рухсат бермадим. Сен хоҳлаган ишингни, хоҳлаган пайтингда қилолмайсан. Кўриб турганингдек, ҳатто оддий эшиккаям кучинг етмади... Айни дамдаги хушмуомалалигинг, девор билан бўлган мунозарамизда жим туришинг ва индамай бизнинг бир-биримиз билан низога киришишимизни айёрлик билан кузатишинг ҳам назаримдан четда қолмади. Девор тўғри гапирди. Бу аҳмоқона мажлисдан нимани кутяпсан? Бунга ҳақиқатан ҳам қизиқяпман!



Деворга керакли жавобни бериш мақсадида илк ўйлаган нарсам, таъсири ва қатъий оҳангда гап бошлиш эди. Лекин бу вазият мени буюмлар билан тенглаштирган эди. Девор билан Эшик ўртасидаги тенгликни ҳисоблар эканман, ўз номимга тўғри келмайдиган жуда кўп иллатларимни англаб етгандим. Бу жараён Кўзгунинг нутқидан кейин бошланганди. Соям билан Мужаллага унчалик аҳамият бермайман. Чунки улар ҳам камида мен каби худбин эди.

– Тан олишим керак, сенинг узун жумлаларинг жуда таъсири ва айни пайтда ҳақиқатни ўз ичига олган. Сенинг ҳаққоний сўзларинг натижасида мен ўзимни синчковлик билан кўриб чиқиш имкониятига эга бўлдим. Аммо бир нарсани кўздан қочирдинг – агар бир инсон ўзига қаттиқ ишонса ва айни пайтда кучли кўринишга уринаётган бўлса, бу ўзини ҳимоя қилишнинг бир туридир. Бир хонанинг ичида яшаш осон. Охир-оқибат, хонанинг ичида жойлашган ҳамма нарса бирмунча вақт ўтгач, бир-бирини қабул қилишга мажбур. Чунки уларнинг бошқа чораси йўқ. Сизларнинг кўпчилигингиз менинг қўлимдасиз. Агар хоҳласам, ҳозироқ Мужалланинг юзини худди жасад каби бирор газета вароғи билан ёпиб қўйишим мумкин. Ёки Михни Девордан қисқич билан суғуриб олиб, деразадан ташқарига улоқтираман.



Мен учун деворнинг ҳам сиз иккингиздан бирон бир фарқи йўқ. Агар мен бу уйдан кўчиб кетсам, сизлардан ҳам қутуламан. Бу истак-хоҳиш билан боғлиқ бўлган ҳолат. Агар асосий гапимни давом эттирадиган бўлсан, сизлар шу тўрт девор ичидаги бир-бирингизни яхши биласиз ва борингизча қабул қиласиз. Лекин биз одамлар бундай эмасмиз. Биз ҳар доим катта низоларнинг ичидамиз. Янги юзлар ва янги овозлар бизнинг ҳаётимизга доимо кириб келади ҳамда ҳали бу юзларни ва овозларни таниб улгурмасимиздан, яна ҳаётимиздан чиқиб кетади. Шунинг учун одамлар вақт ўтиши билан ўзлари учун ҳимоя механизмини ишлаб чиқадилар. Кимдир буни гапириш орқали, кимдир жим туриш билан амалга оширади. Мен гапиришни танладим. Сиз ҳозир мен билан гаплашиш орқали бунинг яққол далилини кўриб турибсиз. Агар мен ҳозир сизга кулгили туюлган ишни қилмаганимда, сиз менинг ёлғизлигимни ҳеч қачон англамаган бўлардингиз. Мен ҳам сизнинг мавжудлигингизни кундан-кунга одатий ҳолга айлантирадим. Масалан, сен: «Бу кеча ҳаммага одамдек муносабатда бўламан» деганимда, оддий эшик бўла туриб нега бунчалиқ асабийлашдинг ва инсон бўлишни хоҳламадинг? Чунки инсон бўлиш даҳшатли. Сизлар мен билан бирга яшайсиз ва бунга гувоҳ бўласиз. Бунча ёлғонларнинг ичидаги одам бўлгандан кўра эшик бўлишни танладинг. Бу ишинг қўрқоқлик бўлмай нима? Қайси биримиз жасурроқмиз? Сен ҳам буни ўйлаб кўр, – дедим.



Бу узоқ сұхбатдан кейин Эшикнинг юзидағи тунд ифодани күришингиз керак эди. Худди тилини ютиб юборгандек! Вақтни бой бермасдан, «Сенинг навбатинг!» дедим ва Дераза томон бурилдим. Мен унга бир неча кундан бери оч қолган ва ниҳоят, улкан сахрода ўз ўлжасига дуч келган йиртқич ҳайвон каби қараётганимни ҳис қилдим. Сұхбатлар бошланганидан буён мен ўз нұқтаи назаримни деярли ўзгартирмадим. Худди Деворда қоқилиб турған Мих сингари ўз жойимда қимирламай ўтирадим, яъни Мужалланинг ёнида. Балки бу Соямга нисбатан күрсатған садоқатим эди. Ёки залдагиларнинг күпчилиги күз ўнгимда бўлгани учун, мен у ерда ўзимни қулай ҳис қилардим. Дераза худди ниманидир синдириб, онасидан яширинганд қитмир бола каби парда ортида туради. У жуда хижолатли оҳангда:

– Кўпинча шамол асабимга тегади. Баъзида мени кунлаб очмайдиган пайтларинг бўлади, ана ўша вазиятда менинг қанотларим уюшади. Ойналарим эса ҳаракатсизликдан сиқилади. Бинобарин, бир куни эрталаб мени ҳайратда қолдир ва пардани охиргача очиб қўй, токи мендаям зални кўриш учун имконият яралсин. Бу сенга ғалати туюлиши мумкин, лекин мен қачон қарама, ташқарини томоша қилишдан чарчадим. Ичкарида нималар содир бўлаётганига қизиқаман. Худди бир инсон тинмай ўзини ойнада кўриши каби ўзимдан чарчадим. Мен ҳам қарши томондаги бинолардан бошқа нарсаларни кўришни хоҳлайман. Мени тушуняпсанми?



Бундан ташқари, ичкарига тоза ҳаво жуда кам киргани сабабли Мужалланинг нафаси қисила бошлади. Қисқаси, таклифимни ўйлаб қўрсанг, бу кўпчилик учун яхши бўлади, – деди.

– Мантиқий фикр, – дедим ва: – фақат баъзида шамол шунчалик қаттиқ бош кўтарадики, столнинг устига қўйган қоғозларим учиб кетади ва бу менга умуман ёқмайди, – деб қўшиб қўйдим. Дераза:

– Бунинг ўёли осон. Қоғозларнинг устига ўша ерда турган биронта оғирроқ, лекин ичи бўм-бўш китоблардан бирини қўясан. Ана шунда китобнинг ҳам манфаати теккан бўлади. Замона ёзувчилари юзлаб саҳифадан иборат роман ёзишади, лекин ўқиб қўрсанг, ичида қуруқ севгидан бошқа нарса йўқ. Бу замонавий маданиятнинг натижасидир. Ўкувчиям бунга эътибор бермайди. Қачон муқовасида ранг-барангликни қўрса, дарров ўшани сотиб олади. Қадимий услубдаги эски китобларни соғинаман. Баъзида сен ўзинг ёзган ҳикояларни баланд овозда ўқиётганингда, овозингни ва ҳикояларингни ҳайрат билан тинглайман. Сен ҳам китоб чиқаришинг керак. Ўйлашимча, ҳозирги пайтда сен каби ёзадиганларга эҳтиёж катта, – деди дераза.

Гўё менинг уйим уй эмас, жиннихона эди. Узун жумлалар қурадиган Эшигим, худди иккита дорилфунунни тугатиб, Америкада докторлик унвонини олгандек аниқ-равшан фикрлайдиган Деразам ва сурат ичида кўп йиллар давомида оч қолган оғатижон аёл бор эди. Мен шу қадар таъсирландимки, ёзган, лекин

ҳали китоб ҳолида чиқаролмаган ҳикояларим ҳақида ўйладим. Деразам ҳаммасидан ҳам ақлли бўлиб чиқди. Ким билади, балки сал кейинроқ, Шамол ва Қафас ҳам мендан яширган маҳоратларини бирма-бир намоён қилишар.

Мен дарҳол Дераза олдига бориб, пардан суриб қўйдим ва Деразанинг тавақаларини охиргача очдим. Шу онда Деразанинг худди одам сингари кўксини тўлдириб нафас олганини сездим. Дераза ташқарисида сўз навбатини кутаётган Шамолга қараб:

– Кўрганинг ва эшитганингдек, Дераза ҳам худди мен каби сендан унчалик мамнун эмас. Энди сенинг навбатинг. Мен яна ўз ўрнимга қайтаман. Гапиришни бошлишинг мумкин, – дедим ва ўша ердан Мужалланинг ёнига қайтаётиб, қаҳва столининг устидаги қоғозлар учиб кетмаслиги учун уларнинг устига қалин китобларнинг бирини қўйдим. Деразанинг танбеҳига қулоқ солган эдим. Шамол мен Мужалланинг ёнига етиб бормасимдан гапиришни бошлади. Унинг овози жуда ёқимсиз эди. Худди комикслардаги қотил Фредди Крюгер ёнимга келиб, темир тирноқларини ойнага ишқаётгандек туюларди.

Қани эди, у нима гапи бўлса, тутун орқали тушунтиrsa эди, умид қиласманки, унинг сўzlари Эшик ва Деразанинг сўzlари сингари узоққа чўзилмайди. Мен бунга тоқат қилолмайман ва менга бошқа файласуф керак эмас, дея кўнглимдан ўтказдим. Шамол:



– Мен хаёлингдан ўтказганларингни ўқий оламан,
– деди ва ёқимсиз товуши билан давом этди:

– Биринчидан, шуни билишингни истардимки, мен Дераза учун ноқулайлик туғдиришим табиий ҳол. Мен қор, ёмғир, чанг ва тупроқни учирив келиб, унинг юзига сочаман. Ҳа, баъзида унга, агар хўжайнинг сенинг тавақаларингни икки томонга очганида, ҳозир буларнинг ҳаммаси сенинг юзингга урилмас ва ҳеч бўлмаганда, бир қисми уйнинг ичига қираарди, дейман. Сен билан ҳеч қандай муаммом йўқ. Сен ким бўпсан? Бир нечта сатр ёзиб қўйдим ёки дилбар хушторларим бор; деб ўзингни ҳаммадан ажралиб турман, деб ҳисоблайсанми? Сен такаббур, умидсиз ва кўпинча тушкунликка тушиб юрадиган одамсан. Айт-чи, юзингни сийпалаганим учун, бир кун бўлсада, мендан миннатдор бўлганмисан? Ҳеч қачон! Сен фақат ўзингни ўйлайсан. Доимо безовтасан ва ҳар доим атрофингдаги одамларни безовта қиласан. Бор гапим шу. Мен кетаман. Зора менсиз иссиқда қолсанг, ақлинг кирса, – деди ва менинг гапиришимга имкон ҳам қолдирмай кетди.

Дарҳақиқат, у шу қадар ғазабланиб, назоратдан чиқиб кетдики, Деворга суюниб турган Мужаллани юзтубан ҳолатда ерга улоқтириди. Мужалла ерга йиқилиши билан залнинг ичи бақир-чақир ва қичқириқларга тўлиб кетди. Гўёки қиёмат қўпгандек эди...



Ҳамма ҳар томондан «Мужалла, яхшимисан? Ҳеч қаеринг лат емадими?» дея сўрашар, Соям эса биринчи марта мени ташлаб кетиб, Мужалланинг ёнида тиз чўкиб туради. У шунчалик ожиз эдикӣ, Мужаллани қўллари билан ердан кўтармоқчи бўлар, лекин буни эплолмасди. У ёлғиз ўзи ҳеч нарса қилолмаслигини билгач, менга ўгирилиб: – Илтимос! – деди. – Илтимос, уни ердан кўтариб қўй. Сен ҳақсан, мен сенсиз ҳеч нарса қилолмайман. Лекин сен ҳам менсиз яримтаюримта ва ёлғизсан! – деди.

Соям ҳам ожизлигини тан олиб, ҳам менга бўйин эгмаётган эди. Баданларимизнинг ҳиди бир хил бўлгани каби, феъл-авторимиз ҳам бир хил эди. У тик туришга ҳаракат қиласар, лекин кичрайиб бораётганини сезмасди. Ҳа, у худди менга ўхшарди. У менинг бир бўлагим эди. Менинг эгизим ва менинг қоронғу тарафим...

Мен ҳам кўп пайсалга солмай, Мужаллани эҳтиёткорлик билан ердан кўтардим ва «Хоним, яхшимисиз?» дедим. Шу ҳолатда Соям ҳам унга тегди. Бир маънода, бу қуидагиларни англатарди: мен кимга тегсам, Соям ҳам унга тегарди.

Мен буни аллақачон билгандим, лекин ўша пайтда мен Мужаллани ердан кўтарарканман, у мен теккан ҳамма нарсага тегиши мени жуда безовта қилганди. Бу фикрлар, эҳтимол, менинг телбалигимнинг энг юқори даражасидир?



Нихоят, навбат Қафасга келганди. Бу олтин рангдаги, баландлиги қирқ сантиметрга яқин, шифт деб аталадиган ери масжид гумбазини эслатадиган кичкина қамоқхона эди. Мен унга қанчалик күп қарасам, «Ақли бор бўлган қуш бу ерда яшолмайди» деб ўйлардим. Ёки шунинг учун ҳам ақли жойида бўлмаган одамларга «Сенинг қушчалик ҳам миянг йўқ», дейишадими? Ҳеч қандай жиноят қилмаган бўлса-да, қандай қилиб бир жониворни бу қадар шафқатсизларча қамаш мумкин? Тасаввур қил, қанотларинг бор, аммо учолмайсан? Оёқларинг бор, лекин юролмайсан! Буларнинг ҳаммаси етмагандек, уй эгаси ҳам сен билан гаплашишни хоҳлайди. Умринг тугаётган лаҳзада ҳам худди шу қафасда сассиз жон таслим қиласан. Бундан-да жирканч ҳаёт бўлмаса керак.

Албатта, бу Қафасдаги тўтиқуш ҳаётининг тасвири эди. Аммо Қафас-чи? Қизиқ, буларнинг барчасига гувоҳ бўлгани учун Қафас ўзини қандай ҳис қилиши мумкин? Аслида, ҳамма гап шунда эмасмиди? Бунча тортишувлар ва ички курашувлардан кейин мен Қафас билан ҳисоб-китоб қилишни хоҳламаётган эдим. Бироқ ўртада берган ваъдам бор эди ва бу ваъдани бажаришдан бошқа иложим йўқ эди.



Мен Қафас билан гаплашишга тайёрланар эканман, ўз навбатини ўтказиб юборгандар ва берадиган жавобларини сал кейинга сақлаб турганлар ҳам гапни нимадан бошлишимни қизиқиши билан кутиб туришарди. Ҳалигача сукутдалигимни қўрган Эшик:

– Бошламаган ишинг ҳам тугаши мумкин. Аммо бунинг якуни жуда хунук бўлади. Сен бу орқали қўп тушунмовчиликларга замин яратасан ва бу сенинг қалбингда афсус бўлиб қолади. Сен барчамизга нисбатан жасур эдинг. Нима ҳодиса рўй бердики, Қафаснинг ёнида тилингни ютиб юбординг? Ушбу сукутингнинг сабаби нима? – деди. Мен ҳам:

– Шунчаки сиз менга узоқ босим ўтказдингиз, шунинг учун жуда чарчадим, – дедим.

Қафас эса худди мен ундан гапириш хуқуқини тортиб олаётгандек шоша-пиша:

– Сен мени жирканч мақсадларинг учун воситага айлантиряпсан! Қотиллик қуролининг қотилдан қандай фарқи бор? Мен бечора тўтиқушнинг уч йилдан бери қандай азоб чекканини биламан. Қолаверса, сен уйингга келганларнинг ҳаммасига уялмасдан «Бу лаънати тўтиқуш мен билан сира гаплашмайди», деб шикоят қиласдинг. Гўё уйингга меҳмон бўлиб келган дўстларинг сен билан узоқ суҳбатлашадигандек. Яхшиямки, бугун тўтиқушни қўйиб юбординг. Бу эзгу ишда менинг алоқам бўлмаган эса-да, лекин мен сенинг шу кунгача қўрган энг чиройли амалингга гувоҳ бўлдим.



Бу ишинг билан сенга бўлган нафратимни тарқатиб юбординг ва ҳатто ҳурматимга сазовор бўлдинг. Бундан буён, агар хоҳласанг, мени ташлаб юбор ёки уйнинг ташқарисига чиқариб қўй, фаррошлар мени олиб кетишиди. Лекин илтимос, менга ҳеч қачон бошқа қуш олиб келма. Чунки бундай ҳаётга ҳеч ким муносиб эмас. Мени бу баҳтсизликдан қутқарганинг учун сендан чексиз миннатдорман, – деди.

Албатта, бошқалардан эшитганимдек, Қафасдан ҳам шундай мазмунли ва таъсирили нутқни кутгандим. Бироқ Қафаснинг бошқалардан фарқи шундаки, у ўз нутқининг охирида менга раҳмат айтди. Биринчи марта мен ўзимнинг кимгадир нафим текканини ҳис қилдим ва қалбимни ғалати хузур қоплаб олди. Бу суҳбатга қадар ўзимни қирғоқча чиқиб қолган китдек ҳис қиласар ва ўзимни қарғалар томонидан бўлакларга бўлинишимни кутаётган эдим. Қисман умид қилганим юз берган эди. Энди уйимда ўзим билан бирга яшаб, аммо мендан норози бўлган буюмларимнинг сирларидан воқиф эдим. Қолаверса, уйимга меҳмон сифатида келган ва мен севгилим деб атаганларимнинг ҳам асл юзидан хабардор бўлгандим... Мен бугунги эшитганларимдан тамоман ииқилишнинг ўрнига, аксинча, оёқда тик турадим.

Қанчалар ғалати туюлмасин, мен ҳисоб-китоб деб атаган нарса ҳақиқатга дўнган эди. Аслида, воқеалар ўз мақсадидан ташқарига чиқиб, вақти-вақти билан менга қарши хужумга айланган эди.



Энг аввало, уйдаги ҳамма нарсанинг бир-бирига бўлган хусумати юзага чиқади, деганимдаёқ мен бутундай янгишган эдим! Шамол қасддан эшикни ёпган, Девор нима қилаётганини билган ҳолда Мужаллани ерга ташлаб юборган, Мужалла Эшикнинг ошхонага боришимга рухсат бермаслигини била туриб, олмани ювиб келишимни сўраган, Мих атайлаб ўзини Мужаллага осилаётгандек кўрсатган ва Қафас ҳам менга сира ёдимдан чиқмайдиган «инсонийлик дарсини» бериб қўйишни истаган эди. Хона ичидаги буюмларнинг ҳаммаси гўё китоблардагидек менга дарс бериб қўйишни исташган эди, лекин улар бир нарсани унутишган эди. Мен инсон эдим! Бизга унутиш деган ажойиб қобилият берилган. Нима бўлган тақдирда ҳам, мен уларнинг танбеҳларини вақт ўтгач, унутар эдим. Лекин, албатта, миямга мих каби ўрнашган баъзи ҳодисалар ҳам бор эди. Масалан, мен Кўзгу юзимга солганларини ҳеч қачон унуполмасдим. Аслида, шу сабабдан одамларга бўлган ишончимни янада кўпроқ йўқотган эдим.

Тошлиар хаёлимда бирин-кетин жойига тушаётган эди. Ушбу хатти-ҳарақатлар менга қарши исён эди. Улар бир-бирларини сира ранжитмас эди. Уларнинг мақсади мен эдим. Агар аҳмоқона ҳисоб-китоб бир кун келиб содир бўлса, менга қарши уруш очишлари учун тил бириктириб олишган эди. Шунинг учун бу суҳбатга шу ерда якун ясашни истадим. Ҳаммаси шу ерда тугаши керак эди.



Деворга суюнган Мужаллани олиб, яна Михга осиб қўйдим. Суратнинг чангини артиб қўйиш хаёлимга ҳам келмади. Дераза олдига бордим ва дераза қанотларини маҳкам ёпиб, пардан тортишимни биламан, Эшик қўнғироғи жиринглади. Эшик:

– Биз кимнидир кутаётганмидик? – деди. Мен:

– Сиз эмас, мен кутаётган эдим. Суюклигим келган бўлса керак, – дедим ва диванда турган Кўзгуни олиб, ташқи эшикни очдим.

Севгилимга «Хуш келибсан», деганимдан сўнг, қаҳва столининг устидаги қофозлар учиб кетмаслиги учун ишлатилган китоблардаги ишқий романлар ҳақида ўйлаб қолдим. Кейин Соямга қараб: «Бу сафар сен менинг ёнимда бўлмайсан», дедим ва чироқларни ўчирдим. Севгилим ҳайрон бўлганча: «Нималар бўляпти?» дейишига имкон қолдирмай, унинг қўлидан ушлаб ҳобгоҳ томон юрдим. Кейин қўлимда ушлаб турган Кўзгунинг оғирлигини ҳис қилиб, ётоқхонага кирмасдан олдин уни меҳмонхонада қолдирдим ва Кўзгуга қараб жилмайганча: «Қани, агар уддалолсанг, ҳаммасини унут», дедим.

Бундан буён шахсий ҳаётимнинг ёнимдаги аёлдан бошқа бирон бир гувоҳи йўқ эди...



Ташқаридан қараганлар сени ҳамма нарсаны ортда қолдирған ва барчасига күнкікан, деб ўйлашади. Сен ҳам ўзингни гүё яхшидек күрсатишга ҳаракат қиласан. Куласан, суҳбатлашасан, аммо қалбингнинг оғриғи сени тушунади. У сени яхшидек күринишга мажбур қилмайди. Бўшлиқларга тикилганча: «Мен яхши эмасман», дейсан. Ҳали ҳеч нарса ўтиб кетмади...

Сен юзлашишдан кўрқсан ва доим кечиктиришга уринганинг, албатта, сени топади. Ҳамма нарса даҳшатли тезликда ўзгаради. Таслим бўлишдан бошқа чоранг қолмаганини тушунасан. Қарабсанки, шу пайтгача у билан қурашиб бехуда иш бўлган. «Бундан сўнг нима бўлишидан қатъи назар, менда қурашиб учун куч қолмади. Мен тугадим. Ҳаттоқи тик туришгаям мадорим йўқ», дейсан ва бир эшикдан ичкарига кирасан... Қабул қилишнинг берадиган хузур-ҳаловати бирдан қалбингни қамраб олади. Сен буни мағлубият деб ҳисобламайсан, худди ўз уйингдагидек хотиржам тортасан. Ҳамма нарса таниш туюлади. У ерда сенинг шахсий буюмларинг бор. Ҳатто болалигйнгда йўқотганинг учун бир қанча вақт хафа бўлиб юрган қаламинг ҳам ўша ерда. Қўлинг, оёғинг, кўзларинг, қўркувларинг, жасоратинг ва хотираларинг қаршингда турибди. Бу сафар ҳам ташқарига чиқмаслик учун эшикка орқангни ўгириб оласан ва чироқни ёқасан. Буюмларга охиста тегинасан...



Кейин қўлларинг билан ўзингга тегинасан ва ўзингга ўзинг: «Хуш келибман, мени кечир, жуда кеч қолдим», дейсан. Чунки на севгимиз, на бошдан кечирганларимиз, на ҳали яшалмаган кунлар ҳеч нарсани тузатолмайди. Мен кучсиз эдим. Сен кучсиз эдинг. Адойи тамом бўлган эдик. Жонимиз азобда эди. Тинмай ўзимизга азоб берардик. Аммо ҳеч бири хато эмасди... Чунки мен сени чиндан севардим. Балки ишқим бенуқсон бўлмагандир, лекин адоги йўқ эди.



Ҳалис Карабенли



Буюмларнинг ҳам забони бор. Уларнинг ҳам сукутлари, ўқдек тешиб юборувчи нигоҳлари бор. Энди ҳеч қачон кийилмайдиган пойабзалнинг, стол устида қолиб кетган ликопчанинг ва шкафда осилиб турган кўйлакнинг ҳам забони бор.

Иккимиз ҳам ўртамиизда турган қаҳва столининг устидаги кулдон каби тўлган эдик. Бирин-кетин сигарет чекардик. Гёё ўша ерда ўлишни хоҳлагандек... Жуда ғазабда эдик. Бирга ўтказган шунча йилдан сўнг, қандай қилиб бу ҳолга тушганимизни сира тушунмасдик. Агар ўша пайтда биримиз гапира бошлисак, ҳаммаси тугаши аниқ эди. Биз шунчаки тугаган нарсани номлаган бўлардик, холос. Аммо бунинг қўрқуви биз ҳис қилаётган ғазабдан ҳам кучлироқ эди. Чунки бирор нарсани тугатиш уни бошлашдан кўра қийинроқ эди ва ўтмишни ўша ерда қолдириш инсонни келажакда узоқ вақт давом этадиган ёлғизликка маҳкум қилиши мумкин эди... Кўзларимни юмид, стулга суяндим ва хонани тўлдирган тутунга термулган кўзларига тўқнашишдан қўрқиб, ўрнимдан турдим. Биз ҳамон жим эдик... Овозларимиз аввалгидек бир-бирига навбат бермай янграмас эди. Ҳеч нарса аввалгидек эмасди ва мен ўтмишни бу қадар соғинишимни билмасдим.

Мен ўрнимдан туришим билан, худди оёқларимни ернинг эмас, унинг устидан босгандек у ҳам сапчиб ўрнидан турди.



Кейин мен томонга бир қадам ташлаганча: «Шайтон олсин ҳаммасини! Кетмоқчимисан энди?» деб бақирди. У йиғларди. Ярим соатдан бери қўлида ушлаб турган резина ип билан соchlарини йиғиштириди. Шоша-пиша кўз ёшларини артди. Гўё кўз олдимда йиғлаганидан уялгандек эди. Бироқ у кўп марта бошини кўксимга қўйиб, хўнг-хўнг йиғлаган эди.

Мен аслида ошхонага ўтиб, сув ичмоқчи эдим. Аммо нима бўлдики, стулнинг орқасига омонатгина осиб қўйилган пальтомга қўзим тушди. Мен пальтомни биринчи марта стулга осиб қўйгандим, чунки у уйга кирганимда, биринчи марта пальтомни қўлимдан олмаган эди.

«Ҳа», дедим. Чунки у мен қилолмаган ишни амалга оширган эди. Яъни, ҳамма нарса тугаганини пальтом менга айтиб турарди. Негаки у менга, кет, демаган бўлса-да, лекин пальтомни олиб, одатдагидек свитерининг ёнига осиб қўймади. Чунки буюмларнинг ҳам тили бор. Баъзан улар ҳам вақт ўтиб кетганини кўрсатадилар... Мен унинг ёнидан ўтиб, эшик томон юрдим. Ҳаммаси бир онда юз бераётган эди. У орқамдан келади, деб ўйламагандим. Мен уни билардим ва нима қилишини озми-кўпми тахмин қиласдим.

Ниҳоят, мен пойабзалимни кийиб, омад олиб келиши учун оstonага осиб қўйилган митти филларга тегиндим. Бир ипга катта-кичик тўрт дона фил тизилган эди.



Кейин чидаб туролмай, орқамга ўгирилдим. Уни биринчи кўрганимда қандай қараган бўлсам, худди шундай боқдим. Худди ўша дамдагидек кенгайган эди кўз қорачиқларим. Мен буни сездим. Яна нафасим сиқилди. Нафас олишга ҳаракат қилдим. Жуда қийин эди, нафасим бўғзимга тиқилди, лекин мен бунга эришдим. У қўлларини кўкрагининг устида бирлаштирганча, мени кузатиб туради.

Ўша онда телбадек югуриб бориб, уни маҳкам қушишни истадим. Лекин бу қўлимдан келмади. Чунки пойабзалларимни кийиб бўлган эдим. Чунки жин чалгур буюмларнинг ҳам тили бор эди! Мен сени охирги бор қушишим керак эди. Чунки ҳали пальтомни киймаган эдим. Унинг гапига ҳали аҳамият бермаган эдим. Кетма, деб айтишингни кутгандим... Лекин қўлларинг очилмаган эди. Бир неча кундан бери ҳидингни тўйиб ҳидламаган эдим. Бу энг ёмони эди.

•



Менинг бир ҳикоям бор – ер юзида юрганимни пайқашди, ранжидим, севиндим, ғазабландим, жим бўлдим, гапирдим, кулдим, йигладим, кўнглим қолди, гул номларини ўргандим. Ва ҳаммаси сен билан бошланди.

Бу ерда мавсумларнинг субути йўқ. Биргина тўхтаб қолган вақт бор, холос. Устига устак, бу биз жуда севган қуннинг бир парчаси эмас. Ноаниқ соат, ноаниқ ой, ноаниқ йил... Балки бу вақт бизга тегишли эмасдир. Бизни жуда таъсирантирган бирор фильмдан қолгандир. Ёки кимдир бизга бир неча кунга ташлаб кетгандир, лекин қайтиб келмагани учун бизда қолгандир. Орамиздаги сукунат зерикарли жимликка айланар экан, иккимизнинг ҳам жойимидан қимирашимиизга тўсқинлик қилаётган нарсани тилга чиқаришдан тортинамиз. Бу уятчанлик яхши эмас, дейсан. Иккимиз ҳам бир хил нарсани ўйлаймиз. Анча вақтдан бери фикримиз бир жойдан чиққан мавзу ҳам шу. Қисқа жумлалар ҳар доим бизга зарар келтиришини ҳисобга олсак, ҳозирги вазиятни тушунишга қийналаман. Суҳбат учун бир неча сўз кифоя. Мен буларнинг ҳаммасини бир четга суреб, қўлларингдан тутишни истайман. Тўғрироғи, шунга ҳаракат қиласман. Шунинг учун ўзимни сен томон ундаюман. Бутун вужудим билан ёнингда туришни хоҳлайман.



Бизга бу чексиз ва ноаниқ вақтни парчалаб ташлайдиган буюк күч керак. Мен таслим бўлиш ҳақида тез-тез ўйлайман. Бир куни кечқурун уйга келганингда, юзингга боқсанча, «Тўхташимиз керак. Биз ақлдан озиб қолдикми?» дейишим керак. Аммо бу ҳам бизга ҳеч қандай наф келтирмайди. Орамиздаги муносабатнинг ниҳояси қўзларимизни нозик туман билан қоплади...

.

Ҳалис Карабенли



Отам ҳар доим ташқарини томоша қилган деразадан ташқарига қарайман. Дераза ойналаридан «Масалан, йўқотиш бу - бир деразанинг мангуга ёпилишидир», деган жумлани ўқигандек бўламан.

Ўйлашимча, вақт олдинга силжимайди. Вақт, аслида, бир жойда туради. Аксинча, биз доим ҳаракатда бўламиз. Буни отам шамдек эриб бораётганини кўрганимда англағандим. Отам жуда озиб-тўзиб қолган эди. Баданига қўл теккизганимда териси юмшоқ эди. Худди ширин пахта каби. Қарилик одамни эритиб юборади.

Мен бир вайронаман. Бир нечта вайроналардан бино бўлганман. Бир қанча офатларни бошдан кечирдим. Шунга қарамай, вақтнинг уддабуронлигига қарайман. У қучли, бефарқ, ўзини ўзи таъминлайдиган ва ҳеч кимга эътибор бермайдиган хусусиятга эга. Ундан бирор нарсани тортиб олишнинг ёки унга зарар беришнинг иложи йўқ. Мен нималарнидир ўзгартира оламан, деб ўзимни алдаган эканман. Аслида, ҳамма ўзини алдаб яшар экан. Отам касалхонада ётганининг эртаси куни ошхонада онамнинг куймаланаётганини кўрдим. Онам қовурма лағмон пишираётган эди. Ўша куни Курбон ҳайити эди. Нега онам ҳеч нарса бўлмагандек ошхонада қовурма лағмон пишириш билан банд? Албатта, отамга бефарқлиги учун эмас эди.



Онам отамга нимадир корҳол бўлишини ҳатто хаёлига ҳам келтиролмасди. Масалан, онам отамнинг ишдан аниқ бир вақтда қайтишига одатланган. Қолаверса, нега онам ўзидан-ўзи қовурма лағмон пишириши мумкин? Чунки у эллик йил бир ёстиққа бош қўйган одамини биларди. У қовурма лағмон орқали дардларни енгмоқчи эди. Йўқса, онам мен тайёрлаган овқатни емадингиз, деб отамнинг жонини ҳиқилдоғига келтирарди. Отам бундан қўрқарди ва соғайиб кетар эди. Онам нега ҳеч нарса бўлмагандек қовурма лағмон пишириш билан банд эди? Балки ҳар кимнинг бир-биридан бошқача умид қилиш услуби бордир? Уйни тозалаш, эҳтимол, онам учун бир умид эди. Бу вақт билан тузилган битим бўлиши мумкин. Балки кўз ёш тўкишнинг бир туридир... Эҳтимол, бу «Аллоҳим, ўтинаман, уни мендан айирма. У қовурма лағмонни жуда ёқтиради», деган дуодир.

Мана, бир соатдан бери ошхонада ўтириб, онам тайёрлаган қовурма лағмонга тикиламан. Дардни енгиш учун эмас, балки вақтга қарши бош қўтариш учун отам қовурма лағмонни ейиши керак эди.

Отам бу йили байрамда уйга келмади. Касалхона эшиги тагида соатлаб кутдим, лекин у мен билан келмади. «Отангизни яна бир бор кўришни хоҳлайсизми?» деб сўрашди ва мени устига оқ чойшаб ёпилган замбилининг ёнига олиб боришиди. Вақт яна тўхтади. Отамнинг пешонасидан ўпдим.



Бармоқларим билан очиқ қолган күзларини ёпдим. Кейин күзларидан ўпдим. Вақт ҳали-ҳануз тұхтаб туарди. Биз тез ёрдам хонасининг кириш қисмida әдик. Йиғладим. Қаерга боришни билмасдим. Мен отамнинг ўғли әдим, кучли бўлишим керак эди, лекин шу билан бирга, мен унинг ҳали ҳам эрка боласи әдим. Мен кучли бўлишни хоҳламадим. Мен бола бўлишни хоҳлардим. Онамга қўнғироқ қилдим: «Бу ёққа келинг, отамнинг аҳволи яхши эмас», дедим. Кейин ортидан дарров: «Йўқ, яхши. Бор-йўғи озроқ мазаси қочди», дедим. Овозим титрамаслиги учун тилимни тишлиладим. Онам келди. Мен уни бағримга босдим. Онам «Нима бўлди?» деб сўради. Мен онамни қаттиқроқ қучоқладим. «Нима бўлди, ўғлим?» деди онам, мен яна жим турдим.

Бу сафар онам отамдан на уйга бормагани учун, на тайёрлаган таомини емагани учун жаҳли чиқмади. Фақат «Мен сизни касалхонага шу ҳолатда олиб келганмидим?» деди отамдан айрилганимизни англашиб. Мен на онамга, на ўзимга ҳеч нарса деёлмадим. Отамни ўз қўлларим билан ювдим, оёғидан бошигача ювдим. Қўлларим билан ерга кўмдим, лекин шунда ҳам на онамга, на ўзимга ҳеч нарса деёлмадим. Узоқ-узоқ осмонга тикиладиган бўлдим. Отам энди қайтиб келмас эди... Лекин биласиз, август кечалари салқин бўлади. Совқотмаслигингиз учун устингизни тупроқ билан ёпдим, ота!



* * *

Мен ўзгармайман. Ўзгараман, деб ўйлагандим, лекин удалолмадим. Агар хоҳласангиз, буни камчилик деб билинг. Аммо буни деб мен ҳеч кимдан кечирим сўрамайман. Чунки агар мен ўзлигимни асраб қололмасам, ҳаммасини барбод қиласман. Мен ғазабланмайдиган, нима бўлишидан қатъи назар, парво қилмайдиган одамларнинг тоифасига кирмайман. Агар ғазаблансан, ҳамма нарсанинг бошига етаман. Хафа бўламан. Худди ёш бола каби хархаша қиласман. Агар соғинсан, соғиндим, деб айтаман. Агар севсан, буни яширмайман. Агар безовта бўлсан, буни ҳам ошкор қиласман. Жим турмайман. Мен учун аҳамиятли бўлган нарсалар учун доим курашаман. Алал оқибат, меҳнатим бехудага кетса ва бу қайғум ҳисобига бўлса ҳам, ортга қайтмайман. Агар кутиб қолсан, сен мени узоқ куттирдинг, дейман. Лекин ҳеч қачон ўзгармайман. Чунки мен камчилик ва хатоларим билан менман. Мен бошқача бўлолмайман. Акс ҳолда, ўзлигимдан ҳайриласман.



Алвидо

Мен бу кеча бир жойдан бошлашим керак... Бундан бир неча йиллар олдин бошлашим керак эди... Ва билгинки, сен менга урган пичоқни, аввало, қўмган жойимдан чиқариб оламан. Билгинки, сени йўқ қилиб, ярамнинг устидан янги яра очишга ҳам тайёрман. Билгинки, бахтни ҳеч қачон нишонга ололмаган инсонлар, бир мунча вақт ўтгач, ҳеч кимга нишон бўлишни хоҳламайдилар.

Оҳ! Сен гулга ҳаёт бахш этган ва вақт ўтиши билан лойқаланган гулдон ичидаги сувнинг ҳақоратланиши нима эканини билмайсан... Тўхтамай дуо қилдим, қайтишинг учун эмас, сени кечиришим учун. Анчадан бери ғазабимдан оёқларим тўпифимгacha қонга беланганд. Лекин буларнинг бари ўтиб кетди. Мен ҳам соғиндим, эътиборсиз қолдирдилар, итариб юбордилар, ёлғиз қолдим, қадр-қимматимни топташди. Лекин бундан кейин мен сенга на оғриқларимни, на ғазабимни, ҳаттоки, нафратимни ҳам раво кўрмайман. Сен ҳам соғинасан, эътиборсиз бир чеккада қоласан, ёлғизликда қийналасан, лекин ўшанда мен учун заррача-да, қадр-қимматга эга бўлмайсан.



Оҳ! Инкор қилиш эмас. Мен битта ҳақиқатнинг шафқатсиз саволи билан курашишдан чарчадим. Чиндан ҳам, сен менга ёлғизликдан бошқа нима бердинг?

Бу даҳшат, бу қўрқув бир томон: ўша қулоқларни кар қилган тирноқларимнинг тирнашидан қолган излар ҳали ҳам деворларда турибди. Кошки, «Мен сенга қаттиқ зарба бердим, умид қиласманки, бу хатомни кечирасан», дейдиганчалик жасоратли бўлсанг эди. Гарчи ёлғон бўлса ҳам, буни сендан эшитиш учун, ишон, мен борлиғимдан воз кечган бўлардим...

Эзилган тупроқнинг оёқлардан ғазабланиши, синган қиличнинг ўзини урадиган жасадни то-полмаслиги, ерга тушган биринчи томчининг тупроққа сингишидан қўрқиши, ўлик болани дунёга келтирган онанинг бефойда ғуссаси, тагидан олинган тирноқнинг беўхшов қўриниши, кейин, бу жирканч воз кечиш туйғуси, менга берган ақл бовар қиласмас куч, мен буларни барчасининг азобини бирданига бошдан ўтказдим.

Бу ниҳоясиз оғриқ қаердан бошланганини иккимиз ҳам яхши биламиз. Агар ҳозир энди ҳеч қачон йиғламайман, дардимгә малҳам изламайман, десам, ёлғон гапирган бўламан. Аммо кўриб туриб, эшитиб туриб, билиб туриб, қўлларимни энди сен томон узатмайман. Чунки мен муносиб бўлган нарсаларни сен бошқаларга инъом этдинг. Чунки мен илк бор иқрор бўлмоқдаман – шунча вақтим бехуда кетибди...



Қалб ҳимояси

У «Бироз чўзилишни хоҳлайсанми?» деди. У худди беш юлдузли меҳмонхонанинг каравотига таклиф қилаётгандек ҳаракат қиласарди. Аммо менимча, бу ўрин касалхонанинг тез ёрдам бўлимида мендан олдин минглаб bemорлар ётиб турган, айримлари ётган-у, лекин қайтиб турмаган, кўпроқ ўлим ҳиди келадиган оддий замбилга ўхшарди. Бу туйғудан кутулишдан ташқари, мен ўзимни операция пайтида камёб касаллик билан курашаётган умидсиз бир хастаман-у, шифокорлар менинг ёрилган танамнинг ичини томоша қилаётгандек ҳис қилдим. Ҳамма шифокорлар менга қизиқиш билан қараганча, кейинги bemорларни қутқариш учун менда нимадир ўрганар эди. Мен шулар ҳақида ўйлар эканман, у менинг ёнимда ниҳоятда хотиржам эди. Ўзининг хотиржамлигидан мамнун жилмайганча, менга ҳам «Тинчлан», деди. Кўп одамлар олдин унга овози сеҳрли эканини айтган бўлиши мумкин. Агар чиндан шундай бўлса, улар адашмаган. Шунинг учун, мен буни бўйсунишим керак бўлган буйруқ сифатида қабул қилмадим. Шундай бўлса-да, унинг овози мени тинчлантириш учун етарли эмас эди. Қолаверса, биз юзма-юз учрашишдан олдин, бу мен учун биринчиси эканини унга телефонда айтган эдим. Шу боисдан у мени яхшироқ тушунишига умид қилгандим.



Тажрибасиз ва асабийлигимга қарамай, чуқур нафас олиб, у истаганидек хотиржам бўлишга ҳаракат қилдим. Албатта, яна эплолмадим. Терлаб кетгандим. Эгнимдаги футболка жиққа ҳўл бўлиб, танамга ёпишиб қолган эди. Бу ҳам мени безовта қилган нарсалардан бири эди. Қачон, асабийлашсам ёки ҳаяжонлансан, ўзимни бошқаролмай, танамдаги барча сувни дарҳол чиқариб юборишни бошлардим. Бу, аслида, кулгили ҳолат эди.

Ўзимни ёмон ҳис қилаётганим етмаганидек, октябрда камнамо бўлиб қоладиган қуёш худди хонадаги кислородни тортиб олгандек эди. Деразаларнинг ёпиқлиги эса хона ҳароратини баттар ошириб юборган эди. У ҳам терлаганимни сезди. У чиройли ва ақлли аёл эди. Бўйи бўйим билан тенг эди. Спорт билан доимий шуғулланар эди. Костюмимни ечиб, чўзилар эканман, у нақшсиз оқ пардани кўтариб, деразанинг чап қанотини кенг очди. Кейин бошини деразадан ташқарига чиқариб, бирпас шаҳарни томоша қилди. Сўнг мен томонга ўгирилди ва устидаги свитерини еча туриб, «Қалай? Энди ўзингни хийла яхши ҳис қиляпсанми?» деб сўради. Мен ҳали ҳам жуда асабий эдим. Шунга қарамай, «Анча яхшиман», дедим. Айни дамда мен у кўрсатган жойда ётардим. Шифтга тикилдим. Шифт ҳам пардалар каби оппоқ ва унда осилган кичик лампаларнинг бир нечтаси ёниб турарди. Ўзимни тайёрлаш учун шифтдаги лампаларни юлдузлар деб фараз қилдим.



Ёниб турганлари тирик, ёнмаганлари эса ўлик юлдузлар эди. Ўлик ва тирик юлдузлар ёнма-ён турарди. Нақадар гўзал осмон, дедим. Оппоқ осмон... Ёрқин. Мендан бошқа ҳеч ким кўрмайдиган осмон...

«Сен билмаган ёки билган ҳолингда биринчи марта дуч келган нарсангни енгишнинг энг яхши усули бу – биринчи марта кўрганингни унутмасдан, бегонасирамасдан, унинг нима эканини тушунишга ҳаракат қилмоқдир», дерди бир дўстим. Унинг қўzlари тим қора эди. У янги нарсаларга жуда қизиқарди. Одамлар билан танишиш, янги жойларга саёҳатга чиқиш, янги иш жойларида ишлаш ва натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, таваккал қилиш унинг энг севимли машғулоти эди. Назаримда, ҳозир мен ҳам шундай вазиятда эдим. «Ўрнингга чўзил» деди, чўзилдим. Аслида, бу ерда бўлишим ҳам мен учун мўъжиза эди. Кўлларимни қорнимнинг устида бирлаштириб, қўзларимни юмдим. Кўзларимни юмган бўлсам ҳам, ҳозиргина мен кўрган оппоқ осмоннинг ёрқин юлдузлари ҳали ҳам бор эди.

У яна гапира бошлади, лекин бу сафар унинг овоз оҳанги ўзгарган эди. Энди унинг овозида сеҳр йўқ эди. Ишим туфайли мен давлат идораларида эшитишга одатланган ўша жиддий оҳанг билан «Қаердан бошлаймиз?» деб сўради. Мен малакали эмас эдим. Жиндай асабийлашдим. Бу савол менга ғалати туюлди. Чунки мен унга таслим бўлиш учун келган эдим.



У мендан қаердан бошлашимизни сўрамаслиги керак эди, лекин менимча, бу одат эди. Кўзларимни очдим ва бепарво оҳангда: «Билмайман, ўзинг биласан», дедим. Ниҳоят, доктор: «Кел, унда энг бошига қайтамиз. Болалигингда сенга таъсир қилган энг муҳим нарса ҳақида айтиб бера оласанми?» деди. Бўлиши мумкин. Бу эски усул, лекин одатда бунинг нафи тегади. Мен буни фильмларда ҳам кўрганман. Агар мен энг бошига қайтолмаган тақдиримда ҳам, болалигимни бошланғич нуқтага айлантириш ёмон фикр эмас эди. Қолаверса, олдимизда ҳали кўплаб қадамлар бор. Сира ҳам ўйлаб ўтирмай, «Мактабга борганимнинг биринчи куни», дедим ҳаяжон билан.

«Биринчи синфга қадам қўйган куним онам мени мактабга олиб борди ва ҳатто танаффус қўнғироғиниям кутмасдан кетди. Чунки у ишлашга мажбур эди. Иш жойидан рухсат олиши осон эмас эди», дедим. Болалигим ҳақида гапириш бир қараашда яхши фикрдек туюлса-да, сўзлаб бераётган ҳикоямдан кўп ўтмай безовталана бошладим. Чунки у бирпасдан кейин отам ҳақида сўрайди. Мен нима дейман? «У бир куни чиқиб кетди ва ҳеч қачон қайтмади! Оқ ранг қандай ранг ўзи, дўхтир? Ҳамма жойда унга дуч келаман. Мен отамни кўрганимда, у оқ мармартошнинг остида ётарди. Қабр тошидаги «Сени жуда яхши кўрадиган рафиқанг» деб ёзилган жумланинг остидаги исм менинг онамнинг исми эмас эди. Бошқа бир аёл отамга севгисини изҳор қилганди.»



Нима, шулар ҳақида гапирамидим? Лекин бизнинг олдимиизда ҳали бир қанча сеанс бор эди. Охироқибат, у ҳамма нарсани айтиб беришимни хоҳларди. У мен ҳақимдаги ҳамма нарсани билишга ҳақли бўлмаса-да, ўз ишини тўғри бажариши учун буларни билиши керак эди. Йўқ. Мен аслида, отамни сир сақлашим мумкин эди. У ҳар сафар сўраганда, мен ўз ўтмишим ҳақида гапиришга тайёр эмаслигимни айтишим мумкин эди. Зотан, ҳамма шундай йўл тутмайдими? «Ҳозир булар тўғрисида гапиришга тайёр эмасман. Чин сўзим! Ишон, айни дам бунинг ўрни эмас...» Одамларнинг барчаси шундай дейди. Қолаверса, мен касал эдим. Ҳаммадан ҳам оғирроқ касал эдим. Шу вақтгача ўтиб кетиши керак бўлган касалликни ёлғиз ўзим енголмаганим ва атрофимдаги инсонлар баҳтли бўлиши учун шу ерда эдим.

Мен ҳақиқатан ҳам касал эдимми? Қолганлар гўё соғломдек... Ёки менга ўзимни шундай тутиш ёқармиди? Ёки мен уни қаттиқ севганмидим? Ёки у кетганидан кейин мен уни ёқтира бошладимми? Нима бўлганда ҳам, мен ҳамма учун хаста бир одам эдим. Ҳатто у ҳам менга шундай нигоҳ билан боқарди. Мен уни унутишим керак эди, у менга шундай деган эди. Ҳаммаси тугаганди. Биз нималарнидир йўқотган эдик. Мен ундан нималарни йўқотганимиз ҳақида сўраганимда, у биз йўқотган нарсалар ҳақида аниқ жавоб беролмади, лекин у ёлғон гапирмасди. Биз чиндан ҳам нималарнидир бой берган эдик... У кетар экан, жуда хотиржам эди.



У ўзига ишонарди. Аслида, у ҳар доим ўзига ишонган эди. Нима бўлишидан қатъий назар, инсон аввал ўз ақлинни ишга солиши керак, дерди. Юрак амри иккинчи даражада экан. У шундай гапирганида, мен уни ҳиссиз тошга ўхшатар эдим, лекин буни ўзига айттолмасдим. Чунки мен уни хафа қилиб қўйишни истамасдим. Тошни севиш осон ишмиди? Мен уни барибир севардим. Унга қаттиқ кўнгил қўйган эдим. Ҳаммаси тугаётганида ҳам севардим, тугаганидан кейин ҳам севдим, бу ҳақиқат. Аммо у «Ҳаммаси тугади», деганида мен қаршилик қилмадим. Чунки у одамга хузур ва ишонч бағишлийдиган овозда гапирар эди. Унинг овозидан гўё гуллар терса бўларди. Унинг овози янграй бошлаганида, мен ўзимни хушбўй мевали дарахтлар орасидан юриб ўтаётгандек ҳис қилардим. У онамга сира ўхшамас эди. У гўзаллик маъбудасига ўхшарди. Балки менга шундай туюларди.

«Ҳар бир янги келган аввалгисининг изини ўчиради. Бу борлиқ қонуни, шундай эмасми?» деди у бир куни ровондаги тувакка экилган гулларимизга сув қуяр экан. Ўша куни гулларимиз илк бор гуллаган эди. Нима учун сариқ ва бинафша рангдаги гуллар унга буни эслатғанини тушунмаган эдим. Ёки унинг хаёлида бошқа нарса бор эди, билмадим, буни сўролмагандим. Мен унга нисбатан доимо журъатсиз эдим. Кўпинча саволларимга жавоб йўқ эди. Балки кутилмагандага номаълум нарсаларни олдимизга қўйиш унга завқ берармиди, буни ҳам билмайман. Боши берк кўчага қараган ўша ровонда қанчадан-қанча саволлар жавобсиз қолди.



Биз ўша ровон эшигини ёпганимизда, иккимиз-нинг сукутимиз ўз йўлини йўқотиб қўяр ва уйнинг ичида сарсон кезарди. Куз келганда, ровондаги гулларимиз сариқ ўтларга айланарди. Мен деразадан сарғайган ўтларга қарапдим. Уларнинг устига қорлар ёғарди. Биз келгуси йили янги гуллар ўз ўрнини эгаллаши учун сариқ ўтларга айланган гулларни юлиб ташлардик. Ўлим ҳақиқатан ҳам шу қадар осонмиди? Бирорнинг ёки бирор нарсанинг ўрнини эгаллаб, аввалгисининг изини дарҳол ўчириш ва ҳеч қачон у мавжуд бўлмагандек, ҳаётни давом эттириш мумкинми?

Мен докторга ўша аёл ҳақида гапириб бермоқчи бўлдим-у, лекин индамадим. Чунки бу ҳақида гапириш етишмаётган бўлакларимни ўрнига қайтишини англатарди. Хўш, агар мен ҳеч нарсани гапирмайдиган бўлсам, унда бу ерда нима қилиб ўтирибман? Навбат у ҳақида гапиришга келса, нима қиласман? Ҳаммасидан ҳам шуниси кўрқинчли эди. Нимани ҳам айта олардим? Балки куз келганда сариқ ўтга айланадиган гуллар ҳақида гапиришим мумкин эди. Ёки уй ичида айланиб, ташқарига чиқолмайдиган сукутимиз, ҳадикларим, унинг бевақт ва жавобсиз саволлари ҳақида... Балки Гулпари деб бошлаб, қолганига тилимни ютиб юборардим. Унинг исми Гулпари эди. Атиргул ичида яширинган пари. Мен исм әгасига мос бўлишининг яққол далилини унда кўрган эдим. Ҳа, у ҳақида шуларни гапиришим мумкин эди.

У тўғрисида гап бошлар эканман, туну кун тинмай дарс қилган бўлса-да, бироқ имтиҳон вақти келганида, ҳаяжондан ҳеч нарсани эслолмаган талаба каби қўл-оёқларим титрар эди. Ҳаёлимда ҳеч нарса қолмас эди. Фақат исми бор эди. Гулпари... Узоқ йиллардан кейин мен бугун дуч келган исм... Докторнинг исми ҳам Гулпари экани ғалати эмасми? Қани эди, унинг исми Хуля бўлса эди. Мен Хуля ҳақида бироз гапиришим мумкин эди ва иккаласи ҳам мен айтган ҳикояда ғойиб бўлишарди. Шунда мен бу қадар чуқурлашиб кетмасдим. Ўз Гулпаримни яширишда давом этардим. Ёки Зелиҳа хола ҳақида гапирадим. Айтганча, исмининг ёнига раҳматли деб қўшишни унутибман. Зелиҳа хола бугун вафот этди. Мен бу ерга келишимдан олдин дағн маросимига қатнашдим. Раҳматли рўпарамиздаги қўшнимиз эди. Хола ҳар куни Гулпари ҳақида сўраб турарди. У баъзи нарсаларни унутиб юборарди. Гулпари кетган кун унинг хотирасида йўқ эди. Эшикни қарсиллатиб ёпиши ва Зелиҳа холанинг ҳайрат тўла нигоҳлари... Ўшанда орқангдан «Гулпари!» деб бақирганди. Сен унга ҳам қайрилиб қарамаган эдинг.

Ўйлашимча, ҳамма нарсани тугатишнинг ягона қоидаси чиндан ҳам ҳамма нарсага якун ясаш эди. Сен шундай қилган эдинг. Мен альцгеймер касаллигига чалиниши шу қадар истардимки... Ҳатто лифтинг келишини ҳам кутмасдан, шошилганча тўртингчи қаватдан тушганингни унутиш учун бор-будимни берган бўлардим...



Жудаям ғалати, Зелиҳа хола вафот этди, лекин қизининг йиғлаганини ҳеч кўрмадим. У ҳатто қабр бошида ҳам йиғламади. Гўёки оғир юқдан кутулгандек эди. Ҳар бир янги келган аввалгисининг изини ўчириши ростмиди? Нега мен бу нарсага берилиб кетдим? Зелиҳа холанинг ўрнини ким эгаллайди? Онасидан айрилган одам... Қўявер, унут буни. Ўйлайманки, кўп йиллар ўтгач, сен мендан жавобингни олдинг...

Ҳар бир янги келган киши аввалгисининг изини ўчиролмайди. Чунки баъзида инсон ҳаётида тўлдириб бўлмайдиган бўшлиқлар бўлади. Аслида, бу ҳаётингизда қисман йўқотган нарсангизнинг аҳамияти ҳақида... Мен ҳал қилолмаган муаммонинг энг қўрқинчли қисми ҳам шу эмасми? Мен сенинг ҳаётингнинг қаеридаман? Оғир саволларнинг жавобидан қўрқкан бир телбаманми? Ёки мен кўп нарсаларни сендан яширдимми? Сенинг қаршингда шунчалик сўлғин туришимнинг сабаби, ҳатто ўзимдан яширишга ҳаракат қилган нарсалар бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаган бўлсанг керак. Биз сен билан бу ҳақда сира гаплашмаганмиз. Биз қўрқадиган нарсаларимиз ҳақида гапирмаслик билан, ўзимиз қўрқкан нарсаларни катталаштиридик. Биз нимани ўйқотдик? Суҳбатлашишними? Кучоқлашишними? Севишишними? Балки биз бошидан бери ҳеч нарсага эга бўлмагандирмиз! Биз бир жойда яашаш мажбуриятини қабул қилиб, ўзимизни алдадик. Шу йўл билан биз анча олдин тугайдиган нарсанинг умрини узайтиromoқчи бўлдик.



Лекин келиши муқаррар бўлган якунга тўсқинлик қилиб бўлмайди.

Мен бир хонанинг ичидаги эдим. Қаерда бўлсак ҳам, биз мавжуд бўлган жойни ҳаёт деб аташади. Ҳаракат доираси қанчалик тор бўлса, бизни шакллантироқчи бўлган одамлар ҳеч қаерга кетолмаганимиз учун ўзларини яхши ҳис қилишади. Бизнинг заифликларимиз уларнинг кафолатига айланади. Баъзида биз уйнинг ичидаги, баъзида замбилининг устида, баъзида эса юракда қолиб кетамиз. Бу ердан дарҳол кетишим керак, деб ўйлаганимизда, кўзга кўринмас куч оёғимизни маҳкам қучоқлади. Бизни ўзимизга боғлаб турган бу арқоннинг нариги учимда эканини аниқлолмаймиз. Бу нотинчлик кучимизни тортиб олади... Мен бироз аввал шифтда кўрган юлдузлар ғойиб бўла бошлади. Озгина учқун топдим, деб ўйлаган эдим. Инсон ўз умидини ўзи яратиши мумкинми? Ёки ишлатилган умидлар қалбимиздаги кетишга бўлган истакни қачонгача сўндириши мумкин? Бу адойи тамом бўлган вужудимизнинг истаги чиндан ҳам кетишими ёки бир жойда қимиirlамай тура олишми?

Доктор: «Бироз чўзйлишни хоҳлайсанми?» деганида, худди шу нарсани ҳис қилдим. Шу боис шифтдан ўзим учун юлдузлар саралаб олдим. Ўзимни ҳимоя қилишга бўлган савқитабий дарҳол катта тезлик билан намоён бўлди. Бироз вақт ўтгач, биз ҳақиқий муаммодан узоқлашишимизни билардим. Доктор бутунлай мени ҳимоя қила олишига ва муаммоларимни ечиш учун қўлидан келганича ҳаракат қилишига ишонмадим.



Унинг ҳам хаёлида қўп нарса гужғон ўйнаётгани табиий эди. Ким билади, мен унинг неchanчи bemoriman? У бир кунда қанча bemorni kўradi? У ҳаммамизга бирдек эътиборли бўлолмайди. Ёки одамларга бўлган ишончимни йўқотдимми? Бу кимни қизиқтиради? Ким кимга қанчалик ишонади? Балки шунинг учун ҳам доим сукут сақлагандирман. Баъзан сени ҳеч ким тушунмаслигидан хотиржам тортасан. Агар доктор мени тушунса, мен бу хотиржамлигимни абадий йўқотиб қўйишим мумкин. Чунки мен ҳамма одамларда бир хил тушунчани тополмайман. Одамлар гўёки менинг соғайиб кетишимни хоҳлашса-да, улар ҳеч қачон ўзлари ҳам касал бўлишлари мумкинлиги ҳақида ўйламайдилар. Чунки улар яхши ҳаётда яшашмоқда. Агар бугунни якунлаб, эртанги кунни бепарво ва бўш мия билан бошлаш яхши бўлса, мен бундай фаравонликни хоҳламайман.

Мен бу ерлардан ортиқ кетишини истайман. Шифтдан топган юлдузларимни олиб, дарҳол кетишим керак. Чунки улар ҳам менга тегишли. Мен бошдан кечирган ва бошқаларга нисбатан зирҳ сифатида қўллаган азобларим ҳам ўзимники. Ёнимда бўлишни хоҳловчилар мени бир бутун қилиб турган барча жиҳатларим билан қабул қилсин. Акс ҳолда, ҳеч ким ҳеч кимга яқин йўйламасин.

Ҳалис Карабенли

ЗАМОНГА ЕНГИЛМА

Таржимон: Нодирабегим Жамшид қизи

Муҳаррир: Сайджалол САИДМУРОДОВ

Техник муҳаррир: Мансур АБДУНАЗАРОВ

Дизайнер: Аслиддин АБДУЖАББОРОВ

Соҳибжамол КАТТАЕВА

Саҳифаловчи дизайнер: Нодира АТАХАНОВА

Мусаҳҳих: Гулчехра СУВОНҚУЛОВА

Ушбу китоб таржимаси учун муаллифлик ҳуқуқи «Factor press»
нашириётига тегишли. Таҳририят руҳсатисиз китобни турли шакл
ва кўринишда чоп этиш, тарқатиш ман этилади ва Ўзбекистон
Республикаси қонунларига мувофиқ тартибда жавобгарликка
тортилади.

Босишига 2021 йил 3 октябрда руҳсат этилди. Бичими: 84/108 _{1/32}.
«Cambria» гарнитурасида оғсет усулида оғсет қоғозида босилди.
Шартли босма табоғи 11.5. Ҳисоб нашр табоғи. Адади 10.000 нусха.

Буюртма № 09/21

«Reliable Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш.,
Яккасарой тумани, Күшбеки кўчаси, 6-й



Бизни телеграмда қузатинг: <https://t.me/factorpressnmk>

Инстаграм саҳифамиз: [factor_press_nmk](https://www.instagram.com/factor_press_nmk)

Мурожаат ва таклифлар,
китоб буюртмаси учун: [@factorpress](https://t.me/factorpress)

ЗАМОНГА ЕНГИЛМА

Ханс Қарадени

«... биласанми, инсон бир марта туғилади. Аммо минг бор ўлиши мүмкін. Аммо бу ердаги ақамиятли томони шундаки, неча бор ўлган бўлсанг ҳам, ҳатто бир нарса учун бир неча бор ўлган бўлсанг ҳам, ҳеч қачон пушаймон бўлмаслигингдири. Айни дамда нима учун бу ердалигинги ва сени бу ерга қандай сабаблар етаклаб келганини зинҳор унутма!»



@factor_books
 @factorpressnmk



FAC
PRE